

БАҲОДИР КАРИМ

ЖАДИД МУНАҚҚИДИ

ВАДУД МАҲМУД

Ҳуҷ. 2
89
к-26

Баходир Карим

ЖАДИД МУНАҚҚИДИ ВАДУД МАҲМУД

1299

АШИЕР НОВОЙ НОМИДАГИ
YeshDO'TAU
АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ

Тошкент
"Университет"
С. 2000

Мазкур китобда Вадуд Махмуд ижоди мисолида 20-йиллар адабий танқидчилиги тарихига назар ташланган. Унда жаҳид адабиётининг айрим сиймолари ҳамда адабий меросга муносабат масалалари ўз ифодасини тошган; биринчи манбалар асосида ўзбек адабий танқидчилиги ва адабиётшунослиги тарихининг муайян даври ёритиб берилган.

Китоб филология факультети талабалари ва филолог мутахассисларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор У.Норматов.

Тақризчилар:

филология фанлари номзоди, доцент А.Расулов.
филология фанлари номзоди, доцент У.Долимов.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида кейинги йилларда юзага келган кескин ва табиий ўзгаришлар адабиётшунослик илмига ҳам ўзининг сезиларлик таъсирини ўтказди. Натижада "ҳақиқатни ошкора айтиш", "эркин фикрлаш", "илмда ҳолис бўлиш", "бирёқлама қарашларга барҳам бериш" сингари тушунчаларнинг салмоғи ва салоҳияти янада ошди. Ўзбек адабиётшунослиги олдида турган вазифалар мақсади чуқурлашди, доираси анча кенгайди. Муайян тарихий давр юзага келтирган имконият адабиётшунос олимлар зиммасига илмий-тарихий, адабий-эстетик муаммоларни янгича талқин этиш ҳамда ҳал қилиш масъулиятини юклади. Айниқса, мустабид тузумнинг ҳукмрон сиёсий мафкураси доирасида ёзилган ўзбек адабиёти тарихини умумэстетик илмий мезонлар билан баҳолаш, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон заминидан пайдо бўлган турли ижтимоий ҳаракат ва адабий-илмий тўғрақ-ташқилотлар фаолиятини, хусусан, жаҳидчилик оқими билан боғлиқ идеяларни умуминсоний қадриятлар асосида қайта тадқиқ қилиш, 20-йилларнинг мураккаб шароитида қизгин фаолият кўрсатган ижодкор шахсларнинг асл илмий-эстетик олами-ни қайтадан кашф этиш сингари бир қатор проблематик масалалар юзага келди. Классик адабиёт тарихига ёндашувларда "реакцион-диний адабиёт" термини доирасидаги тушунчалар ўрнини тасаввуф фалсафаси заминидан ўзига хос талқинлар эгаллаб бормокда. Мабодо, бугун жаҳид адабиётининг мумтоз намояндалари, деб аталаётган сиймолар маълум давргача "панисломчи", "пантуркчи", "жаҳидчи" тамғалари остида таҳқирларга учраб, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва адабий-илмий хизматларига давр сиёсати нуқтаи назаридан фақат бирёқлама, ғайри-илмий, ғайримиллий дузумлар воситасида қаралган бўлса, энди улар Туркистоннинг озодлиги, эрки ва мустақиллиги, миллатнинг маданий юксалиши, жаҳон миқёсига чиқиши ва миллий ўзлигини таниши учун жон куйдирганликлари ҳолис илмий таҳлиллар доирасига олиб кирилмокда.

Жаҳидларнинг кейинги вакиллари ва ворислари бўлган 20-30-йилларда ижод қилган айрим шоир, ёзувчи ва олимлар фаолияти ҳам узоқ йиллар мабойнида асоссиз танқид остига олинди. Аксарият ҳолларда уларнинг адашганлиги, миллатчилиги, ҳатто "халқ душмани" эканликлари қайта-қайта такрорланди. Уларнинг ижод психологияси, реал адабий-тарихий муҳити, муайян дунёқараши заминидан шаклланган ижодининг асосий тенденциялари ва эволюцион жараёнлари ҳар томонлама батаф-

сил ўрганилмади. Адабиётдек гўзал сўз санъати устидаги ҳоким сиёсатнинг махсус талаби, махсус қарор ва андозалари эса бунга имкон бергани йўқ. Шу сабабли 20-йилларда ўзбек адабиёти ёрқин сиймоларининг баркамол маънавий олами, илмий-эстетик дунёси ва жамият ҳаётидаги социал хизматлари деярлик эътибордан четда қолиб келди.

Даврнинг диалектик қонуниятлари адабиётшунослик олдида турган сиёсий қолипларни парчалади, хусусан, 20-йиллар ўзбек адабиёти тарихи, адабий танқидчилиги тарихи муаммоларини ҳал этиш, даврнинг реал адабий-тарихий манзарасини яратиш учун, ҳар бир фигурага индивидуал ёндашиш учун шарт-шароитни юзага келтирди. Шунга биноан бу йўналишдаги излашларнинг маҳсули бўлиб, бир неча китоб ва тўпламлар нашр этилди.

Маълумки, муайян адабий-тарихий давр, мураккаб адабий муҳит бир-икки ижодкорнинг фаолиятини тадқиқ этиш билангина тўла ойдинлашиб қолмайди. Шу маънода 20-йиллар ўзбек адабиёти, ўзбек адабий танқидининг нисбатан мукамал тарихини яратиш учун М.Бехбудий, А.Қодирий, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, А.Фитрат ва А.Чўлпон сингари шахслар билан ёнма-ён фаолият кўрсатган ижодкорларга ҳам эътиборни қаратиш, уларнинг ҳаёти ва ижодини, ўз даврининг етук шахсларига, ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий проблемаларига муносабатини ойдинлаштириш лозим бўлади.

Тўғриси, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Қодирийлар номи ва асарларига босилган мудҳиш сиёсий тамға ўша даврнинг адабиётшунос, театршунос, тилшунос ва таржимашунос олимлари муҳитини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Ашуралн Зоҳирий, Лутфилла Олимий, Шохид Эҳсон, Зиё Саид, Санжар Сиддик, Миёнбузрук Солиҳовга ўхшаш хилма-хил мавқедаги илм аҳли, айниқса, "буржуа танқидчиси", "чўлпонлар маддоҳи", "миллатчи танқидчи" сифатида Вадуд Маҳмуд узоқ йиллар қораланди. 20-йиллар адабий танқидчилиги ва адабиётшунослиги хусусида фикр юритилса, мунаққидлик, адабиётшунослик билан махсус шуғулланган ижодкор тарзида аввало Абдурахмон Саъдий ва Вадуд Маҳмуд номлари тилга олинади. В. Маҳмуднинг мазкур соҳадаги адабий хизматлари яқин ўтмишимизда қадрланмади, ижодига нисбат берилган салбий муносабатлар даврдан даврга, китобдан китобга, мақоладан мақолага кўчиб юрди.

Юқорида номлари зикр қилинган таниқли сиймолар қаторида ҳозирги кунда Вадуд Маҳмуднинг ижодини ҳам одил ва ҳалол тадқиқ этиш, 20-йиллар адабий жараёнидаги хизматларини, адабий танқидчилигидаги ўрнини кўрсатиш, асарларини жиддий текшириб, принципиал асосларини аниқлаш ва ҳолис баҳо бе-

риш лозим бўлади. Буни амалга ошириш мунаққиднинг номини оқлаш ёки асарларини тадқиқ этиш билангина чегараланиб қолмайди, балки покдил ва тоза ниятли бир инсоннинг мустабид тузум сиёсий зуғумлари остида руҳий ва жисмоний жиҳатдан чексиз азият чекканини ёритиш маъносида умуминсонийлик касб этади; ҳозирги кун ва келажак учун муайян ибратли хулосаларга олиб келади.

Вадуд Маҳмуднинг илмий, маданий-маърифий фаолияти, Навоий ва Ғузулий, Бехбудий ва Ажзий, Фитрат ва Чўлпон каби машҳур сиймолар хусусидаги қарашлари ҳалигача ўзбек адабий танқидчилиги тарихидан ўрин олган эмас. Буларни махсус ўрганиш 20-йиллар адабий-илмий муҳитини янада теранроқ тасаввур қилишга имкон беради.

I Б О Б. МУНАҚҚИД ВА АДАБИЙ ЖАРАЁН

Йигирманчи аср биринчи чорагидаги Туркистон маданий ҳаётига фидойи зиёлиларнинг улуғ хизматлари кўрк бағишлаб туради. Вадуд Маҳмуд ана шу авлоднинг бир вакилидир. У адабиёт майдонида Самарқанд адабий муҳити орқали 20-йиллар арафасида кириб келди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шақурий, Сиддиқий Ажзий, Васлий, Ҳожи Муӣин, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний сингари шоир ва муаллимлар муҳитида тарбия топди, таълим олди, ҳар тарафлама шаклланди. Унинг асарлари Вадуд Маҳмудий, Вадуд Маҳмуд ўғли, В.М., Вов., В. имзолари билан "Қизил байроқ", "Меҳнаткашлар товуши", "Камбағаллар товуши", "Зарафшон", "Туркистон", "Йнқилоб", "Маориф ва ўқитувчи", "Ер юзи" ва бошқа вақтли матбуот саҳифаларида босилиб турди.

Вадуд Маҳмуд номи тилга олинган бир ёднома-мақолада унинг Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ўғли эканлигига изоҳ берилган.¹ Таржимаи ҳолига алоқадор аниқроқ, ишончлироқ маълумотларга мурожаат этилганда, у Самарқанд шаҳридаги Хўжазумрад маҳалласининг имоми, мударрис Маҳмудий домланинг ўғли, С.Айнийнинг қайноғаси экани маълум бўлди.²

Вадуд Маҳмуд 1897 йили (айрим манбаларда 1898, 1899 йиллар ҳам кўрсатилган) Самарқандда зиёли-руҳоний оиласида туғилади. Вадуд беш ёшга етганда отаси оламдан кўз юмади. Унинг онаси шаҳар чеккасида жойлашган Ражабамин қишлоғидан бўлиб, ёш Вадудга ота шаҳри ҳам, она қишлоғи ҳам бирдай азиз эди. Бироқ унинг болалиги асосан ражабаминлик муаллим Абдуқодир Шақурийлар оиласида ўтади. Бунинг сабаби бор, албатта. Домла Маҳмудий даставвал А.Шақурийнинг синглисига уйланади. Аммо домланинг бу жуфти ҳалолу узоқ яшамай вафот этади. Кейинги уйланган хотинидан эса Вадуд дунёга келади. Домла Маҳмудий ва Шақурийлар оиласи орасидаги муносабат ўша нохуш-кўнгилсиз айрилиқ воқеалари содир бўлишига қарамай, илгариги самимийлигича сақланиб қолади.

А.Шақурий ўз уйида ўғил болаларга таълим берса, унинг онаси Розия биби қиз болаларни ўқитар эди. Вадуд асосан ана шу муҳитда хат-савод чиқарди. Шақурий унга ҳақиқий тоғадек

¹ Мақсудов Ю. Улуғлар даврасида. "Шарқ юлдузи", 1990, 4-сон. Изоҳ редакция тарафидан берилган. Уни мақола муаллифи тасдиқламайди.

² ЎзФА мухбир аъзоси физика-математика фанлари доктори, профессор Шавкат Воҳидовнинг шахсий архиви манбалари.

муомала қилди. Розия отин эса бошқа фарзандлари бўлмаганидан Вадудни худди ўз неварасидек асраб авайлайди, таълим тарбия берди.

Маълумки, Туркистон ўлкасида биринчилар қаторида усули жаҳид мактаби очган шахслардан бири Абдуқодир Шакурыйдир. Унинг мактаби эски усулдаги мактаблардан методик жиҳатдан фарқ қилар эди. Мактабда диний ва дунёвий фанлар баравар ўқитилиб, жуда қисқа муддат ичида савод чиқариш йўли танланган эди. Талабалар учун дарслик ва қўлланмаларни имкони борича муаллимнинг ўзи тузади. Хожа Ҳофиз, Бедил, Навоий, Фузулий каби классик шоирларнинг нисбатан соддароқ асарларини ўқув программасига киритади, баъзида адабиёт ва ахлоқ машғулотларига оид ибратли шеър ва ҳикоялар ёзиб беришни Ажзийдан илтимос қилади. Вадуд Махмуднинг фахр билан эслашича,¹ Ажзий ҳар бир ишда Шакурыйнинг энг яқин маслаҳатчиси, "ўнг қўли" бўлган экан. Ажзий ўша мактабда илмга чанқоқ талабаларга рус тилидан сабоқ ҳам берган. Шакурый дарсликлар масаласида маҳаллий доиралар билангина чегараланиб қолмайди. Эрон, Туркия, Боғчасарой ва Татаристон билан жуда яқин маърифий ҳамкорлик қилади. Бу донгдор мактабнинг дастлабки ихлосманд талабаларидан бири Вадуд эди, албатта. У мактабда диний илмлар билан бир қаторда география, ҳисоб ва ҳандаса сингари дунёвий илмлардан ҳам бохабар бўлади. Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларидан ёд олади, илмга, адабиётга ихлос қўяди. Ана шу даргоҳда даврининг машхур сиймолари, мактабдорнинг доимий маслаҳатгўй-маслақдошлари билан танишади. Янги таълим системаси қўллаб-қувватланиши билан бирга айрим жоҳил, бидъатчи, нодон кимсаларнинг, маъмуриятдаги айрим шахсларнинг қаттиқ қаршилигига учрайди. Вадуд дастлаб толиби илм, сўнгра муаллимнинг энг яқин ёрдамчиси сифатида ўша сарсон-саргардонликларнинг барчасига гувоҳ бўлади. Турли-туман қийинчиликлар гирдобида тобланади, кўзи пишади.

Билимдонлиги, теран фикрлиги учун Вадуд Махмуд 1917 йилги ўзгаришлардан кейин янги ҳокимият муассасаларига жалб этилади. Айрим ҳолатларда унинг муайян эътиқод заминиди шакланган ижтимоий-сиёсий қарашлари ва адабий-эстетик тушунчалари совет ҳукумати мафкурасига кўп ҳам мос келавермайди. Баъзан ён беради, мурасага келади, баъзида олқиш эшитилади ёки танқид қилинади. 1927 йили унинг умрида эсидан чиқмайдиган воқеа содир бўлади: қизил маданиятчилар Вадуд

¹ Махмуд В. Муаллим Шакурый (ҳужжатли қисса). "Садои Шарқ", 1992, 8-сон.

Маҳмудни душманликда, зараркунандачиликда айблаб мажлислар залидан ҳайдаб чиқарадилар. 1929 йилга бориб миллатчиликда айбланиб қамоққа олинади. Қамалишининг асл сабаби диндорлиги эканини Вадуднинг ўзи бошқалардан кўра яхшироқ билади. Бу мусибатлар биргина унинг эмас, балки юзлаб руҳоний-уламоларнинг бошига тушган кўргилик-мусибат эди.¹ У асосий қамоқ муддатини Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида ўтаб, 1934 йили Тошкентга қайтади. Шаҳарнинг Дорхон маҳалласида истикомат қилади. Аммо орадан кўп ўтмай 1937 йили мудҳиш қирғин, қамоқ ва оммавий сургунлар довулига дуч келади. Узоқ муддатга қамалади, юртидан бадарға қилинади...

(Вадуд Маҳмуднинг ижодий-амалий фаолияти ниҳоятда рангбарангдир. У 20-йилларда маориф соҳасида ишлайди, аниқроғи, Самарқанд вилояти маориф бўлимининг мудирини бўлиб хизмат қилади; ҳар доим унинг қалбини бола тарбияси, мактабларнинг оғир аҳволи, маориф ишларидаги бошбошдоқликлар каби муаммолар безовта қилади. Ўша туйғулар ифодаси ўлароқ "Болалар тарбияси", "Болалар ҳафтаси", "Маориф ишлари", "Мақтабларда аҳвол", "Мажбурий ўқиш", "Маорифимиз", "Билим юртимизда", "Ҳиммат керак", "Яхши эмас" сингари ўнлаб мақолалар ёзади.

"Мақтабларда аҳвол" мақоласида муаллиф 20-йиллар бошидаги таълим ва тарбия системасининг ночорлиги, маълум бир тартиб-интизомга тушмаганлиги, ўқитувчиларнинг ўз ишига масъулиятсизлиги, ўқувчи мактабдан бирорта фойда ола билмаслигини танқид қилади. 7-8 яшар бола динни ўрганиш учун чаласавод кимсалар қўлида сафсата ва хурофотни ўргангандан кўра, мактабда билимли домлалар тарафидан ислом диннинг асл моҳиятини чуқур ўргатишни таклиф этади.²

"Болаларимизнинг маънавий тарбиясига келсак, мундан ҳам ёмон ҳолларга учраймиз, - деб уқтиради В.Маҳмуд "Болалар тарбияси" номли мақоласида. - Болаларни кўрқитадиган "ана ола пўстак келди, ана ола бўжи товуши келаётибдир, ўрисга берай олиб кетсун бўлмаса", деган сўзларимиз болаларга ёмон таъсир қиладир.

Мунинг таъсири анча-мунча эмас, жуда катта ва кўбдир. Ҳатто шу инқилобий жараён вақтида ўз ҳуқуқимизни ола олмаслигимизнинг таъсири тамом шуникидир. Шу тарбия таъсиридирким, ҳали ҳам овруналилардан, ўрислардан кўркамиз, мусулмонларга қилмагон ҳурматларни ўрисга қиламиз. Бу кич-

¹ Бу ҳақда қаранг: Аҳмад С. Мунаввар Қори. "Шарқ юлдузи". 1992, 5-сон.

² Маҳмуд В. Мақтабларда аҳвол. "Меҳнаткашлар товуши", 1921, 15 февраль.

кина бир воқеа ва кичкина бир зарар эмасдир. Бир маҳкамада битта ўрис бўлса, кўркиб кирмаймиз. Олдимизга бир ўрис эмас, ўрис каби биров келса, ихтиёрсиз ўрнимиздан турамыз қўл қовуштирамыз. Кўчада болаларимиз бир ўрисни кўрса қочадир.

Сут билан кирган жон билан чиқадир, деган мақол мазмунича бу таъсир биздан ўлмагунча кетмайдир. Демак, биз шу таъсир натижасида ҳозирча тенглик қонунидан зоҳиранда фойдаланмаймиз. Бу ҳол мунда турсин бизнинг болаларимизда шундай тарбиядадирлар. Агар биз ҳозирда шу тарбияни ташлаб, янги бош-оёқ соғ шижоатлик ёнур кишилар етиштиришга киришмасак, биздан сўнг келатурғон наслда шу аҳволда бўладир".¹

Болани кўрқитиб тарбиялаш фақат унинг шахсий психологиясигагина таъсир қилиб қолмайди. Масаланинг ижтимоий зарари хавфлидир. Кўрқитиб тарбияланган авлод маълум бир тарихий жараёнда на ўзининг ҳақ-ҳуқуқини талаб қила олади, на бир ўзининг эркин фикрини очик айта олади.

В.Маҳмуд "Маорифимиз" деб аталган мақоласида маориф ишларининг сустиги, мактаблардаги муаллимларнинг билими саёзлиги хусусида куюниб ёзади. Шунга кўшимча қилиб қўйидаги мулоҳазаларни айтиб ўтишни маъқул билади: "Бир қайдан марказ ўзига маъқул қурилган йўл билан (мактаблар учун -Б.К) дастуруламал юборадир. Жойларда татбиқ қилиниб-қилинмаслигидан хабарсиз кунда буйруқлар ёзадир, ҳар куни бошқа таълимотлар келади. Муҳим бир нуқсонни айтиб ўтмоғимиз керакким, у ҳам шу таълимот ёзатурғонларнинг руслардан бўлиши, яъни бизнинг аҳволимиздан хабарсиз кишиларнинг бизга йўл кўрсатувчи бўлғонидир. Бутун ишимизнинг натижасиз бўлғонига сабаб шудир".² Афтидан Вадуд Маҳмуднинг бундай ҳақ гаплари ва кескин танқидлари ҳамда мактабларга юбориладиган ўқув-методик программаларни маҳаллий миллатнинг руҳиятидан хабардор шахслар ишлаб чиқиши лозимлиги хусусидаги талаб-таклифлари ҳукуматнинг юқори доирасидаги масъул кимсаларга маъқул келмаганга ўхшайди. Ёшгина йигит бўлишига қарамасдан деярлик беш йилдан буён Самарқанд маориф комиссарлиги бўлими мудири вазифасида сидқидилдан дадил ишлаб келаётган Вадуд 1922 йилнинг охириларига бориб лавозимидан озод қилинади.

Бу жонкуяр шахснинг ишдан бўшатилиши айрим нуфузли зиёлиларнинг, жумладан, шоир Чўлпоннинг ҳам ҳақли эътирози-

¹ Маҳмуд В. Болалар тарбияси. "Меҳнаткашлар товуши", 1921, 21 февраль.

² Маҳмуд В. Маорифимиз. "Камбағаллар товуши", 1922, 22 июнь.

га сабабчи бўлади. У 1923 йил 7 январда "Туркистон" газетасида эълон этилган "Муттаҳид фронтимизнинг биринчи вазифалари" мақоласида жамоат ишларига чин кўнгилдан фаол аралашиб келаётган ёшларга "англамас миялар томонидан қўл тегизмакка бошланғони"ни ёзади. Мақолада "Самарқанд маориф ишларини яхши йўлга қўйиб келаётган маориф мудирини Вадуд ўртоқнинг ишдан бўшатишгани", бундай ўринсиз ҳаракатлар, ўйламасдан қилинган ишлар ёшлар орасида "Мана айтмадикми, биз ёшларга ишлагали йўл бермайди" деган норозилик туйғуларининг юзага келишига сабабчи бўлиши алоҳида таъкидланади.¹ В.Маҳмуд ишдан бўшатишгандан кейин бекорчиликда узоқ қолиб кетгани йўқ Самарқанд билим юртининг мудирини этиб тайинланади. Вадуд Маҳмуд қаерда ишламасин даврнинг қийинчиликлари, турли муаммоларига дуч келади. Бироқ жўшқин руҳиятини тушқунлик кайфиятига қўл қилмасдан курашади, йўл-йўриқ излайди, тўғри деб топган фикрини иложи борича кўпчиликка тасдиқлатишга интилади. Масалан, Самарқанддаги бирдан бир илмий муассаса бўлмиш билим юрти биносини ҳукумат ўз идораларини марказлаштириш мақсадида тортиб олмоқчи бўлганида мудир сифатида юқорироқ доираларга мурожаат этади. Шунингдек, "Яхши эмас" номли мақоласи билан чиқиб, ўқиш-ўқитиш ишларига мўлжалланган бинони ҳукумат идорасига айлантириш яхши эмаслигини, аксинча, ёрдам зарурлигини дадил талаб қилади.²

Бу даврларда Вадуд Маҳмуднинг ижодий фаолияти ўзи бевосита алоқадор бўлмиш биргина маориф соҳаси билангина чекланиб қолгани йўқ. У ҳам ўз замонасининг таниқли шахслари каби кенг кўламли илмий-назарий ва амалий ишларга берилди. Кўҳна Туркистон заминида ҳақиқий миллий зиёлилар қатламининг вужудга келиши учун жон куйдиради. Чор истилочилари ва инқилобчилари томонидан таҳқирланган жабрдийда маҳаллий халқнинг бахтли-саодатли, илмли-маърифатли бўлишини, озод ва эркин нафас олишини, дунёдаги бошқа миллатлар билан бир сафда туришини чин юракдан истайди. Шу орзу-истакларини ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мақолаларида баён қилади, мавзу ва жанр жиҳатидан хилма-хил асарлари моҳиятига сингдиришга уринади. Қалбидаги дарду аламлар, қувончу шодликлар ҳаддан ошганда баъзан шеърини мисралар билади, насрий сочмалар ёзади. 20-йиллар илмий муҳитида кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ўзбек тили масалалари, имло

¹ Чўлпон. Муттаҳид фронтимизнинг биринчи вазифалари. "Туркистон", 1923, 7 январь.

² Маҳмуд В. Яхши эмас. "Зарафшон", 1923, 12 апрель.

ва ҳарф муаммолари хусусида ўз таклиф ва эътирозларини ўртага ташлайди. Шуниси муҳимки, 20-йиллар адабий жараёнида фаолият кўрсатган шахслар қанчалик ранг-баранг мавзу ва жанрларда ижод қилмасин, бари-бир улар руҳий олами, табиий истеъдодининг қайсидир қирраси ярқ этиб кўзга аниқроқ ташланиб туради. Ва улар ижодининг ўша нуфузли жиҳатлари билан умумий тарзда тавсифланади. Масалан, Чўлпон деганда ҳар вақт аввало шоир, Абдулла Қодирий тилга олинганда даставвал ёзувчи, Ҳамза Ниёзий эса келганда биринчи бўлиб драматург, Абдураҳмон Саъдий келганда адабиётшунос, Санжар Сиддик хусусида гап кетса, энг аввал таржимон сиймоси кўз олдимизда намоён бўлади. Шунга монанд, гарчи Вадуд Маҳмуд мавзу ва жанр жиҳатидан хилма-хил асарлар ёзган бўлса ҳам, 20-йиллар адабий жараёнида асосан адабиётшунос-мунаққид бўлиб танилгандир. Унинг биз юқорида бир оз тўхталиб ўтган ва келгуси айрим саҳифаларда таҳлил этадиган баъзи асарлари ўша асосий илмий-адабий йўналиш учун қаламини чархлаб, маҳоратини ошириш бобидаги пиллапоғ бўлганлиги табиийдир.

Вадуд Маҳмуд адабий-танқидий мақолалар ёзар экан, аввало, бадий асарнинг нафислигига, нозик яслишлари, бадияти ва шаклий тузлишига, услуби ва тилига эътиборни қаратади. Оддий гаплар йиғиндисини қофиялаб, шеър унвони билан эълон қилувчи кимсаларни хушламайди. Шеърдаги мусиқий оҳанг, чуқур дард ва санъаткорона мукамалликни кадрлайди. Шунинг учун бўлса керакки, адабий жараёндаги ёш қаламкашларнинг принципал чиқишларини кузатиб, "Ўзгариш даври ўзбек адабиёти" мақоласини ёзиб чиққан Абдураҳмон Саъдий Вадуд Маҳмуднинг "Туркистон" газетасидаги танқидий мақолалари ўзбек ёшлари ўртасидан адабий танқид қаламлари чиқа бошлагонини кўрсатади. Бу ҳам адабиёт бобида 6-нчи йилнинг ижобий ҳоллари томонига ёзила оладир", деган фикрни ёзади.¹ 20-йилларда кўзга кўринган нуфузли зиёлилардан яна бири Незмат Ҳаким эса ўзининг "Ўзбек адабиётида танқид ва адабий муҳокамалар" номли мақоласида В.Маҳмуднинг "Ортиқ даражада шарқлик қилиши", "ортиқ ва керакмас таассубларга берилиши, майда-чуйда нарсалар билан ўралашиши" каби жузъий камчиликларини кўрсатади. Шу билан бирга "Танқидда яхшигина кучга эга бўлган Вадуд ўрток бор"лигини, унинг "ҳам илмий таъкиблари яхши" эканлигини ҳолис айтиб ўтади.²

¹ Саъдий А. Ўзгариш даври ўзбек адабиёти. "Туркистон", 1923, 7 ноябрь.

² Ҳаким Н. Ўзбек адабиётида танқид ва адабий муҳокамалар. "Туркистон", 1924, 25 июнь.

Жулқунбой (Абдулла Қодирий) ҳам Вадудга эътибор бериб, ўртоқлик ҳазили тарзида ёзган "Олти йиллик базм" асарида: "Вадуд Маҳмуд ўртоқ бир биродаримизнинг тасвирича "кўк-лам"дир, кўкламнинг ёзи билан кузи қалай келишини ҳозирдан айтиб қўймоқ номаъқул бузоқнинг гўштини смақдир"¹ деб унинг келажакдаги ижодий ютуқ ва камчиликлардан фол очишни истамаслигини билдиради. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ўз вақтида Чўлпон, Фитрат ва Абдулла Қодирийларга, ўзбек насри ва назмига нисбатан қатъий баҳо берган адабиёт-шунослардан бири ҳам шу "Вадуд ўртоқ" (замондошларининг таъбири) эди: "Ўзбек янги адабиётининг насри тилини эндигина янгилаб келаятган Фитрат билан ишини кўпдан бошлаб эндигина майдонга отишга муваффақ бўлган А.Қодирийдан бошқа ҳеч бир нимага молик эмасдир. Шеърда бўлса Чўлпондан бошқа тилга оларлик ва ишини кўрсата олган кишимиз йўқдир. Бунинг-да камчиликлари ҳали жуда кўпдир".² Бундай кескин айтилган фикр, аччиқ ҳақиқат аввало кўпгина ижодкорларнинг, сўнгра тадқиқотчи-олимларнинг безовта бўлишига сабабчи бўлди. Афсуски, Вадуд Маҳмуд ўз илмий фасоҳати, нафис эстетик диди, гўзалликка ошно қалбининг сезими туфайли ихлос қўйган мазкур сиймоларнинг ижодини батафсил талқин қилиш бахтига муяссар бўлмади. Даврнинг қора кўланкаси унинг қисматига соя солди. У ҳақ деб билган фикр-мулоҳазалари учун балога қолди. Юқорида эслаб ўтилганидек, Ўзбекистон маданиятчиларининг иккинчи қурултойи залидан "чўлпонлар маддоҳи" айби юкланиб қувилди. Маълумки, қурултой 1927 йили 4-5 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади. Унда мафкура майдонидаги партия позициясини мустаҳкамлаш, "ёт унсур" зиёлиларни мафкуравий раҳбарлик лавозимларидан сиқиб чиқариш, маънавий муҳитни "соғломлаштириш" хусусида Акмал Икромов маъруза қилади. Бир неча кўриникли зиёлиларни танқид этади. Чўлпон, Мунаввар Қори ва Вадуд Маҳмудга ноҳақ ҳужум қилади. Қурултойда бевосита иштирок эта олмаган шоир Чўлпон танқидларга жавобан қурултой ҳайъати аъзоларига ўз "Эътироз"ни йўллайди. Мунаввар Қори бир неча бор сўз олиб, минбарга кўтарилади ва имкони борича ҳимояланади. Вадуд Маҳмуд эса мажлислар залини тарк этишга мажбур бўлади. Боту ўзининг "Қизил маданиятчилар ғалабаси" (Вадуд қурул-

¹ Жулқунбой. Олти йиллик базм. "Муштум" журналининг 1924 йил 4-сонидан Б.Дустқорасев қайта нашрга тайёрлаб, "Муштум"нинг 1993 йил 7-сонида эълон қилган.

² Маҳмуд В. Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз. "Маориф ва ўқитувчи", 1925, 5-6, 7-8-сонлар.

тойдан лаънатлар остида ҳайдалди) номли мақоласида бу тўғрида қуйидагиларни ёзади: "Чўлпон бир неча "инқилобийнома" шеърлар ёзиб саноксиз аксил-инқилобий нарсаларни кўчамакўча тарқатиб юрар экан, очик ва яшириш суратда ёш мияларни захарлаб турар экан, албатта қизил маданиятчилар кенг юракли бўлиб тура олмайдилар. Пролетариат мафкураси учун хизмат қилишга белини маҳкам боғлаган кучларнинг ўсиши, юқорилаши учун ҳаракат қилиш уларга чўлпонларнинг захарларини ёйиши, кўпайтириши ҳеч бир пролетариат кишисининг иши эмасдир.

Чўлпоннинг ёлғиз эмаслигини, унинг атрофида қора гуруҳларнинг борлигини ва уларнинг тилаклари қоб-қора эканини ким билмайдир. Қайси бир маданиятчимиз англамадир. Чўлпон, ўртоқ Акмал Икромов айтганича, ўз гуноҳларини иқрор қилиб меҳнаткаш оммасидан самимий суратда афв сўрар экан ва тўғри ишлашга ваъда - чин ваъда берар экан, биз уни ёмон чуқурга иргитмаймиз. Ҳозир Чўлпонни Вадудлар жуда севадилар ва юқори кўтардилар. Ўзбекистоннинг бутун қизил маданиятчилари бўлса, Вадудларни ўз ораларидан лаънатларга кўмиб ҳайдайдилар.

4-нчи ўктябр кечи Ўзбекистон маданияти тарихида улғу саҳифа очарди. (А.Икромовнинг Вадуд Маҳмуд хусусидаги айрим фикрларидан сўнг - Б.К) Залдаги бутун маданиятчилар ўринларидан туриб "битсин", "йўқолсин бундай кишилар, Вадуд бизнинг орамиздан чиқиб кетсин" товушлари билан зални титратдилар. Бир чеккада ўлтирган Вадуд залдан чиқиб кетмагунича товушлар пасаймади. Маданиятчилар ўз жойларига ўлтирмадилар. Демак, бутун Ўзбекистон қизил маданиятчилари ўз ораларидан пролетариат мафкурасига қаршилардан бирини шарманда қилиб ҳайдадилар. Демак, эски кучларнинг бир вакили Вадуд маданият уйидан бир хас сингари кўчага ирғитилди. Бу албатта Вадуднигина ҳайдаш эмас, балки Вадуд фикрида бўлган ҳамма ёмон унсурларни ҳайдашдир".¹ "Халқнинг маънавий бойлиги бўлмиш хилма-хил истеъдодларнинг, даҳоларнинг кушанда-си бўлган зўравонларни, қора кучларни нима деб таърифласа бўлади? Бу жиноятларнинг содир бўлишига индамай йўл қўйганина эмас, уни бамайлихотир томоша қилиб турган, қарсақ чалиб, жаллодларни рағбатлантирган ва секин-аста нузли хислатларини йўқотиб, қурқув салтанатига айланиб қолган тузумни қандай баҳоламоқ керак?"²

¹ Боту, Қизил маданиятчилар ғалабаси. "Қизил Ўзбекистон", 1927, 11 октябрь.

² Шарафиддинов О. Чўлпон. Тошкент, 1991, 109-бет.

Хуллас, кизил маданиятчилар Вадудларни лаънатларга кўмиб ҳайдади, маданият уйдан бир хас сингари кўчага иргитиб ташлади. Курултой катнашчилари Вадудлар залдан чиқиб кетгунича ўринларидан туриб қарсақ чалиб турдилар. Ха, таҳқирловчи қарсақ узоқ чалинди, унинг гумбирлаган садоси 80-90 йилларгача етиб келди. Яъни мунаққиднинг ижоди батафсил тадқиқ қилинмади. Номига тақалган салбий сифатларнинг салмоғи эса йил сайин орта борди. Бадий ижод соҳасида "миллатчи", "буржуа шоири ва адиблари" тамғаси Чўлпон ва Фитрат номига босилган бўлса, юқорида зикр этилган "тантанали" ҳайдалишдан сўнг шу машҳур ёрликлар адабий танқид соҳасида Вадуд Маҳмуд номига тақаладиган бўлди. Маълумки, ижодкор эрки, эркин мушоҳадаси бўғилган ижтимоий-сиёсий муҳитда муайян типдаги маҳдудлик адабиёти юзага келади. Бунда ҳукмрон сиёсий мафкурани оммалаштирувчи, турмушдаги ўткинчи маиший муаммоларни баён этган асарлар "санъат намунаси", "энг долзарб мавзунини ёритган қимматли бадий асар" тарзида улуғланади. Аммо эрксизлик, социал талаб ва мажбуриятлар туфайли қаламдан томчиллаган ўзгалик руҳи уларни ўлимга маҳкум этади. Владимир Лениннинг 1905 йилда ёзган "Партия ташкилоти ва партия адабиёти" мақоласига жавобан ўша пайтидаёқ "Сўз эркинлиги" мақоласи билан чиқиш қилган Валерий Брюсовнинг таъкидлашича, Русияда Екатерина II озодлик, эркинлик тушунчаларини ҳукумат қонунлари чегараси билан белгилайди; сал ўтмай социал-демократлар эркинликка, сўз эркинлигига ўз программалари доирасида таъриф беришади. "Биз учун, - деб ёзади оддий инсоний ҳуқуқ талабидаги шоир, - бундай эркинлик бир занжирнинг бошқа бириси билан алмашишидир, холос".¹ Орадан чорак аср ўтса-да, ижодкор ва унинг сўз эркинлиги масаласидаги аҳвол дунёнинг "энг адолатли ҳукумати" саналмиш Советлар Иттифоқида моҳиятан ижобий тарафга силжитани йўқ. 20-30 йилларда марказдан чеккароқда бўлган зиёлилар адолат қарор топишига умид боғлашди. "Аждаҳо комида"ги, аниқроғи, Москва ва Петрограддаги шоир, ёзувчи ва файласуфлар асл шароитни бошқаларга нисбатан яхшироқ ҳис этишди. Шунга қарамай руҳан синди, жисман азобланди, қамалди, сургунга кетди ёки мухожирликни ихтиёр этишди. Бундай ғайринсоний аҳволдан қалби чексиз ғам-алам ва изтиробларга тўлган Владимир Короленко сингари ёзувчилар инқилобдан кейинги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётни таҳлил қилиб, ижтимоий адолат ижодкор ҳақ-ҳуқуқлари топталмаслиги илнжида масъул вази-фаларда ўтирган раҳбар шахсларга туркум хатлар ёзди.² 1919

¹ Брюсов В. Свобода слова. "Литературная газета", 1990, 22 август.

² Короленко Вл. Луначарскийга ёзилган хатлар. "Шарқ юлдузи", 1989, 6-сон. (Русчадан Н.Отахонов таржимаси).

йили Петербургни ташлаб Польша оркали Парижга ўтиб кетган шоир, файласуф ва адабиётшунос Дмитрий Мережковский 1926 йилда ёзган "О мудром жале" мақоласида "Новый дом" журнали ходимларига қарата кўйидаги мулоҳазаларни айтиди: "Янги уй" бинокорлари, мен сизга бор-йўғи бир жуфт сўз айтишни истайман, холос.

Фикр эркинлиги - мана менинг бир жуфт сўзим, шу икки сўздан менинг ниятимни англаб оласизлар, деб ўйлайман.

Фикр эркинлиги - бу Янги уй асосига кўйилган тошдир. Фикр эркинлиги ҳозир Россияда шу даражада занжирбанд қилинганки, дунё ҳалигача бундай аҳволни курган эмас. Фикрни бўғмай туриб, Россияни ҳам қўлга олиб бўлмаслигини фикрга кишан солгувчилар яхши тушунадилар. Бу ўта дахшатлидир. Аммо ажабланарлик эмас".¹

Бундай мудҳиш ҳолат нафақат Россия, балки барча жумҳуриятларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва адабий муҳитига хос хусусият эди. Жумладан Ўзбекистон шароитида ҳам ижодкорнинг эркин овозини бўғиш сиёсати ҳукмронлик қила бошлаган эди. 20-йилларнинг охирига келиб матбуот органлари тўла сиёсий кишан ичига олинган, унда аллақачон юксак савияли ва ўткир фикрли зиёлиларни айбловчи мақолалар юзага келган эди. Умуман олганда, "пролетариат иши", "пролетариат мафкурасига" хизмат қилиш учун бел боғлаган авлод адабий ҳаётида ижодкорнинг интеллектуал қобилиятини менсимаслик, тайёр социал мавзулар таклиф этиш амалий тус олди; "муҳит эрки"да (Чўлпон таъбири) қилдан қийиқ ахтариш, ноҳақ тухматлар уюштириш; марксизм-ленинизм мусиқасидан завқ топа олмаган ёзувчиларни бадном этиш кайфияти кучая борди. Шундай қалтис шароитда Вадуд Маҳмуд хусусида навбатдаги танқидий фикрлардан бири 20-йилларнинг охирида Сотти Хусайн томонидан ёзилди: "Ҳозир бизда эскича, турк мунаққидлари асосини ушлаб, дарвешлик қиладиган танқидчилар енгилди; уларнинг кўзга кўринганлари Шохид Эҳсон² ва Вадуд Маҳмудлар эди.

Булар қуролсизланғондир. Ҳозир майдонда жавлон уришга фақат марксист танқидчи ҳақлидир".³

Илгарилаётган давр Вадуднинг "дарвешлиги" - тасаввуффона адабий-эстетик қарашларини ҳазм қила олмас эди. Чунки энди турк мунаққидларидан ўрнатқ олишлик ўрнини пролетариат дохийлари ёки рус социал-демократларининг фикрларига эрга-

¹ Мережковский Д. Акрополь. Москва, 1991, 315-бет.

² Шохид Эҳсон 10-йилларда Туркияда ўқиб келган зиёлилардан бири. 1922 йили "Ҳақиқат" журналида унинг "Биз ва маориф", "Тарбия", "Ижтимоият нимадир?" каби мақолалари эълон қилинган.

³ Хусайн С. Танланган асарлар. Тошкент, 1974, 36-бет.

шиш эгаллаётган эди. Сотти Хусайн" эскича - турк мунаққидлари асосини ушлаб дарвешлик қиладиган танқидчи деганда В.Маҳмуднинг тасаввуф адабиёти ва унинг вакиллари хусусида айрим мулоҳазалар баён қилинган "Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз" мақоласини назарда тутати. Мазкур мақола 1925 йили "Маориф ва ўқитувчи" журналининг бир неча сониди босилиб чиқади. Гарчи сарлавҳа асосан адабий жараёни ёритадиган мақоладек таассурот берса-да, ундаги фикрларнинг аксарияти назарияга, шаклланиш жараёнини бошидан кечириётган мунаққиднинг ўзига хос адабий-эстетик қарашлари ва илмий принципларига тааллуқли эди.

Биз кузатган илмий адабиётлардан бир нарса аён бўлдики, Вауд Маҳмуд ижодига мурожаат қилган олимлар, унинг адабиётга қарашини кузатган талқинчиларнинг деярлик барчаси мазкур мақолага эътибор берадилар. Бунинг ажабланарлик жойи ҳам йўқ. Чунки ундан замонавий материалистик, марксча-ленинча танқидга "ёғ", "илмоқли" жумлаларни, адабий талқинларни топиш осон эди. Гап бундай: Вауд Маҳмуд мақоласида мавзунини қадимдан бошлайди, классик адабиётнинг хусусиятлари устида тўхтайди. Айниқса, унинг тасаввуф фалсафаси билан узвий боғлиқлигини, ўша фалсафий фикрлар асосида санъатнинг олий намунаси даражасига етганлигини таъкидлайди. Янги адабиётнинг пайдо бўлиш жараёни, шакл ва мазмун, ижодкор ва жамият, шеър техникаси, умуман, гўзал санъат тўғрисидаги ўз нафис қарашларини баён қилади. Бизнингча, Вауд Маҳмуд 20-йиллардаёқ замонавий адабиётдан юксак бадиийликни, шакл ва мазмундаги мукамалликни талаб қилгани ҳолда кўҳна адабиётимиз таҳлилинини ҳам энг тўғри илмий йўналишга бошлаган кишилардан биридир: "Бизда шеърнинг икки жабҳаси бордир. Чунки ишқимиз икки жабҳалидир: ҳақиқий, мажозий.

Ҳақиқий ишқ - руҳи умумга хулул дардидирки, энг юксак ва орифий амалдир.

Мажозий ишқ эса оддий нафсоний эҳтиросдирки, умумий, табиий бир майлдир.

Кўруладирки бу икки турли ишқ ҳам мабдаи ва ҳам ғоя эътибори билан ҳаётий ва инсонийдир. Чунки инсон бир мавжуд ва ҳам шуурлик бир мавжуд бўлгани сифати билан ўзининг яратилишини ва яшашининг ғоясини тушунмак ва билмак истайдир. Табиий бир маҳлуқ бўлиши эътибори билан эса жисмоний эҳтирос ва ҳавасларга ҳам боғланғондир.


Бу икки майлким натижада икки "ишқ"ни вужудга келтирди, икки "шеърини жабҳа"ни ҳам майдонга отди. Бирида "ҳақиқий ишқ" таърифи этилди, иккинчисида эса "мажозий ишқ" рақсла-

ри ўйналди".¹ "Маҳбуб ул-қулуб"да ишқ учга - ҳақиқий, мажозий ва нафсонийга ажратилади.² Мабодо ишқнинг адабиётдаги талқинида Алишер Навоий мулоҳазаси энг тўғри мезон сифатида олинадиган бўлса, мақола муаллифи мажозий ишққа нафсоний ишқни кўшиб изоҳлаётгани аён бўлади. Аслида "шаръий никоҳ" билан яқунланадиган нафсоний ишқ билан "алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ" орасидаги фарқ каттадир. Аммо шуниси таҳсинга сазоворки, В.Маҳмуд ўз мақоласида "ҳақиқий ишқ"ни куйлаган шоирларга намуна қилиб "туркда "Ҳикмат" соҳиби Яссавий, "Лисонут тайр" нозими Навоий, "Лайли-Мажнун" муаллифи Фузулий, "Мабдаи нур" эгаси Машраб, Илоҳий шеърлар эгаси Ошиқ Пошшо, Илоҳий тараннумлар соҳиби Амирий"ларни кўрсатган эди. Номлари зикр қилинган шахслар, шубҳасиз, "юксак ғоя ва фикр эга"ларидир. Мақолада муаллиф биринчидан энг улуғ сиймолар бўлмиш "ҳақиқий ишқ" соҳибларини номлари эслатилган асарларига нисбатан тўғри ажратиб беради, иккинчидан, классик адабиёт намояндalари ижодига ислом ва тасаввуф фалсафаси назари билан қарайди. Таассуфки, адабиётшуносликдаги бу йўналишни давом эттириш жуда катта сиёсий тўсиқларга дуч келди. "Вадудона", "идеалистик" талқинларга қарама-қарши ўлароқ "майдонда жавлон уришга фақат марксист танқидчи ҳақли" бўлиб, ҳар қандай бадий асар кўпроқ сиёсий-ғоявий тарафдангина текшириш бошлаб юборилган эди. Бу ёндашувларнинг маҳсули бўлиб, 30-йилларда "Адабий танқидда партия чизигини маҳкам ўтказув учун" (С.Хусайн), "Марксизм танқиди учун курашни кучайтирайлик" (Уйғун, Зиё Саид, Жасур), "Пролетариат адабиёти" (Ю.Латиф) сингари ўнлаб мақолалар майдонга келди. Хуллас, муқаддас анъаналарга бой қадимий адабиёт аста-секин ғайритабий талқинлар, вульгар-социологик баҳоланишлар сари кета бошлади. Адабиётнинг санъатлигидан кўра синфийлигига, партиявийлиги ва коммунистик ғоявийлигига урғу бериладиган бўлди.

1935 йили адабий танқид тўғрисида маъруза қилган Раҳмат Мажидий ўзбек танқидчилиги ўша устувор принципларни бадий адабиётга қанчалик татбиқ этаётганлиги, умуман, адабий танқид босиб ўтган йўл хусусида сўз юритиб, совет позициясидаги "Айн" (Олим Шарафиддинов)ни олқишлайди, Абдурахмон Саъдий, Отажон Ҳошим ва Миёнбузрук Солихов каби танқидчилар ижодидаги зиддиятлар, мураккаблик ва чалкашликлар

¹ Маҳмуд В. Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз. "Маориф ва ўқитувчи", 1925. 5-6,7-8 сонлар.

² Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент, 1983. 51, 52 бетлар.



устида тўхталади. Вадуд Маҳмуд ҳақида эса шундай ёзди: "Октябрдан кейин танқид дунёсига "ўзбек ёш шоирлари" билан биргаликда буржуазия ёзувчиси - танқидчиси сифатида Вадуд Маҳмудий чиқади. У дунёга, адабиётга қараш нуқтасидан бир идеалист бўлиб, ўзининг танқидий мақолаларида миллатчилик, туркчилик ғояси учун ишлайди. Ёзувчиларнинг асарларини шу нуқтадан туриб таҳлил этади".¹ Р.Мажидий фикрининг исботи учун "Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз"дан кўчирмалар келтиради, таҳлилда бирёқламаликка йўл кўяди, натижада ғайриилмий хулосалар чиқаради. Хулоса-ҳукм айтувчига Вадуд Маҳмуднинг ислом, шарқ ва тасаввуф фалсафасига суянганлиги, яъни ўзбек адабиёти билан Туркия адабиётининг муштарак жиҳатлари тўғрисидаги фикрлари маъқул келмайди; ишқни ҳақиқий ва мажозийга бўлиниши кулгули туюлади ва: "Вадуд Маҳмуд бориб турган идеалист танқидчидир", - дейди. Аслида ишқ масаласидаги фикр ўзининг қадимий-фалсафий асосига эга эканлигини юқорида айтдик. Қолаверса, Вадуд Маҳмуднинг асл "вадудона" қиёфасини, олимлик салоҳиятини, 20-йиллар адабий танқидчилари орасидаги ўзига хос индивидуал илмий услубини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири ҳам шу хусусиятдир. Мунаққид классик адабиёт таҳлилида ҳам, замонавий адабиётга ёндашувда ҳам фикрнинг юксаклигига, унинг ўз таъбири билан айтганда, "олий ҳислар" ифодасига эътибор беради. Бу қараш бадиий адабиётни ижтимоий воқеаларга иллюстрация тарзида тасаввур этишдан кўра анча юксакдир. Р.Мажидийнинг "Вадуд Маҳмуд ўзининг танқидий мақолаларида энг реакцион мақсадга-ча, суфизм-тасаввуфни идеаллаштиришгача боради" деган мулоҳазаси тасаввуфга берилган изоҳ-таъриф муносабати билан айтилгандир. Бизнингча, ушбу фикрни баҳс доирасига тортгандан кўра ўша изоҳнинг ўзини кўчирганимиз маъқулроқ. Сабаби муқояса оқ-қорани ажратишда энг адолатли услуб экани шубҳасиздир: "Сиз қандай талаққий этсангиз этингиз, шуниси аниққи, инсоннинг эришган энг юксак даража фардиятчилик (индивидуализм) эмас, балки ўзининг фардиятини йўқотиб, жамият ҳаёти яшайишида, ундан ҳам ўтса, ҳинднинг сипирини тимсол (символ) қилиб олган ҳайвон дўстлигида, яъни бутун жонли нарсаларни севишда, бундан ҳам ўтса, жонсиз нарсалардан ўзига муштарак ҳаёт тасаввур этишда ва уларнинг умумий руҳини сезиш учун интилишдир.

Тасаввуф мана шу сўнгги нуқта маслагидир".² Тасаввуф оддий фалсафа эмас. Инсоннинг руҳий-маънавий олами, ички

¹ Мажидий Р. Истеъдод ва бурч. Тошкент, 1974, 47-68 бетлар.

² Маҳмуд В. Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз. "Маориф ва ўқувчи", 1925, 5-6, 7-8 сонлар.

такомили билан боғлиқ дунёқарашдир. В.Маҳмуд унинг моҳиятини юксак даражада англаганки, бу кўчирмадан кўриниб турибди. Инсон руҳий-маънавий юксалишининг энг олий босқичидагина мутасаввуф даражасига етади. Е.Э.Бертельснинг ёзишича, барча суфийлар ўз-ўзини комиллаштириш учун умумий уч-шариат, тариқат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтадилар.¹ Бир лаҳзалик психологик ҳодиса - ҳолдан фарқли тарзда суфийлар тариқат мақомларида тақомиллашувининг узундан-узук машқларига берилади. Сўнгра Ҳаққа ҳулул бўлар экан. Бошқачароқ айтганда, ўз шахсий манфаатларидан устун келган, ўз руҳи ўша илоҳий-абодий ва азалий руҳ билан бирлашиб кетган кишигина суфий саналар экан. Умумий-абодий ва азалий руҳни ҳис этиш инсон комиллиги, орифлигининг белгиси, юксак бир руҳий нукта. "Тасаввуф мана шу энг сўнгги нукта маслагидир". Илм оламида тасаввуфга қарашлар хилма-хилдир. Унга кўшлаб изоҳ ва таърифлар берилган.²

Вадуд Маҳмуд шарҳи ҳам ўз назарий таянчига эга бўлган шундай фикрлардан бири, мутлоқлик даъво қилмайди, бизнингча.

Раҳмат Мажидийнинг эътиборини тортган яна бир жиҳат янги ўзбек адабиётининг юзага келиш омиллари билан боғлиқ. В.Маҳмуднинг йигирманчи аср бошидаги ўзбек адабиётига нисбатан билдирган фикр-мулоҳазалари асоссиз эмас. У форс, араб, турк ва рус тилларини яхши билган, турк адабиётидан хабардор бўлган. Туркистон зиёлиларининг маълум бир тарихий даврда Туркияга эргашгани, ҳар соҳада улардан таъсирлангани бор ҳақиқат. Ҳар вақт оддий фаросатли одам ҳам ўзига қараганда маънавияти юксакроқ одамга эргашади, унга ҳавас қилади. Инсон маънавиятининг гўзал ва нафис соҳаси бўлмиш адабиётда ҳам шу ҳол. Қадимда Туркия Туркистонга эргашди. Аср бошида Туркистоннинг янги ёш шоирлари Туркия шоирларига ҳавас қилди. Вадуд Маҳмуднинг мақсади шу ҳақиқатни очиқ айтиб ўтишдир: "Биздаги янги адабиёт Туркия адабиёти тақлиди билан бошлангандир; шунинг учун бизнинг адабиётимиз билан Туркия адабиётининг умумий сажияси муштаракдир. Рухда, шаклда Туркистон, Кавказия, Қрим доимо Туркияга эргашди. Бу ҳам табиийдир. Чунки аввал тил муштаракдир ва оқибат Оврупа маданиятига қарши бугунги вазият муштаракдир.

¹ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. Москва, 1965, 36-б.

Яна: "Саодат" журналининг 1992 йил 10-сонида ҳозирги замон эрон адиби Али Даштийнинг "Суфийлик нима ва суфийлар ким?" Мақола-сида тасаввуф маъносини шарҳловчи машойхларнинг бир-бирига айнан ўхшамаган ўнлаб фикри келтирилади ва х.к.

² Қаранг: Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент, 1991. Китобнинг 3-бетида тасаввуф тушунчаси 78 маънода талқин этилгани айтилади.

Навий асрида чигатой адабиёти кучли бўлгонидан Туркия адабиёти бизнинг адабиётдан кўб мутаасир бўлгон эди. Бу кун эса ғарб турк адабиёти бизникидан кучли маданий ва адабий ҳаётга молик бўлгонидан бизникилар уларга эргашмакдадилар".¹

Бу ҳақиқатни Р.Мажидий бошқачароқ изоҳлайди. Яъни мавжуд адабий-тарихий жараёнга нисбат берилган фикрларни мунаққиднинг истикболдаги режаларига кўчиради: "Вадуд Маҳмуд ўзбек адабиётининг Туркия адабиёти ва пантуркизм йўлидан боришни истади. У Еврупа маданиятига қарши турк бирлиги тузишни майдонга кўяди".² Албатта, бу мақсадларнинг Вадудлар авлоди кўнглида бор бўлганидан кўз юмиш яна бир ёқлама қарашлар тарафига оғиш бўлади. Аммо мақола 1925 йилда ёзилгани инобатга олинса, асосий мақсад орзу-истаклар баён қилиш ёки бирлашиш йўлига даъват этиш эмаслиги аён бўлади. Қолаверса, 20-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, ёшларда рус маданиятига ҳавас уйғотиш тарғиботи кучайган, туркий миллат илғор зиёлиларининг "турк бирлиги" борасидаги ниятлари саробга айланаётган, миллий жумҳуриятлар тузилиб, аллақачон уларнинг ўрталарига "хитой девори" қурилган бир давр эди. Бундай тарихий шароитда Чўлпон ва Фитратлар ўзларининг "адашганини" тан олишга мажбур қилинган эди. Шулар қатори Вадуд Маҳмуд ҳам ўзини муҳитнинг мудҳиш гирдобига руҳан тайёрлади, тараддуланиб қолди. Муҳитдан эса тобора ноҳуш сиёсий хўрликлар, ноҳақ тухматлар хиди анқий бошлаган эди. Юксак ғоявийлик учун кураш майдонида пролетар адабиётининг жонқуярларига яловбардорлик қилиш, "пролетариат ишининг" "паррак ва винтчасини" бураб кўйиш лаҳзалари яқинлашиб қолган эди. Шундай қалтис бир вазиятда хаёлга чўмиб, утопияга берилиш ва ушалмас орзу-истакларни баён қилиш Вадуд Маҳмуд шахсиятига мувофиқ келмайди. У мавжуд шарт-шароит ва воқеалар кечимига сергак назар ташлайди. Шунга кўра, ғарчи мунаққиднинг "тақлид" сўзида бир оз кескинлик бўлса ҳам, аслида янги адабиёт Туркия адабиёти тақлиди билан бошлангандир" деган фикрида жон бор. Шунга ўхшаш икки адабиёт орасидаги алоқадорликни Вадуд Маҳмуддан сал илгари "Ўзбек ёш шоирлари" номли мақоласида Абдурахмон Саъдий ҳам айтиб ўтади. У фикрини шоир Чўлпон шеърларига боғланган ҳолда: "Ғарчи руҳ ва оҳанг эътибори билан усмонлилар таъсири остида бўлса ҳам, унинг (яъни Чўлпоннинг -Б.К.) ўзига хос маҳсус тил-услуби бор",³ деб ифодаланган эди.

¹ Маҳмуд В. Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз. "Маориф ва ўқитувчи", 1925, 5-6, 7-8 сонлар.

² Мажидий Р. Истеъдод ва бурч. Тошкент, 1974. 51-бет.

³ Саъдий А. Ўзбек ёш шоирлари. "Зарафшон", 1924, 27 февраль.

Умуман, усмонлилардан таъсирланиш омилини аср бошидаги ўзбек адабиётининг тадқиқотчиси профессор Бегали Қосимов ҳам инкор этмайди. Аксинча, Вадуд Маҳмуд фикрларини деярли қўллаб қувватлайди. Олим "Излай-излай топганим" рисоласида шундай ёзади: "Ниҳоят, бу давр ўзбек адабиётининг усмонли турк адабиётидан ҳам баҳраманд бўлганини эсдан чиқармаслик керак.

20-йилларда "Маориф ва ўқитувчи" журналида босилган "Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз" номли бир мақолада "Бизда янги адабиёт Туркия адабиёти тақлиди билан бошлан-ғондир" деган фикр муболағадан холи бўлмаса-да, ҳақиқатдан ҳам у қадар йироқ эмас. Номик Камол, Тавфиқ Фикрат, Абдулҳақ Ҳамид номлари туркий халқлар орасида кенг ёйилган бўлиб, уларнинг асарлари озарбайжон ва татар адабиётига самарали таъсир кўрсатганидек, ўзбек шоирлари учун ҳам илҳом ва озик берди. Буни инкор қилиш мумкин эмас. Лекин афсуски, адабиётшунослигимизда бу таъсир деярли чеклаб ўтилади, у ҳақда тўхталганда ҳам бир-икки салбий фактларни, чунончи, пантуркизм, панисломизм ғояларининг кириб келганлигини қайд қилиш билан чекланади. Тўғри, бу ғоялар ҳам улар орқали келган, лекин шуларга ҳам конкрет ва тарихий ёндашиш керак".¹

20-йиллар адабий танқидчилиги тадқиқот билан жиддий шуғулланган олимларимиздан Ҳомил Ёқубов ва Бахтиёр Назаровнинг асарларида ўша давр адабий муҳитини, ўзига хос хусусиятларини, маълум бир шахс ижодининг индивидуал жиҳатларини холис илмий ёритиш билан бирга Вадуд Маҳмуд шахси ва ижодига нисбатан айтилган бир ёқлама мулоҳазалар ҳам учрайди. Профессор Х.Ёқубов "у (В.Маҳмуд - Б.К.) "Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз" мақоласида Фитратни "Янги ўзбек адабиётининг насри тилини янгилаб келаётган" ёзувчи; шеърятда эса Чўлпондан бошқа тилга оларлик иш кўрсата олган кишимиз йўқ" деб чиранади"² деб ёзган бўлса, профессор Б.Назаров В.Маҳмуднинг ишқ хусусидаги талқинлари устида тўхтала туриб: "Шу тариқа даврни куйлаш, даврни акс эттириш, бу конкрет вазиятда эса санъаткорнинг социализмга, янги жамиятга муносабат масалаларини, социалистик ғояларни қутлаш вазифаларини В.Маҳмуд четлаб ўтади"³ деган сатрларни ёзади. Олимларимизнинг бу танқидий фикрларини конкрет тарихий шарт-шароит ва даврнинг ижтимоий-сиёсий талаблари "вадуд-

¹ Қосимов Б. Излай-излай топганим. Тошкент, 1983. 79-бет.

² Ёқубов Х. Сайланма (Ўзбек совет адабий танқидининг илк босқичи). Тошкент, 1983. 2 жилдлик, 1-жилд. 252-бет.

³ Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Тошкент, 1979. 84-б.

ларни" оқлашга ҳам, ёқлашга ҳам имкон бермагани, адабиётшунослик олдига қўйилган муайян қолипларнинг таъсири билан изоҳлаш тўғри бўлса керак.

20-йиллар адабий-илмий муҳитининг кўпгина жиҳатларини ойдинлаштиришда таниқли адабиётшунос олим М.Юнусовнинг хизматлари катта, албатта. Бироқ ҳурматли олимимизнинг Вадуд Маҳмуд хусусидаги фикрлари изоҳга муҳтождир. М.Юнусов маълум бир жумлани умумий матндан ўзиб олиб, В.Маҳмудни танқид қилади ва ўтмиш адабиётини инкор этувчилар сафига киритади. У ёзади: "Муаллифнинг (В.Маҳмуднинг - Б.К.) фикрича, совет адабиётининг ўтмиш адабиёти билан "ҳеч қандай алоқаси йўқ эскидан ажралган", у давом этиб ёзади: "Эски назм: девон йўли, ғазал, қасида, маснавий, мураббаъ каби шакллардан иборат. Эски тил ислом руҳини тараннум этган исломий истилоҳ ва араб-форс маданиятининг ўртага отган фикр ва қолипларини ўзига кўп олган..." Бинобарин, совет адабиёти улардан фойдалана олмайди - мана В.Маҳмуднинг хулосаси".¹ Биринчидан, В.Маҳмуднинг мақоласида ўтмиш адабиётидан фойдаланиш - фойдаланмаслик масаласи асосий ўринда турмайди, иккинчидан, у биронта мақоласида адабий меросни инкор қилмайди. Аксинча, унга чуқур эҳтиром ва ихлос билан қарайди. (Бу хусусда келгуси бобда батафсил тўхталамиз). Совет адабиёти қандай бўлиши керак? Унинг вазифалари нима? Ишчи шоири ким? Деҳқон адиби ким? Маданий меросга муносабат масаласида қандай йўл тутмоқ лозим? Аниқки, бундай энг муҳим ва назарий-методологик муаммоларни конкрет ҳал қилиб беришга Вадуд Маҳмуднинг ҳам илмий қуввати етмайди, албатта. Чунки у мунаққид сифатида шаклланиш, ўзига хос йўналишни танлаш истагида изланишлар жараёнини бошдан кечирар эди. Умуман, 20-йилларнинг охирига келиб, юқоридагига ўхшаш проблемаларнинг баҳс қилингани аниқ. Бу муаммоларни ўзларича ҳал қилиб, адабий мероснинг "яроқсизлиги"ни кўрсатиб, улардан пролетар адабиётини яратиш мумкин эмаслигини таъкидлаган адабиётчилар бўлган. Аммо у Вадуд Маҳмуд эмас. Ҳар қандай адабий воқелик ўз мафкуравий йўналиши нуқтаи назаридан текширилсагина тўғри баҳосини олиши мумкин. Классик адабиёт намоёндаларининг асарларидаги ғоялар янгиланаётган адабиёт ғоявий йўлига мос келмас экан, у фойдасиз - яроқсиздир, деган фикрни тўғри ҳисоблаш мутлақо мумкин эмас. Бу асоссиз инкор бўлади, холос. В.Маҳмуднинг эса ғайри илмий қараш эгалари билан маслақдош эмаслиги кундай равшан.

¹ Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Тошкент, 1987, 2 жилдлик, I-жилд, 137-бет.

М.Юнусов "ҳеч қандай алоқаси йўқ эскидан ажралган" жумласини умумий матндан ўзиб олган, дедик. Узилманинг қолган қисмидан беҳабар ўқувчи, табиийки, В.Маҳмуд замонавий адабиёт билан ўтмиш адабиётини ажратиб ташлаган, бирини бошқасига қарама-қарши қўйган, деган мулоҳазага боради. Асл манбада мунаққид ҳақиқатдан ҳам икки давр адабиёти ўртасидаги тафовутни кўрсатиб шундай ёзади: "Бизда янги адабиёт - боришидан кўринадирки - санъат ҳаёт учун" деган шиорни тутгандир. Чунки манзума ва мансур асарларнинг ҳар қайсисида жамиятнинг тақомули таъқиб қилинади ва ғояси кўрсатилади. Шунинг учун-да у жамиятнинг хато ва саҳвларидан баҳс қиладир ва тузалишини истайдир. Демак, бу кунги адабиётимиз жамиятимизнинг ислоҳи учун хизмат қиладир.

Эски тасаввуфий адабиётимиз ўзининг ахлоқий дастурлари ва ҳикматлари билан эски жамиятимизни тарбияламак истар экан, бу кунги жамиятимиз адабиёти ҳам бошқа асрий асосларга таяниб яна ўшал жамиятни ислоҳи учун борадир. Бу эътибор билан эски ва янги турк адабиётининг самимий бир робитаси бордир.

Шеър техникаси эътибори билан - яъни шакли назм, тил, тарзи баён жиҳатидан бўлса, ҳеч алоқаси йўқ даражада эскидан ажралгандир" ¹ (таъкид бизники - Б.К.). XX аср бошида юзага келган ижтимоий турмушдаги ўзгаришлар, уйғониш кайфияти адабиётда ўз ифодасини топиши лозим эди. Шунга кўра классик адабиётнинг мавзу доираси кенгайиб Илоҳ, Ҳақ ва Ёр васфидан аста-секинлик билан ижтимоий муаммолар ифодасига ўта борди. Ижтимоий муаммоларни шулар билан чамбарчас алоқада талкин этиш йўлини тутди. Адабиётимиз тарихидаги бу жараёнга санъат оламидаги юксалишдан кўра давр мажбурияти сифатида қараш тўғри бўлади. Бу даврда маърифат тарқатиш, миллатни тарбиялаш ва жамиятни ислоҳ қилиш адабиётнинг асосий мавзуси ва мақсадига айланди. Суфизода, Сиддиқий Ажзий, Абдулло Авлоний, Сидқий Хондолиқий, Тавалло, Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий каби икки даврга кўприк бўлмиш шоирлар ижодида ўша адабий воқеликни кузатиш мумкин. "Улар XV асрнинг тили, услубини, шаклини, вазнини XX асрда бироз енгиллашдирарок давом этирдилар" (А.Саъдий фикри). Янги мазмун, янгича руҳий ҳолат талаби билан янги ифода тарзи юзага келди. Шундай қилиб, асрий анъаналар инкор қилинмаган ҳолда шакл ва мазмунда, тил ва услубда ўзгариш содир бўлди. Бу воқелик адабиётга нисбатан "эски" ва "янги" сифатларини татбиқ этиш имкония-

¹ Маҳмуд В. Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз, "Маориф ва ўқитувчи", 1925, 5-6, 7-8 сонлар.

тини берди. Вадуд Махмуд мақоласида "пролетар адабиёти", "совет адабиёти" ва "адабий мерос" терминлари эмас, балки айнан "эски адабиёт" ва "янги адабиёт" истилоҳлари истезмолда бўлди. Мунаққид эски ва янги адабиётга хос хусусиятларни, фарқли ва уйғун, эътиборли ва эътиборсиз жиҳатларини тўғри пайқади; адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги функциясини умуминсоний маънавий эҳтиёжларга боғлади. Эски ва янги адабиёт жамиятга хизмат қилиш тарафидан муштаракдир. Тасаввуф адабиёти ҳар томонлама етук-комил инсонни жамиятнинг гултожи қилиб кўрсатди; янги адабиётда жамиятнинг хато ва камчиликларини кўрсатиш, уни ислоҳ қилиш масаласи диққат марказига чикди. Ҳар икки давр адабиёти ҳам инсонга эътиборни қаратди. Демак, В.Махмуд наздида, янги ва эски адабиёт инсон ва жамиятга муносабати масаласида "самимий бир робитага" эга; уларнинг ифодаси - "шеър техникаси эътибори билан - яъни шакли назм, тил, тарзи баён жиҳатидан бўлса, ҳеч алоқаси йўқ даражада эскидан ажралғондир".

Тан олиб айтиш керакки, 20-йилларда ўзбек адабиётшунослиги, адабий танқиди янгича шаклланиш жараёнини бошидан кечирар эди. Ҳар қайси ҳавасманд адабиётшунос ёки мунаққид ўз таъбиға маъқул бўлган фалсафий назарияларга, бирон олим ёки ёзувчи тажрибаларига таянар эди. Марксча-ленинча таълимот адабиётчилар олдига синфийлик, ғоявийлик, партиявийлик сингари сиёсий андозаларни қўйиш арафасида, яъни бир нафаслик шундай нисбатан эркин шароитда бадий асарлар хилма-хил адабий назариялар воситасида талқин қилина бошланди. Бизнингча, XX аср биринчи чорагидаги ўзбек адабиётшунослигининг ўша рангин саҳифаларини алоҳида давр сифатида белгилаш ва махсус ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу давр ойнасида кейинчалик юзага келган сиёсий талаблар доирасидаги якрангликдан фарқли ўлароқ субъектив материалистик ёки тасаввуф фалсафасига, В.Г.Белинский ёки рус формал мактаби вакилларига эргашган, жаҳон адабиёти даражаси ёхуд бирор миллатнинг маданий мавқеини мезон қилиб олган турли йўналишлар ибтидосини кузатиш мумкин бўлади. Масалан, Ашурали Зоҳирий "Танқид ҳам унга жавоблар ҳақида бир неча сўз" мақоласида В.Г.Белинский қарашлари билан ҳисоблашади; татар маърифатчиси Олимжон Иброҳимовдан кўчирмалар олиб маъқуллайди. А.Саъдий ўз назарий қарашларида рус олимларидан А.Шалигин, Д.Н.Овсяннико-Куликовский ва А.Потебня фикрларига суянади. Филология фанлари номзоди Бойбўта Дўстқораев унинг "Адабиёт дарслиги" (1925 й) китобининг ёзилишида ўша олимларнинг асарлари асосий манба бўлганлигидан

маълумот беради.¹ Абдурауф Фитрат ўзининг умумэстетик қарашларида рус формал мактаби намояндлари В.Шкловский, Б.Эйхенбаум, Ю.Тинянов, Ю.Томашевскийларнинг назарий қарашларига яқин бўлган; адабиётдаги услуб ва композицияни муҳим унсур ҳисоблаган.²

Вадуд Маҳмуд эса ижодкор дунёқарашига, ислом ва тасаввуф фалсафасига, бадий асарлардаги тил ва услубга, шунингдек, адабиётнинг гўзаллиги ва ясашига, нафосатни юзага келтирувчи, инсон қалбини завқлантирувчи унсурларга эътиборни қаратади. Маълум даражада жаҳон адабиётининг тажрибаларига таянади, улардаги фикрий юксакликка ҳавас қилади. Ўз мақолаларида Р.Тагор, М.Ганди, Э.По сингари машҳур кишиларнинг номларини тилга олади. Назарий қарашларини асослашда, айниқса, америкалик машҳур адиб ва шоир Эдгар Понинг ижодий тажрибалари мунаққидга ёрдам беради. Мунаққид унинг "Тайна творчеста" номли ижодий тажрибалари асосида ёзилган мақола-сини муфассал таҳлил қилиб чиқади. Мақолада Э.По "Қарға" номли дostonнинг ёзилиш тарихи, бадий асар яратиш учун биргина илҳомнинг ўзи кифоя қилмаслигини, мавзу танлай олган тақдирда ҳам тасвирлаш услублари устида узоқ бош қотиришга тўғри келишини ипидан игнасиғача батафсил ҳикоя қилади. Қолаверса, бадий асар уни ўқиган ўқувчи кўнглига хуш ёқиши, руҳини юксалтириши лозим. "Шеърда таъсир асосан гўзаллик воситаси билан бериладир. Гўзаллик ва гўзал нарсаларни ҳис этганда инсон руҳи юксаладир".³ Америкалик адибнинг бу ёрқин фикри мунаққиднинг нозик дидига мос келади. У 20-йиллар ўзбек шеърлятидаги мавзу ва шакл мутаносиблигига, вазн ва оҳанг уйғунлигига, мисраларнинг тузилишидаги силлиқликка, умуман, шеър техникасига эътибор бера туриб ёзади: "Айта оламиким шоирларимиз ва шоир бўлғувчиларимизнинг энг катта аҳамиятсиз қарағон ва диққат қилмағон нуқталари шундадир.

Уларнинг мавзулари билан олғон шакллари, қабул қилғон вазн ва оҳанглари, сўз тузишларининг алоқаси йўқ ҳукмидадир. Бу робиталарни эски шеърга уста Фитрат ва янги шеъримизнинг биринчи намояндаси Чўлпоннинг оз-моз рию қилғонини кўра-миз". Сўнгра ўзбек назмидаги янада силлиқ ва гўзалроқ нуқталарни ёш шоирларга ибрат қилиб кўрсатиш, фикрларини далиллаш ва уларни жаҳон адабиётининг номдор вакили Э.По асарига солиштириш ниятида "шарқ турк адабиётининг иккинчи

¹ Дўстқораев Б. Ўзбек совет танқидчилиги тарихи. Тошкент, 1988, 65-66-бетлар.

² Болтабоев Х. Номаълум Фитрат. "Ёшлик", 1990, 4-сон.

³ Маҳмуд В. Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз. "Маориф ва ўқитувчи", 1925, 5-6, 7-8 сонлар.

олтин даври бошлиғи бўлгон Умархон" шеърларига мурожаат этади. Амирийнинг "Етар" радибли ғазалидан парча келтириб, унинг тил ва услубда силлиқлигини, тасаввуфона юксак илоҳий руҳини уқтиради; ғазални Э.По достони мавзуси билан муқояса қилади. Э.По асари - қайғули дoston, яъни мавзуси бир аёл ўлимнинг тасвири билан чекланади. Амирийда эса "тасаввуфнинг энг юксак нуктаси бўлгон руҳга фано бўлиш, қуюлиш, коинот руҳи бирлан бирлашиш мавзуидир.

Мавзу орасидаги тафовутни кўрингиз, Умархоннинг ҳам қайғуси, ҳасрати бор; лекин "бир хотуннинг ўлими учун" эмас, коинотнинг умумий руҳига қуюлиш ҳасратидир. Кўрингиз, мавзу нақадар буюк ва нақадар олийдир".¹

Сўнгра мунаққид Амирий санъаткорлик маҳоратининг сирини мада, деган саволни қўяди. Жавоб тарзида гап тузишини, оҳангдор ва жозибали сўзларни, "ҳарфларнинг садо бературғон, титрайтурғон"ларни таълаб, юксак илоҳий туйғулар ифодаси учун хизмат қилдирганини кўрсатади. Шунингдек, Алишер Навоийнинг санъаткорлик маҳоратига ҳам алоҳида диққатни қаратади ва уни марказий мавзуга боғлайди: "Кўрингиз Навоий нима қилгон? Мажнуннинг ғами тасвирида:

Кўнгилга ўгулди кўҳи андух,
Андуҳи йиғилди кўҳ то кўҳ.

Шу байтда "ў" товушининг ўгултиси, "г"нинг гумбирлаши, "х"нинг сочилиб кетиши ва бу товушларнинг тақрори ҳақиқатан тоғнинг йиқилиб, устига сочилиб, майдаланиб кетишига, дараларнинг тўлиб, бақириб кетишига ўхшамайдими?".²

Ғарб адабиётшунослигида мисрадаги товушларнинг уйғунлиги "аллелетерация", шарқ қадим адабиёт илмида эса "тавзий" термини билан юритилади. Юқоридаги мисралар ана шу бадий санъат асосида талқин этилгандир. Улар адабиётнинг нафислигини, мисралар сеҳрини, сўз руҳияти ва қудратини ҳис қилган адабиётшунос қаламидангина тўқилиши мумкин. Бадий асарларнинг эстетик таҳлили учун Вадуд Маҳмуд етарлича назарий билим борлигини, гўзал манзараларни, ҳақиқий санъат намуналарини вужудга келтирувчи бадийат унсурларидан хабардор эканлигини шу факт ҳам исботлаб турибди.

Хуллас, Чўлпон ва Фитратлар қораланаётган замонларда уларнинг маслақдошларини изловчилар ҳам, мутасаввуф шоирларни улуглаган тадқиқотчини айблашни истовчилар ҳам Вадуд

¹ Турсунқул. Сиддиқий тўғрисида мулоҳазаларим. "Маориф ва ўқитувчи", 1928, 3-сон.

² Маҳмуд В. Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз. "Маориф ва ўқитувчи", 1925, 5-6, 7-8 сонлар.

Маҳмуднинг ана шу "Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз" мақоласига мурожаат қилишди. Юқорида мақоланинг холис илмий талқинига омухта ҳолатда кўриб ўтилганидек, ҳар қайси олим ундан илмдаги ўз позициясига мослаб кўчирмалар олди. Ўринли-ўринсиз танқид қилди. Тўғри, мақоланинг айрим жойларида баҳсли масалалар ёки мунаққиднинг илмий услуби билан боғлиқ ғализликлар бўлиши мумкин. Бироқ, шунга қарамай, мақолага таяниб 20-йилларда шаклланаётган ўзбек адабий танқидчилиги, изланувчан муаллиф ижодининг принципиал асослари, мунаққиднинг ўзига хос адабий қарашлари ва илмий-эстетик тафаккур тарзи юзасидан муайян ижобий хулосаларга келиш мумкин. Ўзбек адабиёти ва адабий танқидчилиги тарихида мунаққиднинг мазкур тўлиқсиз мақоласи эслатилиб, бир ёқлама таҳлил қилингани учун имкони борича унинг моҳиятини ўша танқидий мулоҳазалар билан синхроник тарзда очиб беришга кенгрок ўрин берилди.

Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллар адабий жараёнидаги қизгин фаолиятини, илмий салоҳиятини, кенг кўламли дунёқараши ва шеърый асарни нозик тушуниб, таҳлил этишини ҳамда ижодкор қалбидан сизиб чиққан мисралар моҳиятини ижтимоий воқеликка боғлай олиш қобилиятини бошқа асарларида ҳам кузатиш мумкин.

* * *

Маълумки, 20-йиллар адабий жараёнида портрет характеридаги, маълум бир ижодкорнинг шахси, яшаган даври ва асарлари билан таништирувчи мақолалар кўпайиб учрайди. Вадуд Маҳмуднинг "Турк шоири Ажзий" (1924 й.), "Алишер Навоий" (1925 й.), "Фузулий Бағдодий" (1925 й.) сингари мақолалари шулар жумласига киради. Мунаққиднинг мазкур типдаги асарлари ўзига хос композицияга эга. Ҳар бир мақола муқаддима ва хотимадан ташқари кичик сарлавҳалар остида бўлимларга ажратилган бўлиб, текшириляётган масалани аниқ кўрсатиб туради. Мунаққиднинг Алишер Навоий ва Фузулий хусусидаги талқинларини келгуси бобга қолдириб, бу ўринда унинг кекса замондоши Ажзийга тегишли "Турк шоири Ажзий" мақоласи устида фикр юритамиз.

В.Маҳмуднинг бу мақоласи "Бошланғич", "Ажзийнинг ишқи" ва "Ажзийнинг ижтимоий фикри" сарлавҳали кичик қисмларга бўлинган. "Бошланғич"да муаллиф ўзбек адабиётида "адабий тафтишлар" эндигина бошланаётганини, бу соҳада хизмат қилувчилар озлигини, "оз" ва "йўқ" лиги билан қаноатланиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Кўҳна шарқ маданияти хазинасининг жавоҳирлари билан ўз даврини қиёслаб кўради. Қоникмайди. Мухташам қошоналар бунёд этган санъаткор - меъморларни, давралар файзи "Тўйчилар"га ўхшаш мусиқачи-

ларни ўтмишда юзлаб санап мумкин. Энди улар камчил. Умуман, санъат ва адабиёт соҳасида ўтмиш салафларга қиёсан "адабий пастликка" юз бурилгани аниқ. Мунаққид бундай ҳолат "бузилган ўлка"даги (Чўлпон таъбири) хунрезлик ва тартибсизликлар, "истибдод идора"сининг ижтимоий ва иқтисодий хизматлари билан боғлиқлигини айтади. Ачинади, куюнади. Аммо тинч ўтиришни, лоқайд юришни ўзига эп кўрмайди. Шарт-шароит, муҳит қандай бўлишидан қатъи назар қўлдан келгунича ҳаракат қилиш, халққа хизмат этиш лозим. Шу маънода Вадуд Маҳмуд мунаққид сифатида ўз вазифасини чуқур ҳис қилади ва уни камтарона қуйидагича ифодалайди: "Бу ёзғонларим танқид эмасдур. Чунки ҳали танқид ишларига киришиш учун керак қадар куч менда йўқдир. Мақсадим, ҳеч бўлмаса, буюк кишиларимиз билан элимизни таништирмоқдур. Шу мақсадим йўлида озгина муваффақ бўлсам, бахтиёрман. Нуқсонларимни кечирини, хато ва саҳвларимнинг кўрсатилишини аҳилдан сўрайман".¹ Эзгу ниятлар соҳиби "буюк кишилар билан элни таништирмоқ" учун дастлаб асрдоши, жадидад абиётининг кўриникли вакиллари билан бири Сиддиқий Ажзий (асл исми Саидахмад-хўжа)ни танилади.

Ажзий XIX аср охири XX аср биринчи чорагида Самарқанд теграсидаги Ҳолвойи қишлоғида яшаб ижод қилган шоир. У яхши санъаткор, шунингдек, соат ва турли машиналарни тузатиш, тўқувчилик ва тикувчилик ишларидан ҳам хабардор, муסיқага қизиқади, деҳқончилик билан шуғулланади. Унинг шеър ва мақолалари Туркистондаги газета ва журналларда мунтазам босилиб турган. Аммо 1913 йили Туркистон цензураси унинг "Анжумани арвоҳ" ва "Миръоти ибрат" отли асарларини босишга руҳсат бермайди. Кавказда босилади. Шоирнинг форсча шеърлари "Ганжинан ҳикмат", туркча (ўзбекча) ғазаллари "Айнул адаб" номли мажмуаларга йиғилган. Қисқаси, мақоланинг дастлабки бўлимида шоир шахсига тааллуқли, кейинги тадқиқотчилар учун энг ишончли ана шундай қимматли маълумотлар мавжуд. Бу хабарлар "Инқилоб"да пайдо бўлган йиллари Ажзий ҳаёт эди. Ҳолвойида муаллимлик қилар эди. Орадан бир неча йил вақт ўтмай, "Сиддиқий тўғрисида мулоҳазаларим"² мақоласини ёзиб чиққан Турсункул В.Маҳмуднинг маълумотларини тўлдиради, 1927 йили июнь ойида ҳаётдан кўз юмган шоирнинг таржимаи ҳолига тегишли қўшимча маълумот-

¹ Маҳмуд В. Турк шоири Ажзий. "Инқилоб", 1924, 11-12 сонлар. Мақола "Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари" (1993 й.) тўпламига киритилган. Нашрга тайёрловчи проф. Б.Қосимов.

² Турсункул. Сиддиқий тўғрисида мулоҳазаларим. "Маориф ва ўқитувчи", 1928, 3-сон.

лар ҳам беради. Шунингдек, Турсункул ўз мақоласида кўпроқ жадидларнинг ғояларига, Сиддикийнинг асарларидаги иқтисодий, маърифий масалаларга эътиборни қаратади. Ўз билими ва имконияти доирасида фикр-мулоҳаза юритади, таҳлиллар қилади. Турсункулга қиёсан Ажзий ижодининг адабий негизини Вадуд Маҳмуд илмий-эстетик ва ижтимоий жиҳатдан анча чуқур ҳамда батафсил ёритиб беради. Шоир қалбининг ошиқона талпинишларини, дардин ишқ оҳангларини, илҳомлантирувчи рухий омиллар манбаини мунаққид мақоланинг "Ажзийнинг ишқи" бўлимида тубандагича ифодалайди: "Тасаввуфчи шоирларнинг зоҳирий ишқни тасвир эта туриб асосан мутасаввуф фикрлар тасаввур этишлари маълумдир.

Бизнинг шоир эски шеърнинг шаклий жиҳатларини, ифода тарзини айнан қабул қилиб, ичига эскига тамомила қаршу бўлгон ўз руҳини, янги руҳни киргизгандир. Ажзий шевада Фузулий йўлини тутган шоирлардандур. Бу шоиримиз ҳам ошиқдур, машуқаси халқдур, миллатдур. Миллат ва халқига муҳаббати унинг ишқидур. У ишқ эса бизга шуни билдирадур. Ажзий миллатнинг ишқи, дарди билан суғорилган бир шоирдур. Унинг бу ҳаяжонлари ясама эмасдур, чиндур, табиийдур. У кўз ёши тўкса, миллат учун тўкадур, бировдан хафаланса, миллат ҳолига боқмагани учун хафаланадур. Бировдан хурсанд бўлса ҳам миллати, халқи учун бўладур".¹

Сиддикий Ажзий эски ва янги давр, эски ва янги адабиёт ришталарини боғловчи ижодкор. Мунаққид таъкидлаганидек, қадимий шарқ шеърини шаклиги ўз ижтимоий-адабий қарашларини олиб кирган ва шу йўл билан миллатни илм-маърифатга, ўзлигини англашга, умуман, маънан уйғоқ бўлишга чорлаган шоирдир. Унга замондош, маслақдош шоирларни А.Саъдий "ўғитчи шоирлар" деб атаган эди. Гарчи А.Саъдийнинг ифодасида уларга нисбатан киноявий кайфият устунлик қилиб турса ҳам, у ўша ижодкорларга хос умумий белгиларни тўғри пайқаган эди. Умумий бирликка эришиш, миллат ва исломни такомиллаштириш, ўқув ва мактаб-маориф ишларини ривожлантириш, илм ва хунарни тарғиб этиш, иқтисодий ва маънавий аҳволни яхшилаб, маданий жиҳатдан юксалиш - "ўғитчи шоирлар" қалбидаги эзгу ниятлар эди.

Вадуд Маҳмуд ана шу шоирлардан бири Ажзийнинг юрак қони билан ёзилган шеърларидаги ишқни, дардин унинг миллатга, замонга муносабати нуқтаи назаридан текширади. Юқорида келтирилган кўчирмадан ҳам аниқки, Ажзийнинг ишқи миллатига тушгандир. Шу миллат учун куюнади ёки хурсанд бўлади,

¹ Маҳмуд В. Турк шоири Ажзий. "Инқилоб", 1924, 11-12 сонлар.

ачинади ёки кўнгли нимадандир таскин топади. Шоирнинг шу гоёси моҳиятини ифодаловчи шиори эса қўйидагичадир:

Хаёти маънавия мафтунам зинҳор айб этмангиз,
Бу савдолар кулфати-ла бешуур ўлмоқ шиоримдир.

Ажзий маънавий ҳаётга мафтун, шу йўлдаги ниятлари ижобат бўлиши учун ҳар қандай кулфатларга тайёр.

Миллатнинг тубанлашуви, бошига тушган оғир савдо ва кулфатлар ҳамда фожеалар сабабини шоир қўйидаги байтда шундай баён этади:

На ўлди миллат ўлиб эътибордин маҳрум,
Бу йўлда маслак беъэтибордир боис.

Миллат эътибордан четда қолган, чунки унинг маслаги аниқ эмас. Вадуд Маҳмуд шоирнинг давр қайғусида азоб чекишини, ўзига ҳамдард халқни топиқи илинжида эканини, аммо "нодон қавм"нинг балоларига гирифтор бўлганини илғагандек бўлади.

Давоий захмин носурам эмишдур суҳбати ориф,
Дили маҳдуфи пайкони балойи қавми нодонам.

"Ориф" - етук маърифатли кишиларнинг суҳбати шоир дилидаги оғриқларга даъво бўлиши мумкин, аммо у "нодон қавм"га йўлиққандир. Ўша қавмнинг ўзига ҳамфикр бўлишини дилдидан истайди, ўз умидларининг ижросини кутиб, сабр-тоқат қилишга қасд этади. Маърифатга интилаётган миллатнинг ҳам бир кунмас - бир кун юлдузи чарақлаб чиқишига ишонади. Вадуд Маҳмуд ўз мақоласида шоирнинг:

Банго қарорсиз ўлмоқ қарордир боис,
Қарори вермакка элдан қарордур боис.
Ватан ҳаробасин ислоҳина интизоридаям,
Бу интизорима бир интизордур боис.

Ва яна:

Париўлар паришон зулфитек хотир паришонам,
Паришонам, недан хотирпаришонлик-ла ҳайронам,

сингари маълум бир бадий санъат воситалари асосида битилган мисралардан намуналар келтириб, жинсдош (омоним) сўзларга юкланган маъноларни нозик таҳлил қилади. "Қарор" сўзининг ўйинларини, "ғафлат шароби", "шўро шароби" сингари янгича ясамалар вужудга келганини таъкидлайди.

Мунаққид ўз текширишларида давом этар экан, шоир шеърларидаги образларга, ўхшатиш ва анъанавий рамзларга ҳам диққатини қаратади. Ажзий шеърларидаги "ҳижрон, бахт, рухсор ишк, хусн, ҳол, ҳатт" сингари рамзларнинг эски адабиётдаги маънолардан фарқли тарзда ижтимоий маъно касб этганини

айтади. Улар Илоҳ васфи учун эмас, реал заминдаги гўзал қиз латофатининг тавсифи учун ҳам эмас, балки халқ, миллат сийрат ва сувратини гавдалантириш учун қўлланади.

Шарқ классик адабиётида маҳбуба ва машуқаларнинг юз ва яноқлари гулга ўхшатилади. Шоирнинг қуйидаги байтига эътибор берайлик:

Бу гулшан саҳнида гул яфроғи ранги гумон этманг,
Қизормиш хуни ноҳақ рангидин хоки ватандир - бу!

Бу байтдаги гулнинг қизил ранги боғларга файз киритиб турган гулдан фарқли, ёрнинг қизил юзи ва қизил дудоғи ўхшатмасидан ҳам анча узоқ. Шоирнинг кўзи олдида қизариб ётган "гулшан" - ватан тупроғидир. Бир ватан тупроғики, ноҳақлик, жабр-зулм дастидан қизарган, қизил гул рангини олган, яъни ватан тупроғи қип-қизил конга бўялгандир. Шоирнинг бундай тасвирига ижтимоий муҳитдаги тенгсизлик, адолатсизлик сабабчи. Мустамлакачиларнинг ноҳақликлари, жабр-зулмларининг кучайиши сабабчидир. Мана Турсункул ёзади: "1900 йилдан бошлаб Русия ҳукумати Туркистонда тўғридан-тўғри мустамлака сиёсатини юргиза бошлади. Қирғиз деҳқонларининг мунбит ва ҳосиллик ерлари қўлларидан олиниб, ўзлари сувсиз далаларга ҳайдалдилар. Туркистоннинг бир кўб жойларига рус мужиклари келтирилиб жойлаштирилди. Мухожирот йил сайин кучая борди".¹ Мазкур аччиқ ҳақиқат биргина Ажзийнинг шеъри ёки Турсункулнинг мақоласида ифодаланиб қолмаганини, балки барча сергак-хушёр зиёлиларнинг эътиборини тортганлигини шу ўринда айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

1922 йили "Қизил байроқ" газетасининг бир неча сониди "Озиёлик" деган шартли имзо остида чиққан "Оғизда эмас амалда бўлсин" номли мақолада шундай фикрлар бор: "Эски идора ерлик халқни ёт кўриш баробарида сағир ҳисоблаб, васийлик қилишни ўз устига олган эди. Ажал сайёди у бечорага ўз жомидан ажал шарбатини ичирди.

Ўзгаришдан кейин яна бизни "тарбия" қилиш учун васий бўлгувчилар топилди. Лекин сўнгги вақтда гирифтор бўлгон васийларимиз ҳам, ўтган марҳум васийларимиз каби бизга васий мутлоқ бўлиб, муқаддиратимизни ўз қўлларида тутиб келмоқдалар. Русия ўзгариши бўлгон 1917 нчи йил эди, ҳозир ўзгаришнинг 1922 нчи йилида турибмиз. Шу муддатда биз "сағир"лар ҳақида "васийларимиз томонидан озми тааррузлар бўлди?

¹ Турсункул. Сиддикий тўғрисида мулоҳазаларим. "Маориф ва ўқитувчи", 1928, 3-сон.

Сағир болаларнинг иши йиғидир; биз йиғладик. А, бизни овутиш йўлини берган васийларимиз, бизни ҳақимиз бўлгон семиз сигирларнинг сугидан баҳрасиз қилди, қурук эмизукни оғзимизга солдилар. Илгариги васийларимиз биз сағирларни "сиз ёт, бегона болаларсиз" деб эмизук берганда, ўзгаришдан кейинги васийларимиз бизнинг пешонамизни силаб "бечора, бенаво етимларим, сиздан байналмилалчи васий отангиз айлансин" деб кўнглимизни синдирмасдан овутиб келадилар".¹

1917-1918 йиллардаги очарчилик пайтида ерли аҳоли болаларига нон топиб бера олмагани ҳолида озиқ тақсимлаш идораларининг калитларини ўз қўлларига олиб олган "байналмилалчи васийлар" келгинди биродарларининг товуқларини жон ҳисоблаб, уларга ҳам улуш ажратган. Дам олиш жойларига йўлланма берадиган маҳкамаларнинг эшиги маҳаллий халқ учун ёпик. Мабодо бирортаси йўлланма сўраб боргудек бўлса, "ҳали сиз чехутка бўлганингиз йўқ" деб баҳона топиб, уларнинг ўрнига 500-600 лаб юзлари қип-қизил, умуман касал бўлмаган европаликлар юборилган. Қандайдир тасодиф билан муслмонлардан 5-6 таси бориб қолса, уларнинг "ҳиссиёти динияларига тегиш нияти билан" умумий қозонларда чўчка гўшти пишириб бериб, у ердан бездиришган. Темир йўлларда ҳам аҳвол шу. Келгинди йўловчилар вагонларнинг ичида маишат қилиб кетгани ҳолда маҳаллий халқ вакили тамбурда ёки вагоннинг тепасида манзилга зўрға етиб боради. Уриш-жанжал чиқиб, вагондан итқитилган маҳаллий халқ вакилининг жароҳати ёки ўлими билан бировнинг иши бўлмаган, бирорта маҳкама жиноятчини ахтармаган ҳам. Хуллас, ҳар қандай соҳада - хоҳ иқтисодий-ижтимо-ий, хоҳ мактаб-маориф, театр ёки саноеъ нафиса жабҳасида бўлсин "қўй терисига ёпинган мустамлакачи бўрилар" кўнгилиларига хуш ёққан, ўз нафсларини қондирадиган, ёвуз ва манфур ниятларини ўринлатадиган ишларни қилишган.

Бераҳм золимларнинг қонли панжалари остида зулм чекаётган ўлкага қарата шоир Чўлпон бир шеърида "Нега сенинг қалин товшинг "кет" демайди уларга?", "Нега тагин танларингда қамчиларнинг кулиши?" дея сўроқли хитоблар қилади; азоб-укубатларни кун сайин авжига миндираётган "афандилар"га қарата "Кўзғалиш" (1922 й.) номли шеърида шундай дейди:

Эй! Сен мени ҳақир кўрган, тубан деган афанди!

Эй! Устимда бир умрга хўжа бўлмоқ истаган,

Эй! Бўйнимга кишан солиб, ҳалокатга судраган,²

Кўзларингни заҳарлатиб ўйнатмагил, бас энди!

¹ Озиёлик. Оғизда эмас амалда бўлсин. "Қизил байроқ", 1922, 11 август.

² Чўлпон. Яна олдим созимни. Тошкент, 1991, 442-бет.

Чўлпоннинг бундай тиник сатрларидан жой олган изтиробли ҳислар окимини "Йўл эсдаликлари", "Вайроналар орасида", "Кутурган мустамлакачилар" сингари асарларида ҳам кузатиш мумкин.

Ажзий кип-қизил қонга беланган тупрок деб бадий услубда ифодалаётган, Турсункул, "Озиёлик" ва Чўлпон қалбини безовта қилган бундай нохуш аҳвол билан Вадуд Маҳмуднинг ўзи ҳам тўкнаш келади. Қолаверса, Ажзийнинг ижтимоий фикри билан В.Маҳмуднинг ижтимоий тушунчаси деярлик бир хилдир. Унга кўра унинг "Мустамлакачилик ўз йўлида" номли мақоласи диққатга сазовордир. Муаллиф фикрича, мустамлакачилик сиёсати давом этмоқда, уларнинг қўли остидаги миллат на иқтисодий, на ижтимоий, на-да маънавий жиҳатдан ривожлана олади. Шунингдек, Туркистоннинг энг серҳосил ерларига европаликларнинг кўчириб келтирилиши ҳамон давом этмоқда. "Бу муҳожирлар келгандан кейин Еттисувда қирғиз-қозоқлар жойсиз қолган каби Туркистонда ўзбек ва туркманлар ўз ерларидан ажралғонлар".¹ Фарғона ва Андижон музофотининг Жалолобод ва Бозорқўрғон туманларини, Самарқанднинг Жумабозорини муҳо-жирлар яқиндагина ишғол қилишган. Бу кўчиб келишлар Туркистонда ортиқча ерларнинг кўплигидан эмас, албатта, балки рус жаҳонгирларининг тубжой аҳолисини ўз измида сақлаб туриш учун қилинаётган сиёсатдир.

Афтидан Туркистоннинг қуликдан халос бўлишини сира-сира истамаётган, ўз ҳийла-найрангларини ширин ваъдалар эвазига жон-жаҳди билан оддий халқ онгига сингдираётган европалик ҳукмдорлар Европа Уйғониш даврининг таниқли файласуфи Никкола Макиавеллининг "Ҳоким" номли китобидаги кўрсатмалардан яхшигина баҳраманд бўлган кўринади. Тўрт юз йилдан бери йирик сиёсий арбобларнинг сеvimли маслаҳатдошига айланган бу асарда истилогача қадимдан ўз қонун-қоидалари билан яшаб келган шаҳар ёки давлатни ғолиблар ўз қўли остида уч хил усул билан сақлаб туриши мумкинлиги айтилади. Биринчидан, вайрон қилиш, иккинчидан, яшаш учун у ерга кўчиб бориш, учинчидан, солиқлар эвазига ҳамда юртнинг интизоми учун кафолат берадиган маълум кишиларнинг бошқарувига ишониб, мазлумларга ўз қонун-қоидалари билан яшаш ҳуқуқини бериш. "Мабодо, босиб олинган мамлакат, - деб ёзади Макиавелли, - қадим авлод-аждождларидан мерос бўлиб келаётган тили, урф-одати ва тартиб-интизоми билан фарқланиб турса, бундай ерда ҳукмронликни ушлаб туриш ҳақиқатан, жуда қийин, бун-

¹ Маҳмуд В. Мустамлакачилик ўз йўлида. "Зарафшон", 1924, 3 сентябрь.

дай жойларда катта санъат ва маҳорат талаб этилади. Бунинг энг ишончли ва энг тўғри тадбирларидан бири - босиб олинган жойларга яшаш учун кўчиб боришдир".¹ Чор Россияси ва большевиклар ҳукумати ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун Туркистон ўлкасиёни вайронага айлантирдилар; халқни солиқлар ва ишончли малайларнинг кафолатли хизматлари эвазига ўз қонунқоидалари бўйича яшашга кўйиб ҳам берди. Аммо бу усулларга нисбатан энг самарали ва давомли қўлланган тадбир европаликларнинг тинимсиз кўчиб келишлари бўлди.

В.Маҳмуд ўз мақоласида бундай сиёсат ва унинг оқибатлари тўғрисида шундай жумлаларни ёзади: "Ўрис жаҳонгирлиги вақтида Туркистон генерал губернатори ёнида кўчириш маҳкамаси (переселочское управление) деган идора бўлар эдиким, унинг бир вазифаси Туркистоннинг доим ўрислар кўлида қолишини таъмин этмак эди. Шу мақсад биландирким, Туркистоннинг ҳар шаҳрида энг маҳсулдор ерларида ўрис кишлоқлари қурилди.

Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларида бундай кишлоқлар ҳали ҳам бор ва кўчманчилар кошки ёлғиз ўзларига берилган жойларга эгалик қилсунлар. Булар ўз ҳукумати каби одамгарчиликни билмас эдилар. Еттисувдагилар қирғиз-қозоқларни ўлдириш, молларини талаш билан машғул бўлдилар. Бошқа жойдагилари ҳам атрофларидаги камбағал деҳқонларни ҳар турли қийноқлар остида таламоқ билан кун ўтказдилар".²

Вадуд Маҳмуд Ажзий шеърларини "Ажзийнинг ижтимоий фикри" бўлимида унинг ўзини ҳам қийнаган ана шу ижтимоий муаммоларга уйғун тарзда таҳлил қилади. Ижтимоий ҳаётдаги воқеликларнинг шоир ижодида инъикос этиши хусусида тўхталиб: "Ўрис миллатининг заҳарли заҳмлари Ажзийнинг бағрига чуқур излар қолдирғондир. У ҳар вақт элнинг қонли панжалар остида қолишидан зорланадир, ҳар томонга қараса, шуни кўрадир, ҳар воқеадан шуни истихроҷ этадир", деб ёзади.³

Ажзий ички оламидаги замонага нисбатан норозилик туйғулари, жамиятни ислоҳ этиш кайфияти анъанавий образларни янгича маънода қўллаш мажбуриятини юзага келтиради. Шунга биноан у юлдузларни эл бағрига отилган тошга, булутни маърифат нурларини тўсувчи деворга, қизил лолани қип-қизил қонга менгзатади. Вадуд Маҳмуд ўз мақоласида С.Ажзий назарда тутган "миллат" тушунчасига ҳам алоҳида изоҳ бериб ўтишни маъқул топади. "Биз Ажзийнинг "миллат" деган тарзи талаққий-

¹ Макиавелли Н. Государь. Москва, 1990, 9-бет.

² Маҳмуд В. Мустамлакачилик ўз йўлида. "Зарафшон", 1924, 3 сентябрь.

³ Маҳмуд В. Турк шоири Ажзий. "Инқилоб", 1924, 11-12 сонлар.

сидан англаймизким, бу кундаги тарзи истеъмолидан бошқа бир маъно берадур, унингча, "ислом" бир миллатдир, ҳар бир "мусулмон" ўз миллатининг бир аъзосидир. Бу тарзи талаққий ёлғуз Ажзийда эмас, бу даврда яшаган кўб кишиларда кўриладир".¹

"Миллат тақдири" - бу бирикма шоирни ҳам, талқинчини ҳам бефарқ қолдирмади. Сиддиқий Ажзий миллат қисматини ўйлаб, ижодий-амалий юмушларга берилди, мактаб, маориф ишлари билан машғул бўлди, ўз замонасининг маънавий-руҳий кайфиятини ифодаловчи шеърлар битди. Ватани зўравонлар зулмидан озод бўлишини истаган сиймоларни, ислом миллати етиштириш йўлида жон куйдирган кимсаларни Вадуд Маҳмуд қадрлай билди. Уларнинг анъаналарини давом эттирди. Хурматларини жойига қўйиш учун элга танитди. Халқимизнинг буюк кишиларини эл-юртга танитиш жараёнида Вадуд Маҳмуд сафи кенгая борди. Абдурауф Фитратнинг қатор илмий мақолалари, Л.Олимий, Х.Муъин, Л.Азиззода, А.Мажидий каби муаллифларнинг Мерий, Шавқий, Василий, Бехбудий, Сўфизодаларга бағишланган биографик характердаги мақолалари юзага келди.

В.Маҳмудлар авлодининг мазкур асарлари ёзилган пайтда хали "ватанчи", "панисломчи", "пантуркчи", "жадид", "миллатчи" каби тушунчаларга хужум бошланганича йўқ эди. Туркистон миллати маданияти тарихида сўнмас из қолдирган курашчан, тиниб-тинчимас маърифатпарвар авлод хизматларини менсимаслик ва асосан танқид қилиш жараёни сал кейинроқ бошланди.

* * *

Маълумки, янги давр мунаққидларига кўрсатмалар берувчи РКП(б) МК қарорларининг дастлабкиси 1925 йил 18 июнда чиқарилади. "Бадиий адабиёт тўғрисида партия сиёсати" деб номланган бу тарихий ҳужжатда шундай сатрлар бор эди: "Коммунистик танқид коммунизм позициясини бир минут ҳам қўлдан бермай, пролетар идеологиясидан заррача ҳам чекинмай, турли адабий асарларнинг мазмунидаги синфий маънони очиб ташлаб, адабиётда контрреволюцион ғояларга қарши шафқатсиз курашуви керак".² Сиёсий талабнинг буйруқ оҳанги 20-йилларнинг охири 30-йилларнинг бошига келиб бир парда кўтарилди. Энди жадид адабиёти борасида бирорта илиқ фикр билдирадиган кимса халқ душмани, миллатчи-талқинчи, пантуркист ёки панисломист сифатида айбланиши аниқ эди. Шунинг учун Туркистон заминидagi машхур шахсларни элга танитиш жараё-

¹ Ўша китоб.

² О партийной и советской печати. Москва, 1954, 345-бет.

ни пайсалга солинди. Айниқса, жадидлар ҳаракати, жадид адабиёти хусусидаги ижобий фикр-мулоҳазалар социализм ғояларига "оғирлик, ортикчалик" қиладиган бўлди.

Жадидларнинг кейинги вакиллари бўлмиш Фитрат ва Чўлпоннинг тақдирини янада мураккаброқ воқеликларга дуч келди. Аммо шўро сиёсатидан ҳоли хорижий мамлакатларда чўлпоншунослик, фитратшунослик шаклланди. Чунки чет элларда уларнинг фаолияти билан қизиқувчиларни, асарларини таҳлил ва тартиб қилувчиларни, ижтимоий қарашларини ўргатувчи мутахассисларни таъқиб этиш йўқ эди. Шу туфайли уларнинг ижоди дунёнинг туркийзабон олимлари-ю муҳожирликдаги ўзбеклар томонидан ҳам, америкалик, япониялик, олмониялик олим ва олималар тарафидан ҳам тадқиқ қилинди, ўзига яраша илмий баҳосини олди.¹ Ўз ватанларида эса Абдулла Қодирий ҳам, Чўлпон ва Фитратлар ҳам рўшнолик кўришмади. Хукмрон сиёсатга мутеълик фожеаларини бошидан кечираётган адабиёт илмининг, адабий танқидчиларнинг аёвсиз зарбаларига юзма-юз келишди. 1927 йили Айн (Олим Шарафиддинов)нинг мақоласи пайдо бўлди.² Чўлпон ижодини бадном қилиш бошлаб берилди. 1929 йили Ж.Бойбўлатовнинг мақоласи босилиб чикди.³ Фитратга "миллатчи", "чиғатойчи", "пантуркист", "панисломист" каби янги замонда фақат салбий маъно касб этувчи ёрлиқлари тақалди. Адабий танқиди ва адабиётшуносларнинг янги авлоди ҳамда айрим сиёсий арбоблар тарафидан ҳақиқий истеъдод соҳибларига тош отиш, эркин овозини бўғиш шу зайлда майдонга келди.

Мафкура майдондаги сиёсий чақириклардан, долзарб-жарангдор шиорлардан илҳомланган "Айн" Абдулҳамид Чўлпон ижодини нишонга олди. У "Ўзбек шоири Чўлпон" номли мақоласида шундай сатрларни ёзади: "Чўлпон ким? У кимнинг шоири? деган сўроққа қисқа қилиб, "Чўлпон бутун кирлиликдан озод инсондир, бу шоирдир. У йўқсил халқ шоиридир" - деб чиройли жумла билан жавоб бергувчилар, унга баҳо қўйгувчилар орамизда бор.

Чўлпоннинг бу кунгача ёзган асарларини текшириб чиксак, юқоридаги баҳонинг бутунлай нотўғри эканини англаймиз. Чунки, Чўлпон миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шои-

¹ Қаранг: Болтабоев Х. Хорижда фитратшунослик. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1991, 27 март. Турдиев Ш. Хисао Кумапу: "Фитрат - буюк шахс". "Туркистон", 1992, 25 апрель. Каримов Б. Ингеборг Балдауф айтадики... "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1993, 2 июль.

² Айн. Ўзбек шоири Чўлпон. "Қизил Ўзбекистон", 1927, 14 февраль.

³ Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик. "Қизил Ўзбекистон", 1929, 13 март.

ридер. Унинг мафкураси шуларнинг мафкурасидир".¹ Бу мунаққид шоир шеърларидаги "миллатчилик ва бадбинлик" кайфиятини, "мазмундаги объектив синфий маънони" шу тариқа очиб ташлайди гуё. Яъни Х.Ёкубов ёзганидек, "Айн (Олим Шарафиддинов) зўр фаросат билан Чўлпонни "йўқсил халқнинг шоири" дегувчиларга (В.Маҳмуд каби) узил-кесил зарба беради, Чўлпоннинг миллатчи, хаёлпараст, бадбин зиёлилар шоири эканини шиддатли синфий - мафкуравий кураш талабига кўра принципиаллик билан асослаб беради"² гуё. Айннинг чиқиши Чўлпон ижодига нисбатан тухматона ҳужумларнинг бошланиши, шунингдек, то 60-йилларга қадар давом этган салбий муносабатнинг ибтидоси ҳам эди. Чўлпоншунослар бу ораликни иккинчи босқич, 60-йиллардан кейинги даврга эса чўлпоншуносликдаги учинчи босқич сифатида қарашади.³ Чўлпон ижодига берилган объектив баҳонинг ўзи айбловчи мақолалар пайдо бўлгунгача, яъни биринчи босқич мунаққид ва адибларининг мақола ва тақризларида мавжуд эди. 20-йилларнинг таниқли ўзбек зиёлиси Аҳмад Шукрий шоирнинг "Уйғониш" тўпламини ўқиб, уни Шекспирга қиёслайди: "Чўлпон оти қулоғимга кирдикча кўзимга Шекспир руҳи кўринадир-да турадир. Шекспир лиризми билан Чўлпон шеърляти орасида нақадар айирма ахтарсам-да, они топа олмадим. "Уйғониш"ни неча такрор ўқиб чикдим. Шекспирни мутоала этдим. Энг сўнг Шекспир Чўлпондир ёхуд Чўлпон Шекспирдир фикрига келдим. Чўлпон шеърлари Шекспир жўшқинлиги била тўладир. Чўлпон бизда севги тангриси, сезги яратувчисидир. Чўлпоннинг оккўнгиллиги Шекспир самимийлигидан ўтадир. Чўлпон - лирик. Чўлпон - шоир. Чўлпон - чўлпондир".⁴ Айнан шу мажмуага Зариф Башир ҳам муносабат билдиради. Шоирнинг айрим ўхшатишлари, ортиқча фалсафага берилишларини енгил танқид қилади ҳамда "ул халқ шоири эмас, халққа яқин зиёлилар шоиридир. Унинг услуби ва руҳида халқчиллик жуда оз" деган фикрларни баён этади. Аммо мақоланинг умумий матнида шоирнинг муваффақиятли чиқишини улуғлаш, мажмуадан қониқиш ҳисси яққол сезилади. "Чўлпон ўрток кейинги даврлардаги ўзбек шоирларининг энг олдингиси ва чин маъноси билан шоир деб аташга лойиқ бўлғонларидан, унинг шеърлари чин адабиёт ва шеър кўзи билан қараб текши-

¹ Айн. Ўзбек шоири Чўлпон. "Қизил Ўзбекистон", 1927, 14 февраль.

² Ёкубов Х. Сайланма. 2 жилдлик, I-жилд. Тошкент, 1983, 271-бет.

³ Эшонова З. Чўлпон шеърятининг ғоявий-бадиий хусусиятлари. ҚДА. Тошкент, 1991, 4-бет.

⁴ Шукрий А. "Кўмак" (тўплам). Берлин, 1921, 3-бет. (Мазкур факт Т.Солиҳовнинг номзодлик диссертациясидан олинди, 123-бет).

риш ва танқид қилишга ярайди".¹ Бундай ҳолис ва ҳаяжонли сатрларга уйқаш фикрларни Абдулла Қодирӣ ҳам "Тонг сирлари"га ёзган кичик сўзбошисида изҳор қилган эди.

30-йиллар бошида А.Саъдий Чўлпонни танқид қилади.² Аммо мунаққиднинг Чўлпонга муносабати 30-йиллардан фарқли ўлароқ 20 -йилларнинг биринчи ярмида нисбатан ўзгача, анчайин ҳақ ва ҳолис эди. У ўзининг турли мақолаларида шоир номи ва асарларини асосан ижобий маънода тилга олгани ҳолда 1924 йили "Ўзбек ёш шоирлари" номи каттагина ҳажмли махсус мақола ёзиб, унинг иккинчи қисми фақатгина Чўлпон ижодиётига бағишланган эди. Самарқанд шаҳрида чоп этиладиган "Зарафшон" газетасининг 120-122 сонларидан босилиб чиққан бу мақола биринчидан, чўлпоншуносликнинг дастлабки босқичида муҳим аҳамият касб этади, қолаверса, олимнинг "эволюцион илмий йўли"ни, индивидуал кирраларини, сўзга масъуллигини ойдинлаштириш учун ҳам қимматлидир. Мақолада А.Саъдий шундай фикрларни баён этади: "Ёш ўзбек шоирлари орасида ўзининг шоирлик кучини тез вақт ичида танита олгон энг биринчи шоири(лирик)дир. Лекин унинг юраги шахсий ҳиссиёт билан эмас, ижтимоий ҳиссиёт билан тўлгон ва қайнагон бир юракдир.

Шунинг билан бирга у ўзбекларда рамзчилик - символизм эшигини очқувчидир... Услуби ҳам умуман иқтисодлик бир услубдир. Фикр ва услубда оҳанг жиҳатидан ҳам ёш ўзбек шоирлари ичида бу шоир энг устки ўринни ҳозирча бошқаларга бермайди.

Бу шоир чуқур ҳам энг иничка тушуна оладир. Унинг фикрлари қуюқ, тигиз; ўхшатиш ва истиоралари, киноялари янги ҳам ўзичадир. Сўроғ ва хитоблари ва шеърӣ сифатлари ҳам ўткир, кескин бўлиб чиқадир. Унда хаёл ҳам кенг, ўткир бўлиши устига, ҳиссиёт тамом самимий ва чиндир".³ Мунаққид шоирнинг ижодига хос энг муҳим ижобий хусусиятларни очиқ кўрсатиб, мисоллар билан ифодалаб бериши билан бирга салбий бўлиб туюлган айрим нуқталарга ҳам тўхталади. Яъни текширувчи "бу шоир энди ўзи тўғрисида салбий ё ижобий, қатъий ҳам очиқ фикрлар баён этишга етарлик сармоя беради" деган мулоҳазасининг ҳар икки палласига ҳолис қарайди. Мақтайти. Танқид ҳам қилади.

¹ Башир О. Ўзбек шоири Чўлпон шеърлари. "Туркистон", 1924, 4 май.

² Қаранг: Қаршибоев М. Муҳит эркидаги тутқинлик. "Шарқ юлдузи", 1990, 10-сон.

³ Саъдий А. Ўзбек ёш шоирлари. "Зарафшон", 1924, 25 февраль.

"Бу ўринда бу шоирнинг баъзи бир салбий ёқларини, яъни оқсаган нуқталарини ҳам айтиб ўтайлик:

1. Шоир баъзан кучлик хиссиёт остида оловлик сўроғларни бериб келган чоғида йўлидан озиб, бирдан сўниб, совуқланиб кетгандай бўлади.

2. Татарлардан машҳур Олимжон Иброхимдек Чўлпон ҳам шеърини сифатлар (эпитет)ни ва жумланинг эгаларини баъзан тегишидан ортиқ кўб келтира ва шул сабаблик маънони сийқалантириб, унинг таъсир қувватини камайтириб қўядир:

Хира, ўчган, кучсиз далаларга...

Ва: Оғрик, мағлуб, тутқун шарқнинг юзидек...

Ва: Совуқ ғамли қора қиш...

Мунда биринчи мисрада икки сифат, кейингиларда "оғрик" билан "қора" ҳар ҳолда ортиқдир.

Ёруғ, ёғду, турмуш тепган янги кун... деганда "ёруғ" билан "ёғду" ҳар ҳолда бириси ортиқдир.

3. Эргаштирувчи жумлалар кўб келтириш ва чизмалар чаток қилиниб тузилиш сабаблик шеърнинг маъноси қийинлик билангина англанадир.

4. Баъзи киноялари - рамзлари ортиқ туманликдир ("ўтли сув"и шунга мисол).

5. Ҳаяжонлик шеърларда жумлаларни бир-бириси билан "ки" ёхуд "ким" ёрдамлиги билан боғлаш касаллиги шу шоирда ҳам бордир. Ҳолбуки, бу шеърнинг кучини юмшатадир".¹

Хуллас, А.Саъдий "баъзи бир салбий ёқлар", "оқсаган нуқталар"нинг саккизтасини рақамлар остида бирма-бир санайди, мисоллар келтиради. Мақоладаги барча танқидий мулоҳазаларга қўшилиш қийин, камчилик ҳисобланаётган мисралардаги ўринларда бемалол баҳсга киришиш ва уларнинг ютуқ-фазилат эканини, оҳанг ва таъкидни юзага келтирувчи унсурлар эканини исботлаш ҳам мумкин. Бироқ шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, бу танқид бевосита бадиият ва шеър техникаси билан боғлиқ бўлиб, Чўлпонга ҳеч қандай сиёсий айбни қўймайди. Муаллифнинг нияти ҳам холис, беғараз таҳлилдир. Унинг айрим насихатларини шу маънода тушиниш мумкин. Мунаққид шоирнинг дардини, қалбидан отилиб чиқаётган ноласини, умидли-умидсиз мисраларини тушинишга ҳаракат қилади. "Шоирнинг илҳомланишида омил-муҳитдир. Омилдан тотлиқ келмагандан кейин чашма тотлиқ бўлмаслиги яна маълум. Шунинг учун шоирни бу ҳақда айблаб бўлмайди".² Юқорида айтиб ўтилганидек, кейинчалик А.Саъдийнинг ўзи ҳам, Айн ҳам айнан "айблаб

¹ Саъдий А. Ўзбек ёш шоирлари. "Зарафшон", 1924, 25 февраль.

² Уша мақола.

бўлмайдиган масалада конкрет тарихий шарт-шароит ва муҳитни назарга олмай айбладилар. Аникроғи, шунга мажбур бўлдилар. 1927 йилги айбловчи мақола ва Ўзбекистон қизил маданиятчиларининг II қурултойидаги тухматлардан кейин Чўлпон ижоди юзасидан адабий жараёнда баҳс-мунозара кучайди. Шоир руҳий оламини тушинишга ҳаракат қилган мақолалар билан бирга унинг устига асоссиз ҳужум қилувчи мақолалар ҳам юзага келди. Айнинг мақоласига жавобан Ойбекнинг "Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?" (Қизил Ўзбекистон", 1927, 17 май) мақоласи босилиб чиқди. Баҳсга киришган Усмонхон Эшонхўжаев "Мунаққиднинг "мунаққиди" (Қизил Ўзбекистон", 1927, 22-27 июнь) мақоласини ёзди. Бунга "Мунаққиднинг "мунаққиди" мақоласининг эгасига" (Қизил Ўзбекистон", 1927, 28 август) номли сарлавҳа остида Ойбек яна жавоб мақола ёзди.¹

30-йилларда "Чўлпон ва чўлпонизм" муҳофазасалари устида тўхтаган Сотти Хусайн Ойбекнинг Чўлпонга нисбатан тутган позициясини Вадуд Маҳмудга олиб бориб боғлайди. Илмий марксизм танқидидан узоқлигини айтади: "У (Ойбек назарда тутилади - Б.К.) тамомила Чўлпонни танқид қилганда унинг шеърларини мафкураси билан ишимиз йўқ, унинг бадий шакллари қабул қиламиз, мақтаймиз, ўқиймиз, дейдир. Бу албатта янги тўкиб чиқарилган фикр эмас эди. Балки бунда(н) ҳам олдинроқ қилиб Вадуд Маҳмудий Чўлпоннинг "Булоқлари" ҳақидаги ёзгон мақоласида буни айтган эди. Фарқ шуки, Вадуд Маҳмудий марксизм тамомила душман бўлган буржуа танқиди фикрини 23-24-йилларда айтди. Ойбек бўлса уни 1927 йилда шароитга мувофиқлаштириброк майдонга қўйди".² Бадий адабиётда шакл ва мазмуннинг омехталиги юксак бадийликни, санъаткорона мукамалликни таъминлайди. Аммо адабиёт илми тарихида бадий асарнинг фақатгина ғоявий мазмуни тарафига эмас, балки композицион қурилишига, услуби, тили, оҳангритмикаси ва бошқа шаклий унсурларга асосий эътиборни қаратган олимлар, оқимлар ҳам бор. Масалан, Лев Толстойнинг замондоши Константин Леонтьев "Анализ, стиль и веяние" (1889) номли мақоласида: "Мен учун граф Толстойнинг нима хусусида ёзганлиги эмас, балки қандай ёзганлиги муҳимдир",³

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Дўстқорасев Б. Бир мунозара тарихидан. "Шарқ юлдузи", 1989, 6-сон. Шарафиддинов О. "Қулган бошқалардир, йиғлаган менман...". (Чўлпон. "Яна олдим созимни" китобига сўзбоши, 12-16 бетлар).

² Хусайн С. Адабий танқидда партия чизигини маҳкам ўтказув учун. "Қурилиш", 1931, 1-2 сонлар.

³ Леонтьев К. Анализ, стиль и веяние. - "Вопросы литературы", - 1988, № 12.

деб йўналишини аниқ белгилайди ва адиб романларининг шаклий, услубий таҳлилига киришиб кетади.

Рус формал мактаби вакилларининг ҳам асосан шаклий унсурларни тадқиқ этгани, адабий-танқидий оқимнинг номи ҳам шундан келиб чиққани маълум. Тўғри, бадиий асар мазмунидан фақатгина сиёсий ва мафкуравий элементларни изловчи сиёсатдон, социалист "танқидчи" Л.Троцкий 1923 йили ёзган "Адабиёт ва инқилоб" асарида "формалист"ларнинг алгебраик санокларга, ритмика ва аллетирацияга берилиб кетиши "сўзларнинг хурофотлашувига" олиб келишини, буларнинг эса марксизмга мувофиқ келмаслигини танқид қилади.

Ўзбек адабиётидаги "чўлпонизм" баҳсларини таҳлил қилувчи С.Хусайн Ойбек ва Вадуд Маҳмуднинг мақолаларига нисбатан троцкийча позицияда туради. "Вадуд Маҳмудий марксизмга нисбатан тамомила душман бўлгон буржуа танқиди фикрини 23-24 йилларда айтди", деб ёзади у. Бу билан танқидчи Вадуд Маҳмуднинг 1923 йилда ёзган "Чўлпоннинг "Булоқлари" номли мақоласини назарда тутган эди.

Мақола "Туркистон" газетасининг 207-сонида босилиб чиққан. Шоирнинг янги мажмуасига тақриз тарзида ёзилган бу кичик мақолада мунаққиднинг Чўлпон ижодига жуда катта ҳурмат ва ихлос билан қарагани сезилади. Унинг қарашлари, Чўлпон шеърларига ёндашуви А.Шукрий, А.Қодирий ва З.Баширларнинг объектив баҳоларидан кўп ҳам фарқ этмайди. Унда В.Маҳмуд шоирнинг янги тўплами ўзбек адабиётига янги бир оҳанг олиб кирганлигини, унда ўзбек элининг руҳи, сезгиси қайнашини, ўзбек тилининг имкониятлари намоён бўлганлигини алоҳида уқтиради. "Чўлпоннинг "Булоқлар" отлиғ янги шеърлар тўплами босилиб чиқди. Чўлпон ўзбекнинг янги шоирдир, шунинг учун ўзбек элининг бугунги руҳи, ҳоли, сезгиси "Булоқлар"да қайнайди, ўзбек тили, ўзбек оҳанги "Булоқлар"да сайрайди, ўқийди. Ўзбек руҳи тўлқинлари бунда кўпирадир, кўклар томон учадир, кўтарилади".²

"Амалнинг ўлими" деган шеърдан:

Кўнглимда йиғлағон малаклар кимлар,
Шарқнинг оналари, жувонларими?
Қаршимда эгилган бу жонлар кимлар,
Куллар ўлкасининг инсонларими?

¹ Троцкий Л. Литература и революция. - Москва, Политиздат, - 1991, - 130-бет.

² Маҳмуд В. Чўлпоннинг "Булоқлар"и. - "Туркистон", - 1923, 10 - декабрь.

- парчасини келтириб, "ўзбек янги шоирларининг оҳангсиз бўлишларини уялмай сўйлайтурғон"ларни уялтиришини айтади. Бандда ўзига хос рубобий оҳанг мавжудлигини, унда эл-юрт дарди, шоирнинг қалби ифода этилганини, унинг ифодаси таъсирли ва қисқа ("муассир ва эъжоз") эканлигини айтиб ўтишни маъқул билади.

"Мана иккинчи бандида элнинг умидларини эскартиб:

Кенг хаёллар учдими кўкка,
Бутун умидларни ёвларми кўмди,

- деб шарқ халқларининг абадий асирликка кирганлигига инонмоғонини кўрсатиб, ўзининг "хаёлда порлағон" шамининг учишига шубҳалик сўроғи билан айтадир:

Мангу тутқинликка кирдими ўлка?
Хаёлда порлағон шамларми сўнди?

Яна бошқа бир саҳифани очдим. Ҳали ўз адабиётининг борлик-йўқлиги шубҳалик бўлғонларнинг "назарият адабия"ларга узоқлардан мисолларни англамай олғонларга "олий ҳислар" учун ҳали кўб йиллар мисол бўлишига арзийдурғон:

Оч ахир, очликим, кўксингни,
Бир нафас ўзимни унутай.
Унутмоқ бутунлай "ўзлик"ни,
Оҳ, шундан нажотни мен топай.

Деган шу парча кўзимга тушди ва кўр виждонларга лаънатлар ўкудим".¹

Айнан қизғин адабий жараённинг ўзида кўтаринки руҳий ҳаяжон билан ёзилган бу ўткир сатрлар махсус изоҳ талаб қилмайди. Шунингдек, С.Хусайннинг юқоридаги "ваҳима"си ҳам ўринсиздир. Негаки, Вадуд Маҳмуд ўз мақоласида шоир шеърларининг мазмунига ҳам диққатни қаратган, қолаверса, ҳозирги даврга келиб, "илмий марксизм танқиди"нинг ўзи танқидга учради, "буржуа танқиди" эса "реакцион адабиёт", "сарой адабиёти" намуналари каби ўз фазилатлари билан кун сайин илмий-адабий жараён кемтикларини тўлдириб бормокда.

Бироқ мақолада "кўр виждонларга лаънатлар ўкудим" ёки "Ўзбек янги шоирларининг оҳангсиз бўлишини уялмайин сўйлайтурғон оғизларга "Булоқлар" туфурадир" сингари баъзи таъбирлар борки, улар адабий танқид этикасига унчалик мос келмайди. Буни тушуниш мумкин. Негаки, 20-йиллар адабий танқиди, умуман, матбуоти учун бир оз чегарадан чиқиш, бир оз бировнинг шахсиятига тегиш, фикрни гоҳида жиндай кўполроқ ифодалаш ҳоллари кўплаб учрайди ва табиий хусусиятдек

¹ Ўша китоб.

таассурот қолдиради. Мисол. 1925 йилги "Қизил Ўзбекистон" газетаси саҳифаларидаги "Муштум" журнаliga тегишли Жулқунбой ва Ғози Юнус баҳсларида шу аҳвол кўринади. Му-боҳасада "Муштум"(Ж.), "Танқидми, тош отиш?"(Ғ.Ю.), "Шаллақи"(Ж.), "Шаллақи ким?" (Ғ.Ю.), "Ўжар кўр"(Ж.) сар-лавҳалари билан чиқишлар бўлган. Яна бир мисол: 1922 йили "Қизил байроқ" газетаси саҳифаларида А.Қодирий билан матбу-отнинг баъзи масалалари устида тортишган Назир Тўракул ўзининг "Жасорат" номли мақоласини қуйидаги жумлалар билан бошлайди: "Жулқунбой мени сўймоқчи, лекин пичоғи ўтмас; Жулқунбой мени тепмақчи, аммо оёғи қисқа. Нима қилсун бе-чора?!" ва ҳ.к. Хуллас, бунга ўхшаш мулоқотларни ўша давр учун табиий эканига ишонч ҳосил қилган киши В.Маҳмуднинг айрим ножўя лўқмалари ўз даври билан изоҳланишини эсда тутмоғи лозим.

В.Маҳмуд Чўлпон ижоди юзасидан фикр билдира туриб биргина мақола билан чекланиб қолгани йўқ. Унга ҳар вақт диққат-эътиборини қаратди. Бир мақоласида баъзи ёзувчилар-нинг асарлари тилини текшириб, ғайритабиийликни, ўзбек тили табиатига, грамматик, лексик қонун-қоидаларига номувофиқ жиҳатларини, оғир ўқилишини танқид қилади. Чўлпон асарлари тилидаги силлиқлик унга маъқул келади ва уни бошқаларга ибрат учун намуна қилади, кўрсатади. Вадуд Маҳмуд ва Чўлпон орасидаги яқин дўстлик ва ижодий ҳамкорлик муносабатлари хотиралардан ҳам маълум.

Чўлпон Вадуд Маҳмуднинг бадиий адабиётни нозик тушу-нишини қаттиқ ҳурмат қилган, уни "зукко мунаққид" деб билган экан. 20 -йиллар адабий жараёни, адабий-илмий муҳити ва му-лоқотлари хусусида қимматли хотира-мақолалар ёзган Юнус ота Мақсудийнинг ҳикоя қилишича, Чўлпон ўз шеърларининг кўпчилигини Вадуд Маҳмудга юбориб турган, унинг назаридан ўтказиб олишни ёқтирган экан. "Вадуд Маҳмуд эса Чўлпон шеърларига ўз муносабатини айрим қисқа сўзлар ёзиб ифодалар эди. Масалан шеърдаги айрим сўзлар, жумлалар, сатрлар унга ёқмаса ёки маъқул келса, унинг ёнига "юпун", "ғариб", "йўқсул", "қойил-мақом", "нимжон" сингари иборалар ёзиб кўяр ва уларни шоирга қайтариб жўнатар эди. Бу "термин"ларни Чўлпон менга шундай изоҳлаб берган эди:

"Юпун" - ярим яланғоч;

"ғариб" - Бу жумла иккинчи жумла билан боғланмаган;

"йўқсул" - жумла ёки сатрни бошдан охир ишламак;

"нимжон" - ўша сўзда жўшқинлик йўқ;

"қойил-мақом" - шеър бекаму-куст экан".¹

¹ Юнус Мақсудий билан 11.03.93 да суҳбатлашиб, хотираларини ёзиб олган эдим.

20-йилларнинг чексиз хотиралари оғушига сингиб кетган кекса зиёли турли-туман мавзуларда мароқ билан узоқ сўзлайди. Сухбат асносида Юнус ота тўрт букланган қоғозни қўлига олиб, арабий имлода ёзилган бир шеърни оҳангини келтириб ўқиб беради.

Қор туйғулари *

(Ўртоғим В.М.га ҳазил)

Билмадим, осмонда кимлар урушди,
Хавонинг чехраси бирдан бурушди.
Менинг ҳам кўнглимга опшоқ қор тушди,
"Вов Мим"нинг мисқоли салласи каби.

Дерларки: "элингда олма пишадир",
Ёгин йўк: "Деҳқонлар қон йиғлашадир!"
Бу хабар ваҳмидан қаллам ишадир,
"Вов Мим"нинг файласуф "қалласи" каби.

Замҳарир совуқлар кўпуриб - тошди,
Бўронбой ел билан қувлаб - ўйнашди.

Шу "мавсум" чинакам ҳаддидан ошди,
Она тилчиларнинг "палла"си каби...

(2-февраль. 1926 йил, Масков).

Юнус Мақсудий "Вов Мим"нинг Вадуд Маҳмуд эканлигини, шунингдек, айрим сўзларни бундай шархлайди:

1. "мисқоли салла" - юқори сифатли нафис оқ салла;
2. "ишадир" - "шишадир" эмас, бу унга уйғур адабиётининг таъсири;
3. "замҳарир" - қаҳратон қиш, аёз, қаттиқ совуқ дегани;
4. "палла" - а) тортишув, мунозара;
б) палла - вақт, фасл; ёшлиқ палласи, ёз фасли ёки ёз палласи;
в) палла - тарози палласи;
г) ...

Шеърда "палла" сўзи биринчи маънода қўлланилган. Чўлпоннинг Вадуд Маҳмудга бу ўртоқлик ҳазили 1926 йили "Ер юзи" журналининг еттинчи сонида босилиб чиққан. Шеърнинг охирида сарлавҳа юлдузчаси (*) учун шундай эслатма келтирилади: "Бундан аввал "М. ва Ў." мажмуасининг 9-10 сонида В.М.нинг "Қиш сезгилари" деган шеърини, иннакейин унинг "Қаллами кулоҳ?" деган мақоласини топиб ўқиш керак. Ч."¹

Чўлпон эслатган мақолада Вадуд Маҳмуд янги ижтимоий эҳтиёжлар тақазоси туфайли Туркия маданий турмушида юзага келган шароит хусусида ўз фикрларини баён этган эди. Кўшни

¹ Чўлпон. Қор туйғулари. - "Ер юзи", -1926, 7-сон. даги

жумхуриятдаги мусулмонларнинг европаликлар таҳқиридан қутилиш учун шу келгинди - французларнинг пўстига бурканишни истаб, ўзларича тўқиб чиқарган "асрийлик каллада эмас, кулоҳдадир!" деган "ҳикмати"га қарши "ақл ёшда эмас, бошда" деган ўзбек мақолини келтиради. "Мантиқни қарангиз! Салла ўрнига шапка кийилса, оврўпалашилган бўлур эканлар ва оврўпалиларнинг таҳқиридан қутулар эканлар. Бу кўрқоклик эмас, кулунч бир маймунликдир. Бу ақл ва мантиқингиз билан қишдан қандай чиқдингиз? Ўртоқлар?".¹ Муаллиф ўз мақоласида мантиқсиз туюлган айрим уринишларни таҳлил қилиб ана шундай фалсафа юритган эди. Унинг "Қиш сезгилари" деб номланган шеъри эса қўйидаги уч банддан иборатдир:

Қиш сезгилари

1

Оғули совуқ бургач,
Қор тепгилари ургач,
Кўнглим уйи-да чўқди,
Бир бузуқ қудуқ каби.

2

Ғув-ғув эсадир еллар,
Бўронда қолар инлар,
Кўнглим туртина қолди,
Бир бузуқ қвиқ каби.

3

Қор тоғлари юксалган,
Юлдуз-да булутланган,
Кўнглим чўғи-да битди,
Бир сўник уфқ каби.²

Ўрин келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, гарчи В.Маҳмуд адабиётимиз тарихида асосан адабиётшунослик, мунаққидлик билан машғул бўлиб, мақоланавис сифатида танилган бўлса ҳам, гоҳида юқоридагига ўхшаган шеърий парчалар, насрий шеърлар ҳам ёзиб турди. Бу бадий сўз жилваларидан завқ олувчи мунаққидлар учун бегона фазилат эмас. Ҳозир бизда рус адабиётига мурожаат этиш, улардан иқтибослар келтириш ёки қиёслаш бир оз сусайган кўринади. Шунга қарамай биз бу ўринда В.Маҳмуд фаолиятини шаклий томондан бўлса ҳам,

¹ Маҳмуд В. Каллами кулоҳ?. - "Маориф ва ўқитувчи", - 1925, 7-сон.

² Маҳмуд В. Қиш сезгилари. - "Маориф ва ўқитувчи", - 1925, 9-10 сонлар.

машхур рус мунаққидлари фаолиятига ўхшаш жиҳатларини айтиб ўтишни жоиз топдик. В.Белинский танқид ёзиш билан бирга пьеса ва шеърлар ҳам машқ қилган; 1969 йилда Н.А.Добролюбовнинг шеърӣ машқлари тўпланиб Ленинградда чоп этилган; Д.П.Писарев шеърӣ машқларининг қўлёзмалари Орлов шаҳридаги адабиёт музейида сақланади; шунингдек, Н.В.Чернишевскийнинг ҳам бадиий асарлар ёзгани маълум. Бироқ шеърӣят, бадиий ижод улар учун қисматга айлангани йўқ. Гарчи бунга ўхшаш ҳолатлар ўзбек адабиёти тарихида жуда кўп бўлса-да, унинг энг содда мисоли Вадуд Маҳмуд фаолияти эканлигини таъкидлаш лозимдир. В.Маҳмуд шеърлари "Туркистон" ва "Зарафшон" газеталарида, "Маориф ва ўқитувчи" журналида босилган. Элбек томонидан тайёрланган "Тўзал ёзғичлар" тўпламига ҳам киритилган. Вадуд Маҳмуднинг шеърӣ машқлари хусусида гап кетганда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг фожеали ўлимини эслаш ўринли бўлади.

Маълумки, бутун куч-қувватини, умрининг олтин дамларини миллатнинг, ватаннинг порлоқ келажаги йўлида сарф этган улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий ва Байтуллоҳни у билан бирга зиёрат қилиш учун йўлга чиққан бир неча бандани мўмин "жадид, кофир ва тилчи"ликда айбланиб, 1919 йил 25 мартда Қарши шаҳрида ўлдирилган эди. Зиндонда ўлимини кутиб ётган Бехбудий маслакдош издошларига "Васиятнома" ёзиб қолдиради. Уларни маорифга сидқидилдан хизмат қилишга, халқни жаҳолат ботқоғидан қутқазиб, озоқ, эркин ва бахтли кунларга олиб чиқишга даъват этади. "Васиятнома"нинг асл нусхаси сақланиб қолмаган. Аммо унинг моҳиятини ҳавасманд қаламкашлардан бири қуйидаги кўринишда қоғозга туширган: "Эй, Туркистон маорифи ишларида бўлган ўртоқларим ва ўғлонларим! Мен ўзим гарчанд банди бўлсам-да, сизларни эсимдан чиқармайман ва сизларга бир оз васият қилиб ўтаман. Мени севар ўртоқларим! Маним сўзларимни кулоқларингизга олингизлар! Биз икки ойдан бери Бухоро шаҳрида банди бўлиб юриб, охир ўн кундан бери бир ерда (Қарши шаҳрида) бу золимлар қўлига тушиб банди бўлдик. Жадид-кофир отини кўтардик. Сипоҳилар ичида тилчилик отини кўтардик. Бу ердан қутулмоғимиз гумон бўлди. Ўртоқларим Сиддиқий, Айний, Фитрат, Қори ва Ақобир Маҳдум ва ўғлонларим Вадуд Маҳдум, Абдуқодир Шақурий!

Сизларга васият қиламан: маориф йўлида ишлайтурғон муаллимларнинг бошини силангиз. Маорифга ёрдам этингиз! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангиз! Ҳар иш қилсангиз жамият ила қилингиз! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингиз! Биздек маориф қурбонларини

йўқлангиз! Бухоро тупроғига тезлик ила йўл бошлангизлар! Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар! Бизнинг қонимизни золим беклардан талаб қилингизлар! Маорифни Бухоро тупроғида жорий қилингизлар!"¹ Бадиий йўсинда ифодаланган "Васиятнома"нинг асл нусхаси ҳам шундай кўтаринки чақириқлардан узоқ бўлмаса керак. Умуман олганда, Бехбудийнинг хитоблари жавобсиз қолгани йўқ. Туркистоннинг барча шаҳарларида акс садо берди. Абдуқодир Шакурӣ ва Вауд Маҳмуд сингари шогирдлари унинг васиятларига содиқ қолдилар. Устознинг ўзи эса зулм ва ноҳақлик қурбони бўлди.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг миллат озодлиги, мустақиллиги йўлидаги хизматлари, маҳаллий халқнинг золимлар зулми остида эзилиб ётганини сезиб, уни бу фалокатдан қутқазиб мақсадида қилган саъй-ҳаракатлари издошлари тарафидан қадрланди. Масалан, Лазиз Азиззода уни французларнинг Ж.Ж.Руссоларига, русларнинг Ломоносов, Чернишевский ва Писаревларига, татарларнинг Маржонийларига тенглаштириб юксакларга кўтарди.²

Бехбудийнинг фожеали ўлими замондошлари қалбини ларзага келтирди; уйғоқ кўнгиллар изтиробга ботди. Шогирдлари унинг вафоти муносабати билан марсиялар ёздилар. 20-йилларда кўзга кўринган драматург ва журналист Ҳожи Муйин Бехбудий тўғрисида китоб ёзиш илинжида унинг мухлисларига очиқ хат билан мурожаат қилади, хотиралар тўплаш бошлади. Абдулхамид Чўлпон 1920 йили эълон қилган "Маҳмудхўжа хотираси" номли шеърида:

Азиз отам, қўлимдаги гулларни,
Мотам гули бўлғонини билмайсан,
Шодлик гули кўпдан бери сўлғонин
Ер остида пок руҳинг-ла сезмайсан,

деган маҳзун сатрларни битади. Фитрат эса "Бехбудий сағанасини изладим" шеърида қалби чексиз қайғуга тўлганини ифодалаб "Ҳақсизлик шаҳрининг қон ҳидли ели" "гулидан бир япроқ узиб" кетганидан афсус чекади:

Ётувда қизариб турган булутдан
Эзилган кўнглимга мотам ёғадир.
Ҳақсизлик шаҳрининг қон ҳидли ели
Армоним гулидан бир япроқ узиб,
Баҳорсиз чўлларга совуриб қўйди.

¹ Муйин Х. Муфти Маҳмудхўжа ҳазратларининг қандай шаҳид бўлганлиги ва онинг томонидан ёзилган васиятнома.- "Инқилоб", -1922, 2-сон. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталигининг 1988 йил 16 сентябрь сонидан қайта босилган. Нашрга тайёрловчи Ш.Турдиев.

² Лазиззода А. Бехбудий. - "Маориф ва ўқитувчи", - 1926, 2-сон.

Ул нозли япроғим сўлиб, сарғариб,
Йўқсул қолганлардай ҳар ён югурди.

Зехнийнинг "Заволли қуёш" шеъри:

Бир замонлар кўкни ёруб безатган,
Сулув қуёш нега ботдинг сен,

- деган мисралар билан бошланади. Шеърда ёруғ нур сочиб туриши ҳали зарур бўлган "қуёш"нинг ботиб кетишидан куюниш руҳи ҳукмронлик қилади.

Шулар қаторида Вадуд Маҳмуднинг ҳам "Маҳмудхўжа Бехбудий", "Ай, дохий", "Маҳмудхўжа" сарлавҳалари остида бир туркум марсиялари юзага келган эди.

"Маҳмудхўжа Бехбудий" сочма-наسر услубида ёзилган марсия бўлиб, унда муаллиф "Маҳмудхўжа Бехбудий аввал ким эди?" деган савол жавобига унайди:

"Маҳмудхўжа Бехбудий" Туркистон деган ўлканинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа ўзининг Туркистон боласи эканини тушунган бир йигит эди. Шунинг учун у бизга, Туркистонга ҳар нарса эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг янгилик даври тарихинда зийнатлик мумтоз ўрун олишга муносиб бир отдир".¹

Кўриниб турганидек, ҳар бир узун-қисқа жумлада Маҳмудхўжа Бехбудий номи улуғ Туркистон билан ёнма-ён қўйилган. В.Маҳмуд устозини қутлуғ сўзлар билан улуғлар экан, унинг руҳига дуо қилаганини, уни билган ва билмаган барча инсонлар мудҳиш фожеа ва айрилиқ туфайли чексиз қайғуга тушганини мурожаат тарзида айтади. Марсия оҳангида битилган бу сочмадан ҳам ҳар кимга маълум бўладики, Бехбудий замондошлари орасида жуда катта ҳурмат-эҳтиромга мушарраф бўлган зотлардандир; унинг ўлмас ғоялари издошлари учун келгусида асосий дастуруламал вазифасини ўтайди.

"Биз ҳаммамиз санинг болаларинг эрурмиз, санинг тузган планларинг бизим йўлимиздир.

Санинг кўрсатган йўлларингта бизам ишонамиз. Сан бу дунёдан кетган бўлсанг-да, туфрок ичинда кўмулган бўлсанг-да хафаланма!

Чунки гавданг туфрокқа кўмулди.

У, санинг фикринг мақсадинг бизда, бизим юрагимизда ўрун топди.

Бизга санинг гавдангдан фикринг керакли эди.

¹ Маҳмуд В. Маҳмудхўжа Бехбудий. - "Меҳнаткашлар товуши", 1920, 8 - июль.

Сан ўлмадинг ва ўлмассан, яшамакка ҳаққинг бордир!
Яшагин муҳтарам устоз!"¹

"Маҳмудхўжа" деб номланган тўрт банддан иборат иккинчи бир шеърда Бехбудийнинг миллат олдидаги тарихий хизматлари, мудраётган ўлкага нисбатан хитоблари баён этилади. - Мабодо, - дейди сатрлар муаллифи, - сенинг кичкириқларингни бирорта кулоқ эшитмаса, кўрсатмаларингни бирорта кўз кўрмаса, тинимсиз ҳаракатларингни бирорта юрак ҳис этмаса, ундай кулоқ, унақа кўз, бундай юрак гунг бўлсун, кўр бўлсун, туёқлар остида қолсун!

В.Маҳмуднинг яна бир шеърини марсияси қўйидагидир:

Ай, доҳий!

Бу кун дунёда бир маҳшар кўпибдир,
Бу ер юзини титратма тутибдир.
Кўк бўлса, қоп-қоронғу чодини
Бошига ўраган йиғлаб ётибдир.
Кун сайин чиқатурғон қуёш бўлса,
Бу кун чикмай қоронғулик сочибдир.
Мана мадрасалар, юксак миноралар
Бўйинини эгиб таъзим билан турубдир.
Кишиларни демайсизми? Нимага?
Йиғи билан сурон ва оҳ айтадир:
Бугун Маҳмудхўжа Бехбудий ўлмиш,
Шунинг-чун бутун ўзбек куядир...²

Кўриниб турганидек, шеърда маълум бир лаҳзалик вазиятнинг тиниқ тасвири, ғамгин бир манзара бор. Бутун ўзбек миллати куюнади, барча одам ғамгин, ҳатто миноралар ҳам бошини эггандек; қуёш ҳам, осмон ҳам ҳар доимгидек чарағон ва беғубор эмас - юзини айрилиқнинг қора пардаси қоплаган; сабаби - Маҳмудхўжа Бехбудий оламдан ўтган, шаҳидлар силкига тизилгандир.

Хуллас, Вадуд Маҳмуднинг шеърятдаги дастлабки машқлари бевосита ўша оғир айрилиқ ва изтиробли дамларнинг бадиий ифодаси ўлароқ матбуот юзини кўрди.

Вадуд Маҳмуднинг қалами остидан чиққан "Қиш", "Талпиниш" сингари насрий шеърларида лирик қаҳрамон ҳаяжонлари табиат ҳодисалари билан уйқаш тасвирланади. Бундай услуб бир жиҳатдан табиат тасвирига ўхшаб кетса, иккинчи томондан матнда маълум бир рамзий ифода мавжудлигини эслатади.

¹ Маҳмуд В. Маҳмудхўжа Бехбудий.-"Меҳнаткашлар товуши", 1920, 8-июль.

² Маҳмуд В. Ай, доҳий.- "Меҳнаткашлар товуши", 1920, 8-июль.

В.Маҳмуд фикрни образли қилиб беришда ой, қуёш, осмон, юлдуз, қор, сой, тоғ сингари табиатга ҳос унсурлардан фойдаланади. Албатта, бу 20-йиллар ижод аҳлига, айниқса, Абдулҳамид Чўлпон шеърлятига ҳос хусусиятлардан биридир.

20-йиллар адабий жараёнида асосан адабиётшунос - мунаққид сифатида кўзга ташланувчи В.Маҳмуднинг шеърларини адабиёт муҳибининг машқлари, Чўлпондек замондош истеъдодли шоир, санъаткор ижодидан илҳомланиши сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Дарвоқе, Вадуд Маҳмудни ўзига мафтун этган Чўлпон шеърляридаги рубобий оҳанг унинг машқларининг бирида яққол сезилади ҳам:

Кўнгилни овлағон гўзаллар кимлар,
Чаманни гуллари, булбулларими?
Дилимни ўйнатғон у кўзлар имлар,
Билмадим не истар юрак қоними?¹

"Р.М." учун деб номланган шеърдан олинган бу мисралар "Амалнинг ўлими"га ниҳоятда оҳангдошдир.

Вадуд Маҳмуд ва Чўлпон... Даврнинг руҳий-жисмоний азобларини, уқубатларини деярлик тенгма-тенг татиган бу икки сиймо азада ҳам, тўйда ҳам ёнма-ёндыр. "Чўлпонлар маддоҳи" сифати билан ҳар қадамда танқид этилган, ҳақоратларга кўмилган, ноҳақ тухматларга учраган мунаққиднинг холис, таҳсинга лойиқ хизматлари қадрланажак.

* * *

Чўлпондан ғойибона "зукко мунаққид" мақтов ёрлиғини олган Вадуд Маҳмуд Абдурауф Фитрат ижоди хусусида ҳам 20-йиллар адабий жараёни ва адабий танқидчилиги учун, Фитрат ижодининг дастлабки босқичи тадқиқоти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир неча мақола ёзади.

Вадуд Маҳмуднинг фахр билан эслашича ("Муаллим Шакурӣ" хотира-қисса), унинг Фитрат асарлари билан дастлабки танишувига муаллим Абдуқодир Шакурӣ сабабчи бўлади. Муаллим газеталарнинг бирида Туркиянинг таълим-тарбия соҳасидаги янгилликлари хабарини топгач, 1912 йили сафарга отланди. Сафар жараёнида Истамбулда бўлади ва у ерда кўконлик, тошкентлик талабалар қаторида таълим олаётган бухоролик Фитрат билан яқиндан танишади. Фитрат бу даврга келиб, зиёлилар оммаси ва талабалар орасида анча машҳур эди. Унинг "Мунозара", "Ҳинд сайёҳи" номли асарлари ва "Сайҳа" деб аталган биринчи шеърлар тўплами чоп этилган бўлиб, кўлдан-кўлга ўтиб ўта чанқоқлик билан мутолаа қилинар эди. Айниқса,

¹ Маҳмуд В. "Р.М." учун. - "Зарафшон", 1925, 23-февраль.

"Сайҳа"си босқинчилар зулми остида эзилаётган халқни курашга, ватан озодлигига чорловчи кескин шеърларидан таркиб топгани учун унинг Туркистонда оммавийлашишини чор Россияси таъқиқлаб кўяди. Уша пайтларда "Сайҳа"ни тарқатиб, тарғиб қилган киши сал бўлмаса қаҳрамонлик кўрсатган бўлар эди. Муаллим Истамбулдан юртига қайтар экан, Фитрат асарларидан эллик донасини ўзи билан олади ва яширин сувратда чегарадан ўтказишга муваффақ бўлади; сўнгра уларни Бухоро, Самарқанд зиёли ва талабалари орасида тарқатади. Шундай қилиб, муаллимнинг энг яқин ёрдамчиси ўспирин Вадуд Шакурый домланинг ижтиҳоди туфайли Фитрат асарлари билан ошна тутиниш бахтига муяссар бўлади. Шу тарзда бўлажак адабиётшунос - мунаққид Фитрат ижодига қизиқиб қолади ва имкони борича унинг асарларини ўқиб боришга ҳаракат қилади.

XIX аср охири XX аср биринчи чорагидаги адабиётимиз тарихи билан жиддий шуғулланган мутахассислар 20-йиллар адабий жараёнида театр асарлари ва сахнанинг ўзига бағишлаб ёзилган мақолалар салмоқли ўринни эгаллашини, адабий танқиднинг янгича шакли ҳам умуман сахна асарларига тақриз ва танқид ёзиш билан бошланганини таъкидлайдилар. Уша даврнинг маърифатли зиёлиларидан бири Нёъмат Ҳакимнинг "Ўзбек адабиётида танқид ва адабий муҳокамалар" номли мақоласидаги реал тарихий жараён майдонида туриб¹ 19-20 йилларда ёзилган танқидий мақолаларнинг деярлик ҳаммаси театр ва мусиқа ҳақидадир¹ деган мулоҳазаси муайян фактларга таянган асосли фикрдир. Қолаверса, мавзуимизнинг эгаси бўлмиш Вадуд Маҳмуднинг ҳам адабий танқид соҳасидаги фаолияти сахна асарларига, хусусан, Фитрат асарларига тақриз ва танқид ёзиш билан бошлангандир. Унинг мазкур йўналишдаги нишона мақоласи "Чин севиш"нинг сахнага қўйилиши муносабати билан ёзилган бўлиб, 1921 йили "Қизил байроқ" газетасида босилиб чиқади; "Ҳинд ихтилолчилари"га тааллуқли ҳажман каттагина танқидий мақоласи эса сал кейинроқ "Туркистон" газетасида эълон қилинади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, 20-йилларда нафақат шоир, балки иқтидорли драматург сифатида ҳам танилган Фитратнинг "Абомуслим", "Темур сағанаси", "Ўғизхон" сингари қатор тарихий мавзудаги асарлари дунё юзини кўради ва театрларда намойиш қилинади. Улар ўша давр адабий-илмий жамоатчилигининг таҳсинидан ҳам, танқидидан ҳам бебаҳра қолгани йўқ; уларнинг ғоявий-бадиий қиммати, адабиётда, сахнада тутган ўрни хусусида турли фикрлар айтилди. Айниқса, мавзу жиҳатидан муштарак "Чин севиш" ва "Ҳинд

¹ Ҳаким Н. Ўзбек адабиётида танқид ва адабий муҳокамалар. - "Туркистон", 1924, 25-июнь.

ихтилолчилари" тўғрисида анча-мунча мақолалар ёзилди. 20-йиллардаги ўша мақолалар ва айнан асарларининг ўзи Фитратни элга танитиб, қанчалик тез шон-шуҳрат келтирган бўлса, 30-йиллар талвасасида "Фитрат "Чин севиш" ва "Ҳинд ихтилолчилари"ни ёзиш билан миллатчилик ҳаракатини ривожлантириш; миллатчилик мафқурасини кенг ёйишни кўзда тутган"¹ каби сиёсий айбномаларнинг шунчалик тез урчишига сабабчи бўлди.

Фитратнинг адабий фаолиятини шарафлаган, пьесаларини қадрлаган шахслар 20-йиллар адабий жараёнида оз эмас эди. Ўша йиллари Туркистонда кезинган В.Ян ва Б.Пестовскийга ўхшаш мусташирлар ҳар иккала пьесага ижобий муносабатда бўлганлар. Яна, "Чин севиш" ҳақида шоир Чўлпон "Иштирокиюн" газетасида: "Яқинда ўзбек саҳнаси улуғ ва улуғлиги қадар юксак ва гўзал бир томоша (пьеса) кўрди",² деган сатрларни ёзади. Унинг зиммасига асарнинг "ўзи ҳамда йўналиши" хусусида танқид ёзиш вазифаси юклатилган эди. Шунга кўра Чўлпон даставвал "Чин севиш"нинг воқеалари юз берадиган макони, қаҳрамонлари, умуман, сюжети билан қисқача таништиради. Саҳнага чиққан артистларнинг маҳорати ва камчиликларини кўрсатади. Рухсиз чиққан пардаларни танқид қилади; тузуқларини олқишлайди. Чўлпон ёш ўзбек театрининг камчиликлари келажакда тузалиб кетишига умид боғлайди, ишонади. Аммо умид ва ишончга зид ўлароқ орадан бир йил ўтгач, ўзбек театрининг ахvoli ҳақида Вадуд Маҳмуд: "Бошланғич ишнинг кун-кундан тузалиб, яхшиланиб бориши қонун каби бўлса-да, бизнинг ҳамма ишларимиз кун-кундан бузилиб, ёмон йўлга кириб боради. Шу каби театру ишларимизнинг ҳам анча ортга чекилгани бу кун (1921 йил 17 сентябрь куни "Турон" театри саҳнасида ўзбек давлат труппаси томонидан - Б.К.) ўйналган "Чин севиш"даги ҳоллар очик кўрсатади"³, деб ёзади. В.Маҳмуднинг пайқашича, театр томашабинга тўлмайди, томашачилар пьесанинг охиригача ўтиришга тоқат қилолмай залдан чиқиб кетади; театрда маданий ҳордик чиқариш учун шарт-шароит қониқарли даражада эмас, келган киши ундан асабий, жиғибийрон, кайфияти тушкун бўлиб чиқиб кетади, кейинги пайтларда тамошага фақатгина "қилай деса иши йўқ, ётай деса касали йўқ" бекорчиларгина келадиган бўлибди. Хўш, бунга "Чин севиш" айбдорми? Йўқ. Уни кучсиз пьеса деб бўладими? Йўқ! Ундай бўлса гап нимада? Сабаби не? Ҳамма гап - тизгинни ўз қўлларида

¹ Олимжон Х. Фитратнинг адабий ижоди ҳақида. Танланган асарлар, 5 жилдлик, 5-жилд. Тошкент. 1972, 115-116 бетлар.

² Чўлпон. Чин севиш. - "Иштирокиюн", 1920, 25 ноябрь.

³ Маҳмуд В. Чин севиш. - "Қизил байроқ", 1921, 22 сентябрь.

тутиб қолган келгинди бошқарувчиларнинг маҳаллий халқ маданий турмушига ола қарашида, ҳукумат томонидан зарур микдордаги маблағ ва асбоб-ускуналар билан яхши таъминланмаган театрнинг танг аҳволдалигида. Яна бир сабаб - кун-кундан моддий жиҳатдан қийналаётган, баъзида санъат йўлидан воз кечиб тирикчилик ғамида бошқа иш қилишга мажбур бўлаётган артистларнинг ролларига масъулиятсиз ўйнашидир. Бундай "Олий пьесаларни" бузиб, масъулиятсиз ўйнаш натижасида унинг қиймати тушиб, обрўсига путур етиши мумкин. Мақоласининг бошланишидаёқ пьесага: "Ўзбек сахнасида шу кунгача ўйнаб келинган пьесаларнинг энг кучлиси, энг буюғи ўткир ёзувчимиз Фитратнинг ҳинд турмушидан олиб ёзган "Чин севиш" пьесаси эканлигини ҳамма иқроор этса керак",¹ деб баҳо берган Вадуд Маҳмуд асарнинг обрўси тушиб кетишини сира-сира хоҳламайди, театрдаги сахналаштириш билан боғлиқ ўша нуқсонларнинг тузалиб кетишини эса дил-дилдан истайди.

Фитратнинг бу драматик асари театрларда намоёйиш этилаётган бир пайтда драматургнинг худди шу мавзуда, "Чин севиш"нинг давоми дейилса бўлатурғон "Ҳинд ихтилолчилари"ни ёзиб битирган "лигининг"² хабари санъат-театр муҳиблари орасида шов-шув бўлиб кетади. Пьеса 1923 йилда Берлинда чоп этилиб, хабарнинг ростлиги тасдиқланади ҳам.

Юқорида эслатилганидек, худди шу йили Вадуд Маҳмуднинг "Туркистон" газетасида "Ҳинд ихтилолчилари (театр китоби, А.Фитрат асари)" сарлавҳали мақоласи босилади. Илмий асарлар илмий, таълим-тарбия асарлари ахлокий, адабий асарлар санъат нуқтан назаридан текширилиши лозим. Бу ишни адабиётшунослик, яъни "интиқод-танқид" амалга оширади, "Танқид - дудам, ўткир бир ханжар бўлмоғи керак,- деб ҳисоблайди Олимжон Иброҳимов. - Бу ханжарнинг бир ёғи асарнинг ичидаги жавоҳиротини қазиб чиқарса, иккинчи ёғи унинг пуч ва чирикларини топиб кўрсатадир". В.Маҳмуднинг адабий танқидга қарашлари татар маърифатчисининг ушбу образли мулоҳазаларига яқин келади. Унинг фикрича, "интиқод-танқид камчиликларни тўлдирмок, тузуқларини билмок-танимок учун бир қуролдир".

Мунаққид "Ҳинд ихтилолчилари" танқидига ана шу қуролни ишга солиш ниятида қўл уради. Хўш, у ўз олдига қўйган мақсадини адо этишда асосий текширув мезони қилиб нимани олади? Синфийликми, партия қарорларими ёки коммунистик ғоя тарғиботи? Хайриятки, йўқ! Бундай жарроҳлик қуроллари кела-

¹ Маҳмуд В. Чин севиш. - "Қизил байроқ", 1921, 22 сентябрь.

² Ўша китоб.

жакда ишга тушади, уларнинг адабиёт майдонида гегемонлик қилиш кунлари ҳали олдинда. Ҳозирча Незмат Ҳаким айтганидек, "нафис асарларни танқид этишда уларни ижтимоият, руҳият, нафосат томонларига қараб текшириш" ҳам мумкин. В.Маҳмуднинг драмага ёндашувида ана шу мезонлар бегоналик қилгани йўқ. У асарга олим ва санъаткор кўзи билан қарайди. "Ҳинд ихтилолчилари"даги бадий ҳақиқат, образлар ва воқеалар мантикийлиги, тил ва характер масалаларини текширади. Мунаққид пьесанинг ютуғи тарзида "зарбмасал ўрнига ишлатмак мумкин бўлгон" куйидаги пурмаъно жумлаларни келтиради:

"Юрак - юрак экан, севмак - севилмак истар", "Севгисиз қолгон юрак сувсиз қолгон балиқ кабидир", "Кулай ишдан буюк унум чиқмас, буюк унумли ишлар кулай бўлмас"; "Бир ёвни юртдан ҳайдамоқ, бир юртни ёв қўлида кўрмоқдан қийин эмасдир"; "Шу Куръон бетига ҳайвон оёғи тегмак на эрса, ҳинд қизининг юзига инглиз кўзи тушмак ҳам шудир". Бу каби файласуфона жумлалар "Ҳинд ихтилолчилари"ни талқин этган барча олимларнинг диққатини ўзига жалб этди. Драманинг ўша нафис ва гўзал, серҳикмат ва ёркин ўринларини назарда тутган В.Маҳмуд "Фитрат асарларининг бир ортиқлиги унинг энг юксак ва энг мукаммал ташбеҳ, муболаға ва истиораларга эга бўлишидир"¹ деган хулосани айтади. Биринчи пардадаги камчилик қилиб Лолаҳардиёлнинг Раҳимбахш ва Дилнавозлар суҳбати устига тасодифан келиб қолиши ҳамда оддий бир камбағал ҳинд деҳқонининг ўз дунёқарашига мувофиқ келмайдиган инқилобий гапларни айтиши мантиқан асоссиз эканини кўрсатади. Ҳақиқатан, Фитрат оддий бир ҳинд деҳқонига "шу кетмон билан инглиз бошини эзмасак, ҳеч ким ташқаридан келиб бизни қутқармас" қабилдаги олий тушунчаларни сўзлатиши деҳқоннинг турмуш тарзига ҳам, ўй-хаёлига ҳам, ҳаёт ҳақиқатига ҳам тўғри келмайди. Чунки бу ҳақиқатни ҳалигача миллатнинг зиёли қатлами англаб етганича йўқ, ҳалигача улар мудроқ уйкуда экан, хўш, қандай қилиб содда бир деҳқон англасин уни? В.Маҳмуд ўз танқидий қарашларини мантиқан шундай далиллайди. У пьесадаги мулла-мударрис образини энг яхши тип ҳисобласа-да, характерида содир бўлган ўзгаришларнинг психологик-руҳий жиҳатдан асоссиз эканини танқид этади. Оддий ихтилолчилардан бири Абдусуббуҳ томонидан Мавлоно Нуъмонга қаттиқ танбеҳ берилади: "Сиз муллалар туташ шундай қиласиз. Ҳиндистонни йилларча эл-аймоқ жанжаллари билан тўлдирдингиз. Улусни етмиш тўрт бўлак қилдингиз. Ҳар бўлакни бошқаларга ёв этдингиз. Ўлкамизни ички жанжаллар билан тўлдирдингиз.

¹ Маҳмуд В. Ҳинд ихтилолчилари. - "Туркистон", 1923, 19 октябрь.

Шундай қилиб англизни бошимизга келтирдингиз. Юз йиллардан кейин биз ўзимизни кутқармоқ учун бош кўтардик, бирлашдик, қутулмоқ истадик. Яна мазҳаб, дин жанжаллари билан йўлимизни тўсмоқчи бўласиз! Уялингиз, эркимизга тирноқ урмоқчи бўлгонларга қаршу чуқурмиз. Кўлга-кўл бериб курашурмиз. Бизни бу йўлдан сиз-да, динда қайтара олмас".¹ Абдусуббуҳнинг бу гапларидан Мавлоно ҳеч таъсирланмайди. Аниқроғи, муаллиф уни жим кўяди, ҳеч бир баҳс, конфликтни юзага чиқармайди, шарият доирасидаги фикрларни ҳам анча юмшоқ, ялинчоқ оҳангда айттизади. Мунаққиднинг кузатишича, шундай ўринларда Фитрат "табиийликдан чиққан"дир.

Фитрат ўз асарларида ғоявий мақсадни тезроқ ифодалаш орзусида англиз ҳарбийларини бепарво, лоқайд, анқов кишилар қилиб тасвирлашини ҳам В.Маҳмуд хуш кўрмайди. Драматик асарларда ҳаракатидан унинг табиатидаги яхши-ёмон фазилатлар намоён бўлади. Пьесада оғир, вазмин ҳаракат қилишлари лозим бўлган мустамлакачи англиз ҳарбийлари "хўш" деб ўриндиғини илгари суриб, оддий ҳаракат кўрсатади. Уларнинг содда суҳбатлари, енгил-елпи ҳаракатлари мунаққиднинг дидига маъкул келмайди. Умуман олганда, Ваҳуд Маҳмуд пьесанинг ҳар бир пардасидаги ютуқ ва камчиликларни эринмасдан бирма-бир таҳлил этиб чиқади. Асар тилига диққатини қаратиб, унинг оғир ўқилишини танқид қилади, ёзувчининг камчилиги ҳисоблайди. "Шундай бўлса ҳам, Фитрат ўзбекчани иккинчи қатла тиргизди... Кўб сўз ва истилоҳларни умумлаштирди".² Замондошлари унга эргашди, ўрناق олди.

Мунаққид ўз мақоласининг охирида эса шундай ёзади: "Хулоса: "Ҳинд ихтилолчилари" бизнинг адабиётимизда биринчи ўрунни тутадургон асарлардандур. Мукамал тасвирларга, истиораларга, муболағаларга, бой асардир, Фитрат адабиётимизда ишқ ҳаяжонларини яхши тасвир этадургон бир муҳаррирдир. Унинг ҳар асарида шу ишқ ўрунлари юксак маъноларга бойдир. Турлик хуш маънолар, энг яхши ўрунларга келтирилган лутфлар кўбдир. "Мен учун эзгулик тушда" ва "биз Оврупадан эм истаганлардан эмасмиз" кабилар шулар жумласидандир. Асарнинг 4нчи пардасининг бошидан 3 бети олинса бошқа ҳаммаси фақат шу воқеани майдонга келтирмак учун бир ерга тўплангон кишиларга ўхшайдир. Яъни воқеа атрофлича бир оз маишатга яқин ёзилгон эмас. Агар шу камчилик тўлдирилса, ҳам пардаларнинг қисқалиги етган бўлса ҳам ҳақиқатан ўйнашга энг мувофиқ ва фойдалиқ бир асар чиқар".

¹ Фитрат. Ҳинд ихтилолчилари. - "Шарк юлдузи", - 1990, 4-сон.

² Маҳмуд В. Ҳинд ихтилолчилари. - "Туркистон", - 1923, 19 октябрь.

³ Ҷша мақола.

Вадуд Маҳмуднинг бу мақоласи Фитрат ижоди таҳлилининг дастлабки босқичи - 20 йилларда "Ҳинд ихтилолчилар" драматини энг тўғри талқин этган асар сифатида қимматлидир. Унда шахсий манфаатларга ён бериш қайфияти йўқ. Асарнинг мақтовга лойиқ жиҳатлари улуғланади, камчиликлари ҳам кўрсатиб ўтилади.

Балки мунаққиднинг ана шу мувозанатни сақлай билиш фазилати бу кун айрим тадқиқотчиларга ибрат бўлар. Негаки, бугунги кунда адабиётшунос ва мунаққидларнинг аксарияти Фитрат асарларига санъат намунаси тарзида қарамай, бадиий ва умуминсоний нафис мезонлар билан ёндашиб, конкрет тарихий шарт-шароит ва ҳозирги юксак эстетик талаблар нуктаи назаридан туриб ҳолис илмий баҳо бериш ўрнига ҳамдардлик билдириш ёки унга ҳамду сано айтиш тарафига ўтиб олгандек таассурот қолдиради. Фитрат ижоди ғайритабиий ҳомийликка муҳтож бўлмаганидек, сунъий мақтовларга ҳам эҳтиёжманд эмас. Шубҳа йўқки, ўшанга ўхшаш илмий йўналиш ўзини оқламайди, негаки, ҳақиқат бирёклама талқинларга ёт тушунчадир.

Илмий изланишлар жараёнини бошидан кечираётган Вадуд Маҳмуд шундай принципиал мақолалар ёзиб, ўзига хос тарзда шаклланаётган илмий-эстетик тамойилларини намойиш эта борди. У мунаққид бўлиб танилар экан, адабий жараёнга сергаклик билан назар ташлайди. Лозим топса, ўз фикрлари билан матбуот майдонида чиқишлар қилади. Ўзи англаган ҳақиқатга соя ташловчи мақолалар, нотўғри талқинларни кўрганда баҳсга киришади. Шундай шиддатли ва давомли баҳслардан бири Абдурахмон Саъдий билан унинг ўртасида бўлиб ўтади.

А.Саъдий 1924 йилда "Ўзбек ёш шоирлари" сарлавҳаси билан адабий танқид ёзган бўлиб, унинг иккинчи қисми Чўлпонга, дастлабки қисми эса Фитрат ижодига тааллуқли эди. В.Маҳмуднинг ўз таъбири билан кескинроқ қилиб айтганда, "А.Саъдий мақоласини биринчи қатла кўздан кечирганда фахш хатолар"ни кўради ва унинг "Адабий танқидга бир назар" номли мақоласи шунга жавоб тариқасида юзага келади. Ҳозирги замон адабиётшунослиги илми назари билан қараганда ҳар иккала мақолада ҳам баҳсталаб ўринлар топилади. Аммо А.Саъдий Фитрат ижодини жиддий текширмай, ҳатто қайси асари қачон ёзилганини аниқламай "Фитрат ижоди 1917 йил февраль инқилоби билан бошлангандир" деб фактик хатоликка йўл кўяди.

"Ҳар ҳолда Фитратни шоир ва адиб ўлароқ Туркистон 1910 нчи йилдан бери танийларким, ўшал вақтларда унинг ёзган шеърлари ҳатто ёзма ҳолда кўлдан-кўлга юрар эди,- деб эътироз билдиради В.Маҳмуд А.Саъдийга. - ҳали бу ҳам нари турсин, Болқон уруши вақтида Фитратнинг айтган марсияси ёлғиз Тур-

кистонда эмас, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонларга тарқалиб, нечта тилларда дoston бўлғони ҳар бир туркистонликка очикдир. Фақат шугина Фитратнинг қандай ва қачон танилғонини кўрсатишга етса керак".¹ Хуллас бу фактлар масаласида А.Саъдийнинг ўжар тахминларига нисбатан В.Маҳмуднинг "назари" ўткирроқ, далиллари асослироқ эди.

Мақолада А.Саъдий уйғониш даври - "ўғитчи ёзгувчилар"дан бири Абдулла Авлоний шеърларига муносабат билдириб: "Унинг тизмаларидан сиз қанча шеър изласангиз, шунча фикр ҳам ваъзага учрарсиз, ундан ҳамон бол ўрнига қора нон сярсиз"², дейди. Бунга жавобан В.Маҳмуд: "Бу нима демакдир? Сизнинг-да шариат деб қичкириб юрган вақтларингиз, дин отидан халқни илм ва маорифга ташвиқ қилғон кунларингиз йўқми эди; Бу уятмидир? Сизнингча, у даврнинг шоир ва адиби бу куннинг материалли - марксистчами муҳокама этсинлар эди?! Сизга бу кун қора нон кўринган нарса ўз вақтида бол эмасми эди?"³ деб ёзади. Шу билан бирга у "рақибга" ҳар бир воқеа-ҳодиса тарихий давр билан боғлиқликда текширилиши лозимлигини, ҳар бир воқеа-ҳодиса илдизларини ўша замоннинг "ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидангина ахтариш керак"лигини ҳамда маълум бир шоир текширишлар экан, бир оз шеърнинг моҳиятига сингиб кириш, шоирнинг руҳини тушиниш ва унинг ҳаёт йўлини бир оз ўрганиш ҳам зарурлигини эслатиб кўяди. А.Саъдий мақоласининг умумий руҳида танқид қилишга мойиллик кучли. У Фитратни деярлик шоир ҳисобламайди, файласуф сифатида билишни истайди; ҳикоя ва пьесаларида муайян тип йўқлигини, шеърлари вазнсиз, оҳангсизлигини, "услуги суюқ, тили кўб сўзлик ва оз маънолик" эканини танқид қилади, заиф далиллар келтиради. В.Маҳмуд эса Фитрат ижодини ана шундай ноўрин танқидлардан ҳимоя қилади. Танқид этилган шеърларни ўзига хос тарзда чиройли таҳлил этиб беради, А.Саъдийнинг шеърни яхши ҳис қилмаслиги форсча-арабча ибораларни тушунмаслигини айтади. В.Маҳмуд мубоҳасодоши учун қуйидаги хулосани ёзади:

"Биринчидан, бу бир адабий танқид эмасдур. Чунки бунда "адабий" маъно отидан ҳеч бир нарса йўқдир. Тилни, ҳаётни, руҳни ва асосан шеърни тушунмай юритилган фикрларни адабий деб атамоқ муносиб эмасдур. Шу эътибори билан бу илмий нарса ҳам эмасдур.

¹ Маҳмуд В. Адабий танқидга бир назар. - "Туркистон", - 1924, 22 - январь.

² Саъдий А. Ўзбек ёш шоирлари. - "Туркистон", - 1923, 10 - декабрь.

³ Маҳмуд В. Адабий танқидга бир назар. - "Туркистон", - 1924, 22 - январь.

Иккинчидан, бу "танқид" ҳам эмасдур. Бу бир сўкишдир. Бир муни "ғунчаси очилмаган ҳакам", "Истамбулнинг соя фоларида юрган" каби таъбирлар билан юритилган бир муҳокама танқид эмасдур.

Учинчидан, бу ёзувда усул бузукдир. Ижтимоий ҳодисаларни материалист усул билан текширмаслик тўғри фикрни топа олмасликдир¹.

Ҳар иккала мақола мазмунидаги муҳим нуқталар асосан ана шулардан иборат. Бундаги талқинларимиз билан биз Вадуд Маҳмуд тарафга ён босаётгандек таассурот бераётган бўлишимиз мумкин. Хўп. Савол қўйлик-чи: Хўш, В.Маҳмуд ўз қарашларида юз фоиз ҳақмиди? А.Саъдийнинг тўғри фикрлари йўқмиди? А.Саъдий мақоласи қоп-қораю Фитрат ижоди ёки. В.Маҳмуд мақоласи бенуқсон, оппоқми? Мабодо, нисбатан қатъийроқ қўйилган сўроқларга кескинроқ қилиб тасдиқ жавоби берилса, яна биз талабида бўлган илмий ҳақиқат ва ҳолислик четлаб ўтилиши, юракларни безиллатиб қўйган оқ ва қора рангагина дуч келиниши мумкин. Такрор айтамикки, зеро, ҳақиқат баҳсларда туғилса ҳам, бирёқлама талқинларга ёт тушунчадир.

Келинг яхшиси, шу икки мунаққид "чўкишиб олган" жараён гувоҳи бўлган Незмат Ҳакимдан бир жумла эшитайлик: В.Маҳмуд "А.Саъдийнинг Фитрат ҳақидаги кўпгина сўзларини тан олмасликка тиришади. Вадуддан эмас, Фитратнинг ўзидан сўролғонда ҳам ул ўзи Саъдий ёзгонларининг баъзиларини тан олар эди".²

Ҳақиқатан ҳам В.Маҳмуд "кўпгина сўзларни" тан олмади. Тан олиши мумкин бўлган "баъзилар" хусусида сўзлашни истамади. Бир оз шиддатланди, бир оз қизишди. Бу билан у А.Саъдийга нотўғри танбеҳ берди ёки дохийларнинг машхур ибораси билан айтганда, мағзавага кўшиб тоғорадаги болани ҳам итқитиб юборди, "рационал мағиз"дан юз ўгирди деб айтиш осон эмас. Негаки, мунаққиднинг илмий ҳақиқат талабидаги йўналиши мантиқан жуда тўғри, эътироз ва танқидлари ўринли, фактлари кучлидир. Ўйлашимизча, у А.Саъдийнинг айрим ижобий фикрларини ҳам инобатга олиши керак эди. Чунончи, "Қиёмат"нинг тили силлиқ-равонлиги хусусидаги илиқ сўзларга, шоирнинг "Бехбудийнинг сағанасини изладим", "Аччиғланма деган эдинг", "Миррих юлдузига", "Қор" ва "Шарқ" номли тизмаларини шеър ҳисоблаш мумкинлиги борасидаги илтифотига ишора этиб ўтиши лозим эди.

¹ Маҳмуд В. Адабий танқидга бир назар. - "Туркистон", 1924, 22 январь.

² Ҳаким Н. Ўзбек адабиётида танқид ва адабий муҳокамалар. "Туркистон", - 1924, 25 июнь.

20-йилларда А.Исмоилзода ва А.Саъдий миллият юзасидан, Жулкунбой ва Назир Тўрақулов матбуот хусусида, Жулкунбой билан Ғози Юнус "Муштум" журнали ҳамда сатира ва юмор ҳақида, Абдурауф Фитрат ва Неймат Ҳаким, Элбек ва Зеҳний ўзбек тилининг назарий асослари устида баҳс-мунозарага киришган эдилар. Бу давр матбуоти саҳифаларида бунга ўхшаш турли масалалардаги баҳслар кўплаб учрайди. Уларга ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. А.Саъдий билан В.Маҳмуд ўртасидаги адабий-илмий тортишув эса 20-йиллар адабий танқидчилигидаги адабий баҳс жанрининг энг типик намунасидир. Унда баҳслашувчилар бири иккинчисини аёвсиз танқид қилади. Ҳар бири ўзига маъқул ва маълум бўлган илмий фактларни фикр исбот учун далил қилиб келтиради. Гарчи мақолаларда бир оз шахсиятга тегиш, баъзида ўринсиз ибораларни қўлаб баҳслашув этикасини бузиб кўйиш ҳоллари мавжуд бўлса-да, бу 20-йиллар адабий жараёнидаги илмий мунозаранинг бир кўриниши эди. Ҳар икки шахснинг ҳам нияти ҳолис. Ҳар икки муаллиф ҳам илмий ҳаётдаги чалкашликларга барҳам бериш, ўзбек адабиётининг, ўзбек адабий тилининг, "сарт", "чигатой", "ўзбек" каби атамаларнинг тарихини терафқор ёритиш сингари яхши ниятни кўзлаб кўлига қалам олганлари мақола матнидан аниқ сезилади.

Қолаверса, бу мақолалар ҳар иккала мунаққиднинг ўзига хос ижодий услубини, адабий фактлар ва хусусан сўзга масъуллигини, айниқса, 20-йиллар адабий танқидчилигида одатга айланган адабий мубоҳаса жанрининг имкониятларини намойиш этишда муҳим аҳамият касб этади.

20-йиллардаги ижод аҳлининг айнан индивидуал ижодий услуби хусусида гап кетганда ўша давр матбуоти учун мақолаларни деярлик редакциянинг таҳририсиз, муаллифнинг қалами остидан чиққан ҳар бир сўз, ҳар бир жумла ўз ҳолича эълон қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз бўлади. Матбуотда мақолаларнинг бундай эълон қилинишининг муҳим томони шундан иборатки, муаллифларнинг ижодкор сифатидаги қиёфаси ва билим даражаси аниқ кўринади. Аммо масаланинг иккинчи томони бор, матнда айрим номаъқул ибораларнинг ўтиб кетиши, кимнингдир шахсига тегиши мақолаларнинг ортиқча чўзилишига, бир мавзу доирасидан чалғиб бошқасига ўтиб кетишига сабабчи ҳам бўлади.

А.Саъдий билан В.Маҳмуднинг кейинги "Адабий-тарихий саводсизликка қарши" ва "А.Саъдийнинг саводи" мақолалари бунга мисолдир.

Умуман олганда, Валуд Маҳмуднинг 20-йиллар адабий жараёни билан боғлиқ фаолияти тадқиқ қилиниб шунга амин бўлиш мумкинки, у мунаққид сифатида ўз даврининг энг истеъдодли

ижодкорларига юксак баҳо берди. Ўзига хос услуби ва таҳлил йўсинлари билан бошқалардан ажралиб турди.

Муҳим хулосалардан бири шуки, Вадуд Маҳмуд 20-йиллар адабий-илмий жараёнидаги барча илмий муаммоларга ўз муносабатини билдира олмади, имконсиз қолди. Айниқса, адабиёт илмидаги метод ва илмий тамойилларни системалаштириб, маълум бир йўналишни таклиф қилишга улғирмади. Аммо ўзи олим сифатида шаклланар экан, адабий танқидни "ҳаракатдаги эстетика" (В.Белинский таъбири) деб тушунди. Ижод эркинлиги кишанланган муҳитда маҳдудлик адабиёти пайдо бўлиши ва унинг маънавиятни турғунлаштирувчи, тубанлаштирувчи салбий оқибатларини ҳис этди.

Хуллас, Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллар адабий жараёнига фаол аралашгани, ҳақ гаплари учун кейинчалик ноҳақ туҳматларга қолгани, истеъдодли ижодкорларга холис илмий баҳо бергани, шарқнинг шарқона жамоли, юртнинг саодати, миллатнинг камоли учун жон куйдиргани айни ҳақиқатдир. Ўз мақолаларида чуқур илмийликка, баҳсларида инсоний одиллик ва холисликка интилгани мунаққиднинг ўзига хос тоза маънавий дунёсининг ёрқин манзарасидир.

Вадуд Маҳмуд ижодиётидаги бу ажойиб хусусиятлар адабий мерос хусусида ёзган мақолалари асосини ҳам ташкил этади.

П Б О Б. АДАБИЙ МЕРОС ВА МИЛЛИЙ ТАФАККУР

"Бир ёй ўқи отатурган вақтингизда ипини кетга қанча кўб тортиб сўнгра қўйиб юборсангиз, ўқ ҳам ўшанча узокқа кетар, суръати ҳам кўб ўлур. Бунга ўхшаш такомил ва талаққий йўлчилигида мозийга қанча тисланиб, тарихингизга қанча орқа бериб сўнгра ҳаракатлансангиз, шунча кўб суръат билан илгарига йўл ола биласиз".¹ 20-йиллардаги таниқли зиёлилардан бири Шохид Эҳсоннинг бу образли гаплари "Ўтган кунлар" муқаддимасида "Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар" дегувчи улуг ёзувчининг машхур сўзларига ниҳоятда ҳамоҳангдир.

Тарих миллатнинг ўтмиши, тараққиёти ва таназзулининг сабабларидан баҳс юритади. Хусусийлашган тарих маълум бир миллатнинг фожеа ва ғам-ғуссаларидан сўзлайди; ғурур ва фахрифтихор туйғуларини ўзида жамлайди. Бир сўз билан айтганда, инсоният бошидан ўтган тарих хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон, аянчли ёки фахрли, оддий ёки зиддиятли бўлишидан қатъи назар миллат истиқболи учун ибрат китобидир.

¹ Абди Шохид Эҳсон. Биз ва маориф. - "Ҳақиқат", - 1922, 1-2 сонлар.

Ҳа, Абдулла Қодирий миллатнинг яқин ўтмишидан ҳикоя қилувчи романлар яратди; ўша ибратли китобнинг бирор саҳифасини ўқиб берди. Абдурауф Фитрат бадий ижод йўналишида мозийга тисланиб, ўзининг тарихий драмалари билан хайрлик ишлар қилди. Умуман олганда, 20-йиллар бадий адабиётининг мозий билан мулоқоти, тарихга мурожаати ана шундай юксаклик касб этган эди. Илмий соҳада-чи? Айнан адабиётшунослик, адабий танқид олдида қандай муаммолар бор эди? Қанақа вазифаларни амалга ошириш лозим эди? Албатта, 20-йиллар танқидчилиги дикқат марказида турган асосий проблемалардан бири - маданий меросга муносабат масаласи бўлди.

"Халқнинг фаробийлари, хоразмийлари, берунийлари, синолари, навоийлари, машраблари бор эди. Лекин улар яратган ҳаётбахш китоблар асрларнинг тоқчаларида қимирламай ётар эдилар. Улар яратган улуғвор тафаккур меваларидан самара олиш учун халқнинг юрагида миллий ғурур чироғи бўлиши керак эди. Миллатнинг тенгсиз замини бор эди, лекин бу замин узра юрганлар чироғсиз эдилар".¹ XX аср бошида рўй берган маънавий уйғониш, ижтимоий ўзгаришлар халқ зиёлиларининг қўлига ўзликни англаш, ўз миллатининг кадр-қимматини кўтаришдек замонавий маърифат чироқларини тутқазди. Улар бу чироқ билан ўз даврини ва келажакни, шунингдек, шарафли ўтмишни ёритиш имкониятига эга бўлдилар. Аниқроғи, бу давр эҳтиёжи ҳам эди. Адабиётшунос мунаққидлар ўз соҳаларида бу эҳтиёжни амалга ошириш учун классик адабиётнинг қадимий қўлёзмалари ичига шўнғиши, шўнғишлари учун изланишлари зарур эди. Шундай қилинди ҳам, Адабиётчилар зиммасидаги адабий меросни даврнинг маънавий мулкига айлантириш, ўтмишдаги буюк сиймоларни элга танитиш, асарларини кўп нусхада жорий имлода қайта нашр этиш каби ўнлаб масалаларни ҳал этишдек ғоятда масъулиятли ва мураккаб вазифалар турар эди. Бу ишларнинг хайрлилигига, улуғлигига шубҳа йўқдир. Аммо мураккаблик нимада? Айтиш мумкинки, вазифалар ижросида 20-йиллар бошидаги аҳвол билан 30-йиллар арафаси ва ундан кейинги манзара бир хилда эмас. Дастлаб миллатнинг машҳур сиймоларини улуғлашга, уларни халққа танитишга ҳеч қандай монъелик қилинмади. Масалан Аҳмад Яссавий ёки имом Ғаззолийни ҳеч ким "таркидунёчи", "бадбин шоир", "реакцион руҳоний" деб жар солмади. Улар хусусида А.Саъдий ва Фитратга ўхшаш олимлар баҳоли қудрат мақолалар битди. Улар матбуотда босилиб ҳам чиқди. Шунингдек, Яссавий мактаби шоирлари, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,

¹ Ғофуров И. Лириканинг юраги. Тошкент, 1982. 146 - бет.

Фузулий, Нодирахоним, Турди, Муқимий каби ўнлаб шоир ва шоиралар ижоди тўғрисида мақолалар газета ва журналларда эълон қилинди.¹ Даврнинг сиёсий талаб ва тазйиқлари дастлаб кўнгилдагидек йўналаётган илмий изланишларни, хайрли ишларни чигаллаштирди. Адабий меросни ўрганиш ва талқин этиш масаласига марксча-ленинча методологик таълимот татбиқ қилинган, илмий изланишлар мураккаблашди, масала анча жўнлашди. Чунки унинг назарий асосида қуйидаги "дохинена" кўрсатма фикрлар бор эди: "Ҳар бир миллий маданиятда, гарчи ривожланмаган бўлса ҳам, демократик ва социалистик маданият элементлари бор, чунки ҳар бир миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилувчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни туғдиради...

Биз "демократизм ва бутун дунё ишчилар ҳаракатининг интернационал маданияти" шиорини майдонга қўйиб, ҳар бир миллий маданиятдан фарқли унинг демократик ва социалистик элементларинигина оламиз, биз уларни фақат ва мутлақо ҳар бир миллатнинг буржуа маданиятига, буржуа миллатчилигига қарама-қарши қўйиб оламиз".² Шундай талаб ва кўрсатмалар остида "буржуа" ва "миллатчи" сифатловчи-аниқловчилари ўзларига муносиб сифатланмишлар ёнидан ўрин олди, "демократик ва социалистик элементларга" нисбатан оппозицион кутбни эгаллади. Шундай қилиб, авлод-аждодларимиз, ота-боболаримиз маънавий оламининг мажзуб хотиралари оққора, яхши-ёмон, фойдали-фойдасиз сингари тур ва рангларга ажратила бошланди. Бу ғайритабиий, ғайриилмий жараён 30-йилларнинг бошларига келиб авж пардасига минди. Социалистик жамият ва ундаги бир хил қолипда фикрлаши шарт бўлган жамоа учун шахс тушунчаси бегоналик қилганидек, илоҳий туйғуларни тараннум этган асарлар ҳам ортиқчалик қилди. Мумтоз адабиёт бисотидаги илоҳий нурлар ёғдусидан шувлаланиб турган асарлар дохийларнинг таълимотига биноан танқидий кўз билан қарала бошланди. В.Лениннинг Бутунроссия комсомолларининг 1920 йили III курултойида пролетар маданиятини башарият вужудга келтирган маданиятни аниқ билиш ва адабий меросни қайта ишлаш натижасида юзага чиқариш мумкинлиги хусусидаги фикри оммалашди. Айниқса, адабий меросни "қайта ишлаш" деган тушунча айрим адабиётчилар қўлида дастак бўлди. Энди қадим-қадимларда яратилган

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Юнусов М. Барҳаёт мерос саҳифалари. Тошкент, 1986. "Адабий меросни ўрганиш тарихига доир" қисми.

² Ленин В.И. Адабиёт тўғрисида. Тошкент, 1958. 218 - бет.

гўзал санъат намуналарини иккига ажратиш, пролетар адабиёти билан ёнма-ён кўйиш мумкин бўлганларини улуғлаш, бошқачасини танқид остига олиш лозим эди.

20-йилларнинг шундай мураккаб, "чигал маънавий муҳитида" (У.Норматов таъбири) маданий меросга турли муносабатлар пайдо бўлди.

"Ўзбек совет адабий танқиди тарихи" китобида уларнинг икки асосий йўналиши - вульгар социологик ва маърифий-илмий йўналишлари ажратиб кўрсатилган. Унда А.Саъдий, А.Мажидий, Айн (Олим Шарафуддинов), Боту каби ижодкорларнинг маърифий-илмий йўналишга мансублиги, гарчи, Фитрат, Саъдий ва С.Айнийларга ўхшаш қатор "катта авлод вакиллари ўзлари марксист бўлмаса ҳам, марксистик методологиядан узок бўлсалар ҳам адабий меросни тарғиб қилишда яхши фаолият" кўрсатгани, "вульгар социологик руҳдаги хатолар кўпроқ Ж.Бойбўлатов, В.Махмуд, Олтой, Зиё Саид, З.Башир, Ю.Латиф сингари адабиётчиларда" учраши таъкидлаб ўтилади.¹ Китобда Юнус Латифнинг ғайриилмий қарашлари исботи учун "Пролетар адабиёти" мақоласидан олинган: "XV асрдаги адабиёт-сарой адабиёти бўлиб, ўша вақтдаги шоирлар феодал синфининг куйчилари эдилар... Инқилоб эски адабиётнинг сохтакорли эканлигини очиб берди",² деган фикри келтирилади. Ж.Бойбўлатовнинг "Ўзбек адабиёти ва чигатойчилик" номли мақоласи классик адабиёт намуналарини инкор этишдан, улар янги пролетар адабиёти учун пойдевор бўла олмаслигини таъкидлашдан иборатдир.

Муаллиф ўз мақоласида: "Чигатой нафис адабиёти мазмун жиҳатидан тасаввуфлик билан, шакл жиҳатидан араб ҳам форслик билан суғорилган. Шунинг учун Фитрат ва Ҳошимовларнинг бу мажмуани ("Ўзбек адабиёти намуналари" назарда тутилади - Б.К) ўзбек пролетар адабиётини тузиш учун негиз қилиб тақдим этишга уринишлари жуда муваффақиятсиз ҳам кучсиз бир нарсадир...

Ҳошимов ва Фитрат талқин қилган "Ўзбек адабиёти намуналари"нинг зарари ҳақида алоҳида сўзлаб ўлтиришнинг кераги йўқ",³ деб ёзади.

Шу тарзда унда "Ўзбек адабиёти намуналари"ни юзага чиқарган А.Фитрат ва О.Ҳошимов хизматлари пучга чиқарилиб

¹ Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки жилдлик. I жилд. Тошкент, 1987. - 129-бет.

² Латиф Ю. Пролетар адабиёти. - "Ёш ленинчи", 1928, 6 апрель.

³ Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чигатойчилик. - "Қизил Ўзбекистон", 1929, 13 март.

ўзлари асосиз таҳқирланади. Ж.Бойбўлатов Алишер Навоий ва Аҳмад Яссавий шеърларини таҳлил қила туриб эса: "Чигатой шоирлари бу мутасаввуфлардан, хаёлпарастлардан, символистлардан ва бошқалардан ҳозирги ўзбек пролетар адабиёти учун қандай бўлса ҳам бир нарса ола олишимиз шубҳалидир. Бунда икки турли фикр бўлиши мумкин эмас, албатта. Биз ундан пролетар адабиёти туғдириш учун фойдалана олмаймиз",¹ деган сатрларни битади. Хўп, "Ўзбек совет адабий танқиди тарихи"да Ж.Бойбўлатовнинг вульгар-социологик қарашлари ўша салбийлиги билан шуҳрат қозонган мақоласининг объектив таҳлили орқали очиб берилган. Бунга ҳар ким ишонади. Боринги, Юнус Латифга ҳам ҳақиқий баҳо берилди, дейлик. Аммо бу ўринда Вадуд Маҳмуд масаласи баҳсли, айрим изоҳ ва инкорларга муҳтож кўринади. Биз кўпгина манбалар билан танишиб, Вадуд Маҳмуднинг маданий меросга нисбатан "вульгар-социологик қарашлари", "миллатчилик муносабати"га ёки "В.Маҳмуд класикларимиз ижодидаги реалистик ҳаёт манзаралари, реалистик образлари, айниқса Лутфий ва Навоийлардан бошлаб етакчи тамойилга эга бўлган антиклерикал мотивларни, улар меросининг моҳиятини ташкил қилувчи инсонпарварлик ва маърифатпарварликни англамайди"² сингари китоблардан китобларга, мақолалардан мақолаларга, даврлардан даврларга кўчиб юрувчи сайёр фикрлар исботига тўқнаш келмадик. Аксинча, Шарқ маданияти, шарқ ва ғарб адабиёти, қадимги турк адабиёти намуналарига, А.Яссавий, Фузулий, Бедил, Амирий, Машраб, Муқимий, Фурқат каби номдор шоирлар ижодига, айниқса, Алишер Навоий асарларига ниҳоятда меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлганига гувоҳ бўлдик. Уларни тарғибташвиқ қилишда фаол қатнашган, мақолалар ёзган, анжуманлар ўтказишда бош-қош бўлган; кўлёмалар излаган, шарқона миллий тафаккур ривожига ўз ҳиссасини қўшган. Шундай бир инсонни, ижодкорни "миллатчи", "тескаричи" ёки яна қандайдир бемаъни номлар билан аташ мумкинми, ахир? Йўқ мутлоқо мумкин эмас. У ўз мақолаларида Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари, "Қутадғу билик", "Қисасул-анбиё", "Муҳаббатнома", "Тузуқоти Темур", "Бахтиёрнома", "Меърожнома"дек қимматли асарларни фақат яхши маънодагина фахрланиб тилга олади. В.Маҳмуд Навоий даврини чигатой адабиётининг "биринчи олтин даври", Амирий замонасидаги чигатой адабиётини эса

¹ Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чигатойчилик. - "Кизил Ўзбекистон", 1929, 13 март.

² Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки жилдлик. I жилд. - Тошкент, 1987, 137-138-бетлар.

"иккинчи олтин давр" сифатида юксакларга кўтаради. Бу ҳақиқатни оммага, халққа, дунёга овоза этмоқ лозимлигини чуқур ҳис этади. Бир мақоласида Ўзбекистонда илмий муҳит юзага келтириб, ўтмишдаги кўплаб шоирлар ижодини тадқиқ этиш лозимлигини, улар орасида адабиёт тарихида муҳим ўрин тутадиганлари борлигини, бошланган ишни келгуси авлодлар охирига етказишини алоҳида уқтиради. Унинг замондош адабиётчилар зиммасидаги масъулиятли вазифаларини ифодаловчи қуйидаги гаплари ҳам диққатга лойиқдир: "Чигатой адабиёти даври адабиёт даврининг отасидур. Лутфийлар, Навоийлар, Султон Хусайнлар, Бобурлар, Солиҳлар, Яссавийлар, Умархонлар, Фузулийлар, Зебунисолар, Нодиралар ва булар сингари кўп шоирлар бу адабий давларнинг бизга маълум бўлгон гуллари-дурлар. Бир ўртоғимизнинг айтишича, майда-чуйда нозимларни истисно қилгонда, анчагина муқим ўрун тутадургон шоирлар беш юзга яқиндур. Бу шоирларнинг кўпини ёлғиз отлари билан, бир-икки шеърлари билангина таниймиз. Булар текширилсалар бизнинг анча-мунча ҳазиналаримиз очилгон бўладурким, бу вазифа адабиётчилар бўйнидадур"¹. Буларни амалга оширишда, илк-ибтидоий маълумотларни ёритиш ёки таснифлар таклиф қилишда "анча-мунча ҳазина" илинжида бўлган қалам соҳибининг ўзи ҳам улуғ хизматлар қилди. "Навоийгача турк адабиёти", "Алишер Навоий", "Фузулий Бағдодий", "Навоий учун", "Турк адабиёти тарихи", "Илмий-адабий вазифалар қаршисида" сингари мақолалари шу хизматлар натижасидир.

Алишер Навоий ижоди мусаффо кўзгуга ўхшайди. Оддий инсонлар унинг қаршисида ўзини кўради, ўзлигини англайди. Нодонлар тош отади, илм соҳиблари эса унинг мўъжизаси билан ҳам кизиқади. Хўш, Алишер Навоий ижодининг моҳиятини, баъзи манбаларда айтилганидек, В.Маҳмуд ҳақиқатан ҳам англаб етгани йўқми? Уни инкор этдимиз? Ёки бирёклама ёндашдимиз? Умуман, унинг улуғ шоирга муносабати қандай? Асл манзара қай ҳолатда? Бу саволларга жавоб лозим. Шунга мувофиқ мақсадимиз аввало Вадуд Маҳмуднинг Навоий ижоди ва шахсига кизиқишларини ойдинлаштириб ўтишга қаратилгандир. Қолаверса, В.Маҳмуднинг XX аср навоийшунослигининг юзага келишида, қадимги кўлөзма асарлардан лозим фактларни мисқолаб йиғиб, оммага тақдим қилишда жуда катта хизматлари бор.

Вадуд Маҳмуд 1924 йилги А.Саъдий билан бўлган дастлабки баҳсида унинг шеърни яхши тушунмаслигини танқид қилади ва кўшимча далил қилиб "Адабиёт дарслиги"дан мисол келтиради. А.Саъдий ўз дарслигида Навоийнинг:

¹ Маҳмуд В. Турк шоири Ажзий. - "Инқилоб", 1924, 11-12 сонлар.

Саҳар ховар шахи чарх узраким, хайлу хашам чекти,
Шиои хат била кўҳсор уза олтуи алам чекти,

матлаи билан бошланувчи ғазалини танқид этган ва уни англашда қийналган эди. В.Маҳмуд эса бу ғазални "энг юксак ва бизнинг асрий завқимизга ҳам мувофиқ фасоҳат ва балоғатнинг санъаткорлик билан уста уюшдирилгон" асари, Алишер Навоийнинг ўзини "ўзбек ёш шоирларининг бобоси" деб атайди. Шу мулоҳаза муносабати билан икки мунаққид ўртасидаги мунозара мавзуи адабиёти тарихи, ўзбек тилининг хусусиятлари, ўзбекларнинг келиб чиқиши масаласи устига кўчади.

Таассуфки, бахтга қарши, улар орасидаги тортишув давом этди, авжига чикди. Мавзудан мавзуга кўчди. Бунга кўпроқ А.Саъдийга тааллуқли бўлмиш "бахтга қарши" таъбирини қўлади. Чунки В.Маҳмуд - унинг "Адабий-тарихий саводсизликка қарши" баҳс мақоласига нисбатан ёзган жавобида "илмга қарши қилингон жиноят ва ўғирликлари"ни очиб беришга бел боғлайди. А.Саъдийнинг "Шажараи турк" тили муносабати билан айтилган фикрлари 1906 йили Соблуков томонидан нашрга тайёрланиб, Қозон матбаасида чиқарилган асар нусхаси сўзбошисидан олинган муваффақиятсиз таржима эканини русча матн билан солиштириб исботлаб беради. Ўзининг ўзбек классик адабиёти ўтмишда "чиғатой адабиёти" термини билан юритилганлиги устидаги фикри эса Бартольд, Самойлович сингари мушташриқлар, Фуод Куприлизода, Закий Валидий каби турк дунёсининг энг йирик олимлари мулоҳазаларига мос келишини айтади. Демак, В.Маҳмуд адабий-тарихий жихатдан саводсиз эмас. Саводли!

А.Саъдийнинг "илм ва адабиёт дунёсида" қилган шу иши жиноятми, ўғирликми, хиёнатми - нималигини илм аҳли баҳолаеса керак. В.Маҳмуднинг ўзи эса уни содда қилиб, киноя билан "А.Саъдийнинг саводи" деб номлади. Мақоласи ҳам шу сарлавҳа остида "Зарафшон"да эълон этилади.¹

"Бахтга қарши" дейилишининг иккинчи бир сабаби, 20-йиллар адабий жараёнида, илмий савияси қандай бўлишидан қатъи назар, анча-мунча мақолалари билан танилиб қолган А.Саъдий баҳс пайтида ўзининг классик шеърятни яхши таҳлил қила олмаслигини, форсча ва арабча сўзларга яхши тушунмаслигини, айниқса, А.Навоий шахси ва ижодини баҳолашда беҳосдан ноўрин иборалар қўллаб, "саводи"ни бишдириб қўяди.

Ўрни келганда шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, гарчи А.Саъдий адабиётимиз тарихида адабиётшунослик ва адабий

¹ Маҳмуд В. А.Саъдийнинг саводи. - "Зарафшон", 1924, 11-июнь.

танкид соҳасида жуда катта хизматлар қилган, 1949 йили Алишер Навоий ижоди бўйича Ўзбекистонда биринчи бўлиб докторлик диссертациясини ёқлаган бўлса-да, унинг улуг ўзбек шоирига нисбатан дастлабки қарашларига қўшилиб бўлмайди.¹ Буни В.Маҳмуднинг Алишер Навоийга берган баҳосига қарши бўлгуси профессорнинг ўша пайтларда ёзган қуйидаги сатрлари аниқ кўрсатади: "Навоий каби сарой шоирларининг услублари "асримиз завқига" ҳам, эҳтиёжига ҳам тамомила яроқсиздир, Вадуд Маҳмуд ўртоқ Навоийни "ўзбек шоирларининг бобоси" дейдир.

Ҳам насли-уруғи, ҳам тили жиҳатидан қатъиян ўзбек бўлмағон, балки чиғатой ёки уйғур бўлғон Навоийни ўзбек ва ҳатто, "ўзбек шоирларининг бобоси" деб чиқмоқ жасоратдир. Шунинг билан бирга мунинг яна, ҳақиқатда, адабий-тарихий бир саводсизлик натижаси эканлиги адабий-тарихий саводи бўлғон одамлар қаршисида очик бир нарсадир".² Бошқа бир ўринда инкор ва нотўғри талқинлар оҳанги янада зўраяди: "Эронлилар ўртасида Хиротда ҳукм сурган чиғатой хонларининг сарой шоири бўлғон Навоийнинг бутун мавзуи, бутун сурати эронлик ва эрон классик шоирларининг эскирган мавзулари эди. (Фарҳод-Ширин, Лайли-Мажнун, Искандари Кабир, яъни Зулқарнайн каби).

Шунинг устига яна Навоий, иккинчи ёқдан форс дохий шоири Мавлоно Жомийнинг шогирдларидан бўлғон бир форс шоири эди (Форсийда таҳалуси Фонийдир).

Шунинг учундирким, Навоийни Европа ва рус мусташриқлари (Кримский каби) форс адабиёти тарихида форс адабиётига ва унинг таракқиётига катта хизмат кўргазувчи катта омиллардан санайдурлар. (А.Саъдийдаги "Навоий форс шоири" деган нотўғри тушунча бевосита мутолаа туфайли эмас, балки Европа олимларининг фикрларидан келиб чиққан бўлиши мумкин - Б.К).

Навоий эски эрон адабиёти йўлидан чиқиб, ҳеч бўлмаса ўзи мансуб бўлғон сарой аҳлларининг (хусусан Хусайн Байқаро кабиларнинг) воқеа ва турмушларидан олиб ҳам бир нарса ёза олмайди. "Туркий тил" ва уйғур луғати"нинг қахрамони бўлиб майдонга отилган бу талантли шоир туркий тилни ҳар томондан, ўзи ҳам сезмасдан форсийга кул этиб, Хўжа Аҳмад Яссавийдек

¹ Абдурахмон Саъдий қарашларидаги айрим камчиликларни проф. А.Ҳайитметов ҳам ўзининг "Алишер Навоийнинг адабий-танкидий қарашлари" (1959 й. Т., 9-бет)номли китобида айтиб ўтади.

² Саъдий А. Адабий-тарихий саводсизликка қарши. - "Зарафшон", 1924, 148-150-совлар.

"форсий тилни билибон хўб айтадур туркийни" бўлиб чиқа олмади".¹

Шу каби жаҳл устидаги чиранишлар билан бирга А.Саъдий "ёшларга ортиқ навоийпараст бўлмоқликнинг ҳозирги вақтда энди фойдали бир натижа бермаслиги"дан маслаҳат ҳам берган эди.

В.Маҳмуд "А.Саъдийнинг саводи" номли жавоб мақоласида баҳо доирасидаги бошқа масалаларга муфассал тўхталади; баъзан ўзининг ҳақ, баъзан бирёқлама фикрларини мунозара майдонига олиб чиқади. Сал кейинроқ ёзган "Илмий-адабий вазифалар қаршисида" номли мақоласида Алишер Навоийга бўлган самимий муносабатни шундай баён этади: "Навоий турк адабиётининг отасидур. Навоий адабиёт дунёсида жуда катта хизматлар қилгон бир кишидур.

Навоий турк тилининг отасидур.

Навоий буюк адиб, буюк шоир, буюк доҳийдур. Фақат қани уни биз таниймизми? Унинг хизматларини биламизми? Унинг ким эканидан хабаримиз борми? Ҳалигача унинг таржимаи ҳолини босмадик. Бир расмини чиқарган бўлсак ҳам аслига унча мувофиқ эмасдур".² Бу ўзига хос тарзда А.Саъдийнинг қуруқ, асоссиз даъволарига қарши жавоб ҳам эди. Адабиётшуноснинг Алишер Навоийни ўрганиш, даҳолигини эл-юртга танитиш учун қанчалик жон куйдиргани алоҳида шарҳ ва таъкидга муҳтож эмас. Кўриниб турганидек, унинг улуғ шоирга нисбат берган сифатлари ҳозирги тавсифларимиздан кўп ҳам фарқ қилмайди.

Вадуд Маҳмуд бу соҳадаги изланишларини давом эттириб, 1925 йили Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилеи олдидан "Алишер Навоий" номли махсус биографик характердаги мақола ёзади.

Шу ўринда мазкур 500 санасига алоқадор кичик бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. Абдулҳамид Чўлпон 1924 йили ёзган "500 йил" номли мақоласида "Тарихларнинг кўрсатишларига қараганда, шу бир-бир ярим йил орасида Навоийнинг вафотига 500 йил тўлади"³ деган сатрларни битеди. 1926 йилга келиб эса, афкор, оммага маълумки, Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилеи нишонланган. В.Маҳмуднинг мақоласи ана шу муносабат билан ёзилган эди.

Аммо 1940-йиллар арафасида Навоийнинг юбилеи 500 санаси остида иккинчи марта нишонлашга тараддуд кўрилади. Уруш бошланиб кетганидан тўй ортга сурилади.

¹ Саъдий А. Адабий-тарихий саводсизликка қарши. - "Зарафшон", 1924, 148-150-сонлар.

² Маҳмуд В. Илмий-адабий вазифалар қаршисида. - "Зарафшон", 1924, 21 июнь.

³ Чўлпон. 500 йил. - "Туркистон", 1924, 25 сентябрь.

Бизнингча, 500 санасига дахлдор чалкашликлар ҳижрий йил ҳисоб-китобининг шамсий ва қамарий усулларига тааллуқли бўлиб, бу масалага ҳам, 20-йилларнинг кўриникли зиёлиларидан бири аниқлик киритган эди. 1927 йили "Навоийнинг юбилеи ва таржимаи ҳолига янги бир саҳифа"¹ мақоласини ёзиб чиққан Ашурали Зоҳирий инсоннинг ёши мучалга мувофиқ келувчи ҳижрий шамсий тартибда ҳисобланишини, Навоийнинг туғилганига 500 йил 1940 йилда тўлишини, шунинг учун юбилей тантаналарини ўн уч йил кейин, яхшигина тайёргарлик билан ўтказиш лозимлигини айтади. Адашмасак, 500 йилликнинг иккинчи марта нишонланишига тараддуд кўриш ана шу тузатиш ва таклифларнинг натижаси эди.

Навоийнинг 500 йиллиги 1926 йили Озарбайжонда кенг нишонланади. Бакуда шу йили Б.Чубанзоданинг "Навоий - лингвист", И. Ҳикматнинг "Амир Алишер Навоий", Мирза Иброҳимийнинг "Алишер Навоийга форс адабиётининг таъсири" ва бошқа мақолаларни ўз ичига олган 107 саҳифалик махсус "Навоий" мажмуаси чоп этилади. Худди шу улуғ сана муносабати билан 1928 йили Ленинградда рус тилида шарқшуносларнинг тадқиқотлари жам бўлган "Мир-Али Шир" деган китоб чиқарилади.² Булар улуғ шоир меросини ўрганиш юзасидан қилинган дастлабки тадқиқотлар, илк қадамлар эди.

20-йилларда Ўзбекистонда ҳам Навоийга бағишлаб анжуманлар ўтказиш учун бир неча вақт тайёргарлик кўрилади. Матбуотда айрим зиёлилар таклифлар билан чиқишлар ҳам қилди.

"Навоийни танимаган бир ўзбек бўлмаса керак. Эскиларимиз ва эски мактабларимиз ғазаллари билан, янгиларимиз ва янги мактабларимиз суратлари ва шахсиятлари билан танишдирилар...

Навоий турк тилини тиргизган ва чиғатой адабиёти деган бир адабий мактабнинг бу кунгача яшамоғи сабаб бўлгон бир кишидир. Шунинг учун уни танимоқ, уни тақдир этмоқ бутун турклар учун бир вазифадир. Мана шу ҳолни назарга олиб, бу кун турк дунёсининг ҳар ерида Туркияда, Озарбайжонда ва бизда (Ўзбекистонда) уни эслаб беш юз йиллик тўйини ўтказмак истайдилар".³

¹ Зоҳирий А. Навоийнинг юбилеи ва таржимаи ҳолига янги бир саҳифа. - "Маориф ва ўқитувчи", 1927, 1-2-сонлар.

² Бу ҳақда батафсил қаранг: Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки жилдлик. I жилд. - Тошкент, 1987, 135-136-бетлар.

³ Маҳмуд В. Навоий учун. - "Ер юзи", 1925, 3-сон.

Вадуд Маҳмуд "Навойи учун" (Навойи туғулғонига 500 йил тўлиши муносабати билан) мақоласида ана шу сатрларни ёзади. Шунингдек, мақолада тантаналарга ҳозирлик кўриш учун маориф комиссари Далат Ризаев раислигида бир ҳайъат тузилгани (ҳайъатга В.Маҳмуд ҳам аъзо бўлган), ҳайъат режаси бўйича, дастлаб Навойининг тўртта асари айнича босилиши ҳамда "мукаммал таржимаи ҳоли ва унга бағишлаб бир мажмуа" чиқарилиши ҳақида хабар берилади. Бунга кетадиган ўттиз минг сўмлик сарф-харажатлар пули ҳайъат тарафидан ҳукуматнинг мутасадди ташкилотларига арз этилиши лозим. "Агар марказ ижрақўми ва комиссарлар шўроси бу пулни тахсис этсалар, комиссиянинг илани тезда амалга оша оладир".¹

Афтидан ҳукумат маҳкамалари зарур миқдордаги харажат пули ажратмаган кўринади. Негаки юбилей кўнгилдагидек ўтказилмаган. Ашурали Зоҳирийнинг таъбири билан айтганда, "юбилей Самарқандда техникум талабалари, Кўқонда муаллимлар томонидан қилинган "кўса"гина бир мажлис билан тугади".

Навойининг асарлари ҳам, режадаги махсус мажмуа ҳам босилмади. Мукаммал таржимаи ҳолини ёритиш жиҳатидан 20-йиллар адабий танқидчилигида Вадуд Маҳмуднинг "Алишер Навойи" номли мақоласи муҳим ўринни эгаллайди. "Маориф ва ўқитувчи" журнаlining 3-сонида босилган бу мақола "Муҳити", "Таржимаи ҳоли ва тарбияси", "Мутасаввуфлиги", "Илмий, адабий шахсияти", "Навойи бир мужиддир" деган асосий бўлимлар ва кичкина "Илова"дан иборат. "Илова"да мақола журнаlining Навойи юбилейига иштироки учун ёзилгани, "бунда кўп ҳоллар ва воқеалар қисқа, баъзан ҳатто бир сатрда" ўтилгани айтилади.

Мақоладаги таржимаи ҳолга алоқадор, туғилган ва вафот этган йили, 6 ёшида оилалари билан ҳиротдан Машҳадга кўчгани, Султон Хусайн Байқаро билан бирга улғайиб, бирга ўқигани, саройда турли мавқедаги вазифаларда хизмат қилгани, сарой хизматидан безиб ҳар вақт олиму уламолар, шоиру фузалолар, шайху руҳонийлар даврасига талпиниши, ижоди жуда эрта бошланиб, Лутфий унга илтифот кўрсатгани, ўз замонасининг санъат аҳлига қаттиқ эътибор қаратгани сингари ўнлаб фактик маълумотлар ҳозирги тўлиқ маълумотларнинг дебочаси эканлигидан далолат беради. Муаллиф Алишер Навойининг мусиқага майли борлиги, рассомлик қилгани, илм соҳибларига топшириқлар бериб, ёрдам кўрсатгани хусусида ҳам бир-икки жумла айтиб ўтади; шоир асарларини санайди, бу даҳо шоир ҳақида кўплаб тарихий асарларда хабарлар борлигини билдиради. Бу-

¹ Маҳмуд В. Навойи учун. - "Ер юзи", 1925, 3-сон.

лар ҳозирги кун олими ва китобхони учун оддий маълумот бўлиб кўриниши мумкин, аммо "Навоий ким эди?" сингари саволлар кўндаланг турган 20-йиллар шароити учун улар ниҳоятда муҳим эди. Албатта, миллат фахри бўлмиш даҳо шоирга тааллуқли ҳар бир сана ва шахсни аниқлаш учун В.Маҳмуд ўнлаб кўлёма манбаларни кўриб чиқишга мажбур бўлгани, қалбидаги эзгу ниятлари унга тинчлик бермагани аниқдир. Мақола Алишер Навоийнинг муҳити, уни юзага келтирган шарт-шароит юзасидан ҳам маълум даражада тасаввур беради:

"Хижрий 5 - аср ила 10 - аср орасидаги беш юз йиллик давр - бу давр Хуросон ва Маварауннаҳрда ислом маданиятининг гуллаган мавсуми эди. Бешинчи аср(лар) арабнинг янги руҳий ортиши билан Эроннинг ер юзида мумтоз мавқеъ тутғон даврдир. У вақтлар рубъи маскуннинг энг файзли қитъаси ва маълум дунёнинг оғизларда дoston бўлатурғон қисми Ирок ва Хуросон эди. Ўрта Осиёнинг янги тарихида энг бой ва шавкатли давлатлар шу даврнинг маҳсулидирлар.

Мамлакат обод, халқ эсонлик ичида эди. Чунки рубъи маскуннинг бойлиги шу ўртага йиғилғон эди...

Мана шу замонларда эдиким, ислом маданиятининг етиш-тирган ҳақим ва адиблари дунёда ягоналик туғини кўтарган эдилар.

Ҳақим Санойи, Мавлоно Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Абу Али ибн Сино, Форобий, Ҳайём каби энг буюк ва машҳур кишилар шу асрнинг етишдирган кишиларидандир. Бу ўрта аср маданиятининг иккинчи бир варағи бўлғон 8-9-10-аср турк даҳосининг асрий маданияти ўзлаштирилиб очилғон ва юксалган бир давридир...

У даврда Темур, Ёдирим, Бобир каби буюк кўмондонлар, Аҳмад Яссавий, Навоий, Султон Хусайн, Фузулий каби шоирлар, Улуғбек, Кушчи каби ҳайъатшунос ҳақимлар етишдилар".¹

Навоийгача бўлган даврларда араб ва форс маданияти гуллаб яшнади. Кўпгина турк олимлари ўз асарларини ўша тилларда ижод қилишди. Шеърят оламида форс тилининг бағоят гўзаллиги ва нозиклиги тан олинар эди. Туркигўй шоирлар ҳам форсийда бирор асар битиш иштиёқида бўлар эди. Навоийнинг "Девони Фоний" мажмуаси ўша анъаналар ва иштиёқмандлик ҳосиласидир. Аммо унинг хизмати Вадуд Маҳмуднинг фикрича бундай: "Навоийнинг асли муҳим шахсияти на мутасаввуфлиги, на шоирлиги, на тарих ёзғонидир. Унинг мумтозлиги шундай

¹ Маҳмуд В. Алишер Навоий. - "Маориф ва ўқитувчи", 1925, 3-сон. мақола "Ёшлик" журналининг 1991 йил 5-сонида қайта босилган. Ношир ва изоҳлар муаллифи - Х.Болтабоев.

қайноғон ва юзларча йилдан бери сингиб кетган форсларнинг марказида турклар муассасаларини куришидир. (Бу фикрлар В.Маҳмуд мақоласини нашрга тайёрлаб, изоҳлар ёзган Х.Болтабоевнинг шарх беришича Ф.Куприлизода ва И.Ҳикмат асарларида ҳам учрайди - Б.К.) Навоийнинг форсга ва форс маданиятига бир душманлиги йўқдир, у тўғридан-тўғри миллатни ва туркликни севатурғон бир шахсдир".¹

Бугунга келиб классик адабиётни тасаввуф фалсафасидан айрича талқин этиш мумкин эмаслиги маълум бўлиб қолди. Шунингдек, Навоийнинг "Лисонут тайр" достонидаги рамзий ифодани, кушлар-соликларнинг тариқат босқичида етти тақомил мақомини босиб ўтишларини, айрим ғазалларидаги "ҳақиқий ишқ" оҳангларини ҳис этиш учун инсоннинг ахлоқий-руҳий юксалишини ўз моҳиятига сингдирган, яқин кунларгача "реакционли"ги билан машхур бўлган суфийлик таълимотидан боҳабар бўлмоқ лозимдир. Умуман олганда, бу улуг шоир юксак фазилатли комил инсоннинг маънавий-руҳий олаmidан сўз очар экан, демак, унинг ижодининг борлигини тасаввуф ва ислом фалсафасисиз тасаввур этиш мутлақо мумкин эмас. Чунки "Суфийлар илми - инсон ҳақидаги илм. Инсон қалбига сайқал бериш илмидир"(Иброҳим Ғафур таъбири). Қолаверса, Алишернинг ёшлигиданок "Аттор дўкони"га харидор бўлганини яхши биламиз.

Мана В.Маҳмуд шоирнинг асри ва дунёқарашининг таъсирланув доиралари хусусида шундай сатрларни ёзади: "У асрда (Навоий замонаси назарда тутилади - Б.К) мутасаввуфлар энг буюк ўрун тутар эдилар. Алишер Самарқандда турғон муддатда хожа Жалололдин Фазлуллоҳ Абулайсдан, Мавлоно Жомийдан ва бошқа у ерда ниҳоят даражада кўп бўлғон мутасаввуф олимлардан таъсирланади...

Мана шу муҳит ва шу тарбияда яшағон ва ўсган Алишер табиий ўлароқ тасаввуф манзумай фикриясига берилади. Энг кўп тарқалғон ва энг кучли намояндалари бўлғон бир фалсафа тасаввуф эди.

Навоий тасаввуфнинг руҳониятчилигига шунча берилган эдиким, ҳар асарининг ҳар ерида бунинг таъсири кўриладиур".²

Вадуд Маҳмуд "Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз" мақоласида Алишер Навоийни "Лисонут тайр" достонига нисбатан мутасаввуф шоирлар каторида санаб ўтган эди. Ўзибор берилса, юқоридаги кўчирмада ҳам Навоий асарларининг ҳаммасини "тасаввуф манзумай фикрияси" доирасига киритиб юбормайди, балки шоир асарларининг "ҳар ерида бунинг (тасаввуфнинг - Б.К.) таъсири" борлигини таъкидлайди.

¹ Маҳмуд В. Алишер Навоий.- "Маориф ва ўқитувчи", 1925,3-сон.

² Ўша китоб.

Мақоладаги маълумотларга кўра, Алишер Навоий замонасининг энг буюк суфийларидан бири Сайид Аҳмад Ардашернинг доимий энг яқин суҳбатдоши бўлган, у кишини эслаганда "бутун умрида бу зот каби мукамал бир шахсиятга учрамагани"ни айтар экан. Навоий Мавлоно Жомий билан жуда яқин ижодий мулоқотда, суфийлик масаласида устоз-шоғирд мақомида бўлган. "Мавлоно Жомий воситасида нақшбандияга интисоб этди. Бу манзумаи фикрия таъсири билан Навоий 38 ёшда, 881 ҳижрийда касб-камолга машғул бўлди".¹

Вадуд Маҳмуднинг мазкур эътиборга лойиқ мақоласини ҳамда юбилей ўтказишдаги ташкилотчилик хизматларини назарда тутган профессор Ботир Валихўжаев "Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари" мақоласида қониқиш ҳисси билан куйидагиларни ёзади: "XX аср бошларидан ҳозирги кунга қадар Навоий ҳаёти ва ижоди Самарқанд олим ва шоирлари диққат марказида бўлди. Бу жиҳатдан 20-йилларда Навоий туғилганига ҳижрий ҳисоб билан 500-йил тўлиши муносабати билан олиб борилган тайёргарлик ишлари, бу соҳада Вадуд Маҳмудийнинг фаолияти эслашга арзигуликдир".² Хуллас, Вадуд Маҳмуд Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига назар ташлар экан, унинг муҳити ва дунёқарашида устуворлик қилувчи фалсафий мезонларни эътибордан қочиргани йўқ. Айниқса тасаввуф ва ислом фалсафасини ўз таҳлилларига олиб кирди, классик адабиёт намояндаларининг асарларига татбиқ қилди. Мунаққиднинг бу фалсафий асослари классик адабиётга ёндашувидаги индивидуал илмий принципларини белгилайди.

Бу мулоҳазалар - Вадуд Маҳмуд ва тасаввуф жуфтлиги кимгадир эриш туюлиши ёки кераксиз зўрма-зўракилик бўлиб кўриниши мумкин. Чунончи, тасаввуф классик адабиётни баҳолашда асосий мезонлардан бири сифатида кадр топаётган ҳозирги илмий шароитда³ В.Маҳмуд ижодининг кадр-қимматини атайлаб бўрттириш учун унга урғу бериб, замонасозлик қилинаётгандек таассурот қолдириши ҳам мумкин. Аслида бундай зўракилик, шубҳа ёки безовталиқ учун асос ҳам, ҳеч бир эҳтиёж ҳам йўқ. Мунаққиднинг ўз илми доирасида тасаввуфна талқинларга берилгани, айнан шундай қарашлари учун рўшнолик кўрмагани мавжуд ҳақиқатдир. Айтмоқчи, Вадуд Маҳмуднинг кимгадир "ортиқча шарқлик қилувчи" ёки "турк мунаққид

¹ Маҳмуд В. Алишер Навоий. - "Маориф ва ўқитувчи", 1925, 3-сон.

² Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари. - "Мулоқот", 1991, 2-сон.

³ Бу йўналишда Н.Комиловнинг ўнлаб мақолалари, И.Ҳаққул "Тасаввуф ва шеърят" (1991), С.Олимнинг "Ишқ, ошиқ ва маъшуқа" (1992) номли китоблари ва айрим тўпламлар босилиб чиқди.

ларининг асосини ушлаб дарвешлик этувчи" бўлиб кўринишига сабаб ҳам шудир.

Фикри ожизимизча, 20-йиллар адабий мухитида адабий ме-росга муносабат масаласида В.Маҳмуд мумтоз адабиёт дурдона-ларини ўзига хос тушуниб, таҳлил этиши билан (гарчанд булар кейинчалик мунаққидга лаънат тамғаси тарзида босилган бўлса ҳам), суфиёна истилоҳларни яхши билгувчи адабиёт илмининг билимдони қиёфасида танилган кўринади. Шу боис А.Саъдий ораларидаги баҳсда "бу идеалист" танқидчи, "бу ўртоқ қачондан бери ўзининг материалистлиги билан мақтанадиган бўлди?" деб хайратланган эди.

Яна бир далил. Ж.Бойбўлатов "Ўзбек адабиёти намуналари" мажмуасини тузувчилар идеализм тарафга оғиб кетганлигини исботлаш мақсадида ундаги баъзи бир байтларни олиб қуйида-гича шархлайди:

"Ашрақат мин акси шамсул каъсу анварул худо,
Ёр аксин майда кўр деб жомдин чикди садо".

(Навоий)

Бу бизнинг тилда: Кўнгилга куёш аксидан (худо таоло та-рафидан) ҳидоят нурлари (вахий) келди. Худо аксини эътиқо-дингда кўр. (Худонинг бор ва бирлигига инон) деб пайғамбардан "нидо" келди, деган сўз бўлади.

"Ғайр нақшидин кўнгил жойида бўлса занги ғам,
Йўқтур эй соқий, май ва ваҳдат мисллик ғамзода"

(Навоий).

Бизнинг тилда: Дунёвий ишларга берилиб, кўнгил қоралан-са, эй соқий, эй пир, уни оқартмоқ учун худога тоат ва ибодат-дан бошқа нарсаяўқдир, деган сўз бўлади...

"Ошиқ аҳли топти бори васл ила чора,
Бечора Навоий ғами хижронга йўлуқти"

(Навоий).

Бизнингча: Шерозий, Жомий, Румий кабилар худонинг дар-гоҳига эришдилар. Аммо Хусайн Бойқаронинг министри Навоий бу қисматдан маҳрум қолди", деган сўз бўлади.¹

Фитрат "Ёпишмаган гажжаклар" (Ўртоқ Бойбўлатовга очик хат)ида юқорида келтирилган фикрларга қарата: "Навоийдан олган байтларни таржима қилишингиз бир оз "в а д у д о н а" бўлган, кўб тўғри эмас",² деб ёзади. Кўринадики, Фитрат байт-

¹ Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чигатойчилик. - "Қизил Ўзбе-кистон", 1929, 1-май.

² Фитрат. Ёпишмаган гажжаклар. - "Қизил Ўзбекистон", 1929, 15-16 сентябрь. мақола "Ёшлик" журналининг 1990 йил 5-сонида қайта нашр этилган.

ларнинг "таржимаси" - изоҳи "тасаввуфона", "идеалист-ларча", "зоҳидона" ёки "сўфийларча" эмас, балки айнан "вадудона" бўлганини айтади. Ж.Бойбўлатов мақоласида келтирилган биринчи кўчирмада инкор ва ярқисизликни исботлаш кайфияти кучли бўлса, Фитрат ифодасида мумтоз адабиётнинг асл фалсафий моҳиятидан бир оз четлашиш сезилади. Гарчи Фитрат классик шеърят замиридаги асл ҳақиқатни ботинан ҳис этиб турса-да, "Ўзбек адабиёти намуналари" китобини ҳимоя қилиш ва материалистча талқинларга кўникиб бораётганини эслатиш учун байтлар таҳлили "бир оз вадудона бўлгани"ни ва "кўб тўғри эмас"лигини айтишга мажбур бўлади.

Навоий, Яссавий, Бедил, умуман, классик адабиёт намояндалари ижодига улар мансуб фалсафани четлаб, моддиончиликнинг инсон руҳий парвозларини кўра олмайдиган моддий кўзойнаги остида қанчалик узоқ қаралмасин, бари-бир тасаввуфона, "вадудона" диний-руҳоний талқинларга қайтиш ҳақиқий имон-этиқодли олимларнинг азалий орзуси, табиий эҳтиёжи бўлганлигига ишонгимиз келади.

Бугунги қизиқишлар, иштиёқмандлик, тавба-тазарру ва мазкур йўналишдаги ижодий режалар ишончимизга дадда беради. Иншооллоҳ, шу илмий изланишлар давом этса, Алишер Навоий ижодининг моҳияти, умуман, мумтоз адабиётнинг асл фалсафий мазмуни қайта кашф этилади. Шунда бу кашфиётчилар сафида туркларнинг йирик тадқиқотчиси Куприлизода, озар олими Хусайнзода, таниқли мустаҳрик Бертельс ҳамда ўзининг арзимас "вадудона" хизматлари билан Вадудлар ҳам ўрин олса ажаб эмас.

* * *

Вадуд Маҳмуднинг бундай талқинлари ўзбек адабиётидаги бир-икки мақола билан чекланиб қолгани йўқ. Озарбайжонларнинг улуғ шоири Фузулий ҳақида ёзган мақоласида ҳам шу йўналишнинг таъсири аниқ сезилади, яъни муаллиф ўз баҳо мезонларида ислом ва сўфийлар фалсафасига таянади. Умуман, мақоланинг ўзига баҳо жоиз бўлса, айтиш мумкинки, у 20-йилларда ўзбек ўқувчиларини Фузулий ҳаёти ва ижоди билан таништирувчи дастлабки манбалардан бири сифатида қимматлидир. Унда айрим баҳсли масалалар, шоир шахсияти ва дунёқараши, асарлари, уларнинг қайси тилда битилгани ҳамда Фузулийнинг Туркистон шоирларига таъсири каби масалалар ёритилган. Муаллиф шоирнинг туғилган маскани Боғдод тевараги, оти Муҳаммад, отасининг исми Сулаймон бўлиб, олим киши эканлигидан, Боғдод "уч буюк - араб, форс ва турк тил ва адабиёти"нинг учрашган майдони" бўлганлигидан хабар беради. Шоир ислом маданиятидан ҳам баҳраманд бўлгани аниқдир. Хўш, шундай бир шароитда тарбия топган шоирнинг тафаккур тарзи,

ижодий самаралари, тили қандай бўлиши мумкин? Фузулийнинг ўз икrorича, унга араб тилида шеър айтиш унчалик мушкул эмас, негаки даврнинг илми-адабий тили арабчадир. Баъзан "форсий иборалар ипига дурру маржон тақиб, ўша мевали дарахтнинг шоҳидаги гулларни" теради. Аммо унинг зуваласи туркийда пишган, шунинг учун бу тилда шеърлар ёзиш шоир учун мутлақо муаммо эмас. Туркийча Фузулийнинг асл табиати-га мос, она тили ҳам ўшадир.

Вауд Маҳмуд шоирнинг туркий эканлигини ўз мақоласида такрор ва такрор уқтиради. Бу бекорга эмас. Бунинг сабаби бор. Айрим фактлар 20-йилларда машхур шахсларнинг миллати юзасидан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтганини кўрсатади. Алишер Навоийни "уруғи-насли ҳам, тили ҳам ўзбекча бўлмагон, балки чиғатой ёки уйғур шоири", "форс шоири" (А.Саъдий) деб даъво қилгувчилар бўлганидек, Фузулийнинг ҳам туркийлигига шубҳалик назар билан қаровчилар бор эди. Масалан Чўлпоннинг "Ризо Тавфикбек" мақоласида шундай жумлаларни ўқиймиз: "Туркиянинг янги шоирларидан энг кучлиси бўлгон Яҳё Камолбек билан Истанбул дорилфунунининг форс (эрон) адабиёти мударриси Хусайн Донишбек орасида миллият жанжали бошланиб кетгандан сўнг, Эрон миллатчилари бўлгон Хусайн Дониш тарафидан Ризо Тавфик ҳам турк миллатчилари бўлгон Яҳё Камолга қарши чиқди. Даъвосини исбот қилиш учун, бу муқаддир файласуф машхур Фузулийни турк эмас, эронли (форс) қилиб чиқди.

Фузулийнинг асарларини Эроннинг машхур бир шоирдан олгонлигини даъво қилди. Мана шу кундан бошлаб Ризо Тавфикнинг шухратда, хурматда пастлашиши бошланди".¹

Бу кўчирмадаги мавзуимизга таалукли жумлалар аниқ. Тахминимизча, В.Маҳмуд мақоласида шоирнинг миллати туркийлигига қайта-қайта урғу беришидан, турли хужжатлар келтиришидан мақсад - аввало илмий-адабий жамоатчиликдаги ана шунга ўхшаш чалкашликларга барҳам бериш ҳам эди.

Маълумки, Муҳаммад Фузулий шарқ оламининг ҳаётбахш булоқларидан тўйиб сув ичган шоирлардандир. Унинг шеърларида ўша илоҳий баҳрамандлик нафаси уфуриб туради:

Ҳар киминг вор эса зотинда шарорат куфри,
Истилоҳи улум ила мусулмон ўлмаз.
Гар қаро тош қизил қон ила рангин эдасан,
Тобъа тағйир вериб, лаъли бадахшон ўлмаз.
Айласанг тўтия таълими адойи калимат,
Нутқи инсон ўлур, аммо ўзи инсон ўлмаз.
Ҳар узун бўйли шижоат эда билмаз даъво,
Ҳар оғочким, бўй ота сарви хиромон ўлмаз.

¹ Чўлпон. Ризо Тавфикбек. - "Фарғона", 1924, 19 март.

Шоир ўз асарларида, хусусан, ёлғиз Оллоҳагина эътиқод ва муҳаббат, Расулulloҳга ҳамд-сано, ҳалолга назар, ҳаромдан ҳазар, илмга амал каби туйғуларни куйлайди. Талқинчи Фузулий ижодининг ана шу қирраларига диққат-эътиборни қаратади. Унинг устози Ҳабибий таҳаллусли шоир ғазалига боғланган тубандаги мухаммасини келтиради:

То жунун рахтин кийуб дутдим фано мулкин ватан,
Аҳли тажридим қабул этмам, қабову пираҳан.
Ҳар қабову пираҳан кийсам мисоли гунча,
Гўрум ўлсун ул қабо, эғнимда пираҳан кафан.

Сўнгра ёзади: "Шу таҳмисдан ҳам кўрилгани каби Фузулий тасаввуф руҳи билан анчагина суғорилган бир шахсдир. Бу табиийдир. Чунки ундан илгари келган фикрий жараёнидан эди. Ва унинг жавҳари бўлгон исломий тасаввуф унинг руҳи эди".¹ Ниҳоят мана Фузулийнинг борлиқни англаши, инсонни тушуниши ва тафаккур тарзи билан ҳам тўқнаш келиб турибмиз. Шоирнинг дунёга қараши юзасидан 20-йиллар адабий-илмий муҳотида ҳар хил фикрлар мавжуд бўлган. Биров уни мутасаввуф деса, бошқа олим фақат дунёвийлигини таъкидлашга уринган. Баҳслар юзага келган.

"Маориф ва ўқитувчи" журнаliga қиёсан озарбайжон тилида чиқадиган "Маориф ва маданият" журнаlinи варақлаган киши уларнинг мундарижаси, ўша даврда ёритилган ижтимоий, маданий, маориф ва театр, тарих ва адабиёт мавзуларида яқинлик борлигига ишонч ҳосил қилади. Мана "Маориф ва маданият" мажалласининг 1926 йил биринчи сонини варақлаймиз. Унда "Фузулий ва тасаввуф" сарлавҳали мақола учрайди. Муаллифи - Али Хусайнзода.

Юқорида эслатганимиздек, у шундай сатрларни ёзади: "Фузулийнинг мутасаввуфона бир руҳа молик ўлдиғини кимсалар рад эдюрларса-да, бизча, бу дўғри дағил (эмас - Б.К)дир. Унинг баҳс этдиги "шароб"инг оддий шароб ўлмасини-да иддао эданлар вордир.

Пак мухтарам севгили пружфассор Бакир Чубанзода Фузулийдан баҳс эдар экан: "Фузулий сўфий, мистик дағилдир, фақат сўфийлар киби у-да "шароб"дан, "ишқ"дан баҳс эдар. Локин унинг баҳс этдиги шароб узумдан ёпилмиш қирмизи шароб "майи лаъл"дир", дея Фузулийдаки тасаввуфий руҳинг ҳокимиятини рад эдюр. Ва сўзини қувватландирмак учун "Банг ва Бода"дан:

"Тарафа" оди замона машхур,

¹ Маҳмуд В. Фузулий Бағдодий. - "Маориф ва ўқитувчи", 1925, 4-сон.

Лақаби "Бода" асли ангур, ва бир-да "Банг ва Бода"нинг сўнги:

"Чун Фузулийдир баним лақабим

Ажаб эрмас гар ўлмаса адабим" байтина ишора эдарақ "Кандиснинг баҳси ҳаром, шаръи ва шариат одабина зид, мухолиф шайълардан баҳс этдигини тасдиқида булунур" жумласини илова эдор.

Бизча, бу байт-ла, ялғиз бу факт ила ҳеч бир замон юкори-даки фикрлар исбот ўлинмамиш ўлур".¹

"Банг ва Бода" асарининг тасаввуфона руҳи устида баҳс очган Али Хусайнзода Бакир Чубанзоданинг асарни рамзий истилоҳлардан узиб, дунёвий таҳлил этишни сингдира олмайди, "пак муҳтарам севгили" профессорнинг қарашларини инкор этишга уринади. Шоирни шаклантирган ижтимоий муҳит ҳамда асарларидан олинган жиддий фактларни келтиради. "Фузулийнинг яшадиғи муҳити тасаввуфинг ёйилмасина ва бўямасина сабаб улан муҳит дағилда надир?" хуллас, Фузулий асарларининг фалсафий асосида маълум даражада тасаввуф таълимоти ётиши аниқ. Ҳатто, нафақат "Банг ва Бода", балки баҳслашувчининг фикрича, форс тилида ёзилган "Ҳафт жом" асари ҳам Фузулийнинг "даҳо ойдин ва қутли тасаввуфий руҳа молик ўлан" асарларидандир.

Али Хусайнзодадан сал илгари Вадуд Маҳмуд Фузулий ижо-дидағи сўфиёна руҳни "исломий тасаввуф" сифатида изоҳлади.

"Исломий тасаввуф - Оллоҳ ва пайғамбарни яхши кўриш, бор вужудини уларга бағишлашдир. Бу муҳаббат ва бағишлов мусулмоннинг Пайғамбар алайҳиссалом келтирган ҳукмлардан қилча ҳам чиқмасликни тақазо этади. Демак, ҳолис исломий тасаввуф шариатдан бошқа алоҳида нарса эмас, балки шариатнинг ҳукмини ғоятда самимийлик, софдиллик ва ихлос билан адо этишдир".²

Вадуд Маҳмуд мазкур изоҳга мувофиқ келадиган шоир ғазалларидан бирини журналхон ҳукмига тақдим этади:

Ё раб, ҳамиша лутфинг қил раҳнамо банго,

Гўстарма ул тарикки етмас санг, банго.

Қать айла ошнолиғим унданики ғайрдир,

Онжоқ ўз ошноларинг эт ошно банго.

Бир ерда собит эт қадами эйтиборими,

¹ Хусайнзода А. Фузулий ва тасаввуф. - "Маориф ва маданият", 1926, 1-сон.

² Мавдудий. Ислом асослари. - Тошкент, 1992, 92-бет. Арабчадан М.Маҳмуд таржимаси.

Ким, раҳбари шариат ўла муктадо банго.
Йўк манда бир амал санго шойиста, ох, агар,
Аъмолима кўра вера адлинг жазо банго.
Хавфу хатарда музтарибам, бор умидким,
Лутфинг вера башорати афву ато банго.
Ман билмазам банго керагин сан ҳокимсан,
Манъ айла, верма, ҳарна керакмаз санго, банго.
Удур банго муродки, улдур санго мурод,
Ҳошоки, сандан ўзга ўла муддао банго.
Ҳабси ҳавода кўйма Фузулий сифат асир,
Ё раб, ҳидоят айла тариқи фано банго.

"Фузулийнинг диндорлиги ва шариат йўли билан бориши таманноси ва бундан мақсад "ризойи худо" эканлигини шу ғазал очик кўрсатадир". Ғазални бошқачароқ ҳам шарҳлаш мумкиндир. Аммо шоирнинг таважжуҳи, яратгандан ҳидоят илинжи ва илтижоси "вадудона" шарҳни тасдиқлашга ҳам имкон беради.

Бу улуғ шоир дин ва тасаввуфдан бошқа ҳикмат ва тиб сингари илмлардан ҳам воқиф бўлган. Айрим асарларини шу йўсинда ёзган. "Форсийда ҳам бир девон, бир неча қасида ва маснавияти бордир. Фақат булар туркчаси қадар самимий, санъаткорона ва гўзал эмасдир...

Фузулий турк шеърида форсийдаги Ҳофиз қадар (лирик) рубобийдир. Туркда Фузулий каби дардли ва ўтли бир шоир йўқдир".¹

Назмий тафаккурнинг сўлим гулшанидан таралган мисраларнинг мусиқий оҳанги нозиктаъб инсонни ўзига мафтун этади. Муҳаммад Фузулий ўзидан олдинги сўз гавҳари заргарларининг санъатига мафтун бўлди, дили кетди. Айниқса, В.Махмуд таъкидлаганидек, Алишер Навоий асрида шарқ туркчасидан чиғатойчадан ғарб турклари қаттиқ таъсирланди. Кузатишимизча, В.Махмуд адабий меросга дахлдор мақолаларида "ўзбекча", "туркча", "озарбайжонча" тил ва адабиёт истилоҳларини қўлламайди. Авлод-аждодлари бир, ўтмиши бир-бирига боғланиб-чатишиб кетган ҳалқнинг икки хил шеvasини икки хил атама - "ғарб туркчаси" ва "шарқ туркчаси" деб номлайди. Ҳозирда жорий атамалар оммага анча сингиб кетган бўлса-да, ўша 20-йилларда истеъмолда бўлган илмий атамаларни муомалага олиб кирмасдан туриб, туркий тиллар тарихини, туркийларнинг маданий ва фикрий тадрижини батафсил ёритиш мумкин эмас.²

¹ Махмуд В. Фузулий Бағдодий. - "Маориф ва ўқитувчи", 1925, 4-сон.

² Эртуғрул Ямон. Бир чинорнинг шохлари. - "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1993, 12 июнь.

Ҳа, бадий асарларнинг услуби, тили, оҳанги масаласида ҳам аҳвол шундай. Бир чинорнинг икки катта шохлари ҳар вақт таъсир ва акс таъсир доирасида бўлди. Айтиб ўтганимиздек, Алишер Навоий замонасида шарқ туркчаси ғарб туркчасига сезиларлик таъсир қилди. "Фақат Фузулийдан сўнг, - деб ёзади Вадуд Маҳмуд "Фузулий Бағдодий" мақоласида, - ғарб туркчаси шарқ туркчасига таъсирини кучайтирди ва бу кун усмонли лаҳжасининг такомили билан таъсир яна кучайди".

В.Маҳмуд ўз мақоласининг "Фузулийнинг Туркистонга таъсири" деб номланган бўлимида озар шоирининг гўзал шеърларидан баҳраманд бўлган туркистонлик ижод аҳлининг номларини санайди, шеърларидан мисоллар келтиради. Фузулийнинг чигатоичилар орасида тарқалиши билан унинг лаҳжасида шеър айтувчилар майдонга чиққани аниқ, улардан баъзилари махсус девонлар тузишган, Умархон, Хотиф сингари шоирлар ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Умархоннинг ўғли Муҳаммадалихон ва Фано деган шоирлар назм жавҳарининг дурру маржонини Фузулий ифодасининг ипига тиздилар.

1

Ё раб, эшит бу хаста дилимнинг навосини,
Ким сандан ўзга чора эдар муддаосини,
Токи чеким замоная бор жафосини,
Ҳар дам отар нишонима тер балосини,
Майдони жахла сурди нифок аждаҳосини.

2

Субҳи қиём ўлди биз уйкудайуз ҳануз,
Гўз очди ҳар жамоа биз осудайуз ҳануз,
Хабту нахус накбата олудайуз ҳануз,
Ағёр ер пойина фарсудайуз ҳануз,
Ким солди бизни бу ерда топсун жазосини.

3

Миллат эвини йиҳди фалокат эдиб хароб,
Мавжин талотум этди бугун баҳри инқилоб,
Биздан аърус ақд юзина чекуб ниқоб,
Ё раб, қачон дучормиз ўлғай раҳи савоб,
Дафъ эт илоҳо раҳи хато раҳномосини.

Бу Сиддиқий Ажзийнинг мунаққид тарафидан мақолада келтирилган бир мухаммасидир. В.Маҳмудга муосир бўлмиши бу шоирнинг "шевада Фузулий йўлини тутган"лиги "Турк шоири Ажзий"да ҳам қайд қилиб ўтилган эди.

Мунаққиднинг "Фузулий тилининг бу кунгиси, яъни усмонлича ила шоиримиз Чўлпон ҳам баъзи чиройлик парчалар ёза-

дир" деган фикри ҳам ўз асосига эга. "Бу парча у йўлда ёзил-
ғондир:

Илк аввал гўзими ишқ ила очдим,
Ишқинг майдонина қоними сочдим.
Ишқсиз ўлкалардан у онда қочдим,
На замон боғладим зуннор ишқ.

Жаннат баним учун қуру саҳродир,
Ишқинг саҳросиким, банго маъводир,
Аксини сан банго нақадар қондир,
Қонмам, чунки билдим гулзор ишқ.

Сўйларкан дилларим на ёмон сўзлар,
Ёзаркан қаламим на ҳазин оғлар,
Соддадил бунлардан на маъно англлар.
Билмаз куч ўлдуғин изҳор ишқ”..

Маърифат аҳли, шеърият шайдолари Чўлпон ижодида бун-
дай онда-сонда учрайдиган ғарб туркчаси таъсирида битилган
айрим жўшқин мисраларни зукколик билан илғаб олади, ал-
батта.

Биз ҳар қандай асарнинг ютуқ ва камчиликларини айтиб
ўтишга ўрганганмиз. Хўш, Вадуд Маҳмуднинг "Фузулий Бағдо-
дий" номли мақоласида камчилик йўқми? У идеал мақолами? Бу
қатъий саволларга оз-моз муроса билан ёндашиб, гапни мухта-
сар қилиб қўя қолайлик. Мақоланинг мазмуни ва асосий илмий
йўналиши қониқарли эканлиги таҳлил жараёнида маълум бўлди.
Ундаги шаклий ноқислик, шеърий парчаларнинг кўпайиб кет-
ганлиги бу кунги етук танқидий мақола ёки мукамал биогра-
фик характердаги тадқиқотлар билан ёнма-ён туриш ҳуқуқини
мансук қилар, эҳтимол. Аммо у Муҳаммад Фузулий ҳақидаги
дастлабки ишлардан бири сифатида, оммага унинг асарларидан
намуналар етказиш ва унинг услубида асарлар ёзган туркистон-
лик шоирларнинг шеърларидан намуналар тақдим этиш жиҳати-
дан қимматлидир.

Оловнинг иссиқ тафти совуқ кунда, ойнанинг ёруғ нури қо-
ронғу тунда билинади. Шунга мувофиқ ҳар бир воқеа-ҳодиса
муайян тарихий шароит билан изоҳланиши эътиборга олинса,
В.Маҳмуднинг адабий меросга ихлоси, адабий танқидчилик
тарихидаги ўрни, зарур шароитда қардош миллатлар адабиётига
муружаатининг аҳамияти ва умуман ўз даврида қилган хайрли
ишлари кўзга янада яққолроқ кўринади.

* * *

20-йиллардаги барча иймонли зиёлилар сингари Вадуд
Маҳмуд ҳам илм-маърифат янгиликларига чанқоқ эди. Назари

тушган бирор нарса хусусида айтиш лозим бўлган фикр туғилса, уни албатта шу матбуотда дадил кўтариб чиқади. Унинг табиатдаги бу хусусиятини нафақат ўзбек, балки умуман шарқ ва туркий халқлар миллий маданияти ва адабиёти, матбуоти ва маорифи юзасидан ёзган "Каллами кулоҳ?", "Туркия матбуоти", "Туркиёт курултойи", "Маорифимиз" каби ўнлаб мақолалари намойиш этади. Бундай мақолаларда назари тўқ зиёли баъзан кўшни жумхурияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидан сўз очса, гоҳида тарихий масалаларга ёки янгиликларига эътибор беради.

Давр матбуотини кузатишимизча, 20-йиллар маданий ҳаётида таниқли олим Исмоил Ҳикматнинг тўрт жыллик "Турк адабиёти тарихи" китоби катта илмий янгилик бўлган кўринади. Китоб даврнинг таниқли зиёлилари томонидан тилга олинади, муносиб баҳоланади. Исмоил Ҳикматнинг хайрли хизматлари машҳур турк олими Куприлизода Муҳаммад Фуоднинг назаридан ҳам четда қолмаган. Ф.Куприлизода китобнинг тўртинчи жилдига ёзган тақризида, 20-йилларда Онатўли туркларининг тажид адабиётига оид Истамбулда Иброҳим Нажимийнинг "Тарихи адабиёт", Исмоил Ҳабибнинг "Тажид адабиёт тарихи" ва Бокуда Исмоил Ҳикматнинг "Турк адабиёти тарихи" китоблари дунё юзини кўрганлигидан маълумот беради. Охири асарнинг аҳамияти устида тўхталиб олим шундай ёзади: "Бунлар орасинда ихтав этдиг матарёли (қамраб олинган материал - Б.К.) эътибори-ла энг зангин ва қимматли ўлан асар, шубҳасиз Исмоил Ҳикматнинг китобидир. Бу асар соясинда бу гун Озарбайжон қорилари янги турк адабиётининг умумий жараёни, унинг бошлажи сиймоларини қулайлик-ла ўргана биларки бунинг на муҳим бир хизмат ўлдиғи майдондадир".¹

Тақризчи - олим китобнинг нафақат озарбайжонлик ўқувчилар, балки Туркия мактаблари учун ҳам "чўқ фойдали ва қимматли" қўлланма бўлганлигини, адабиёт тарихи дарслиги тузишда дастлабки тажриба бўлгани учун хато ва камчиликлар узрли эканини, умуман, муаллифни шундай фойдали асари билан қутлаш лозимлигини айтади.

Туркия билан Туркистон орасидаги масофа узок: ўртада чўллар, тоғлар, дарёлар бор. Уларнинг адабий муҳити биздаги мутахассис ҳамда ўқувчилар учун бир оз мавҳум. Аммо шунга қарамай Исмоил Ҳикмат китобининг аввалги - XIX аср турк адабиёти тарихига доир жилди бизда ҳам кенг тарқалади. Вадуд Маҳмуд унга бағишланган маҳсус тақриз мақоласида китобга ўзбек зиёлилари тарафидан бирор жиддий танқид ёки тақриз

¹ Куприлизода Ф. Турк адабиёти тарихи. Исмоил Ҳикмат, 4-жилд. 1925-1926, Боку. - "Маориф ва маданият", 1926, № 2-3.

ёзилмаганлигини, "Туркистоннинг кум-чўллари орасидаги буталар, кўкатлар кўлагасида ўстан ва муҳитнинг қаттиқ бўғувчи иссиғлари остида хомлигича ковурилганларга қолдирган таъсири" баён этилмаганини ўша жуғрофий тафовут, табиий тўсиқлар ҳамда ўтган асрдаги чор ҳукуматининг монёбликлари туфайли турк шоирларидан баъзиларининг бир-икки мисраси, баъзиларининг фақат отигина маълум бўлгани учун асарлари хусусида жиддий бирор нарса дейиш қийинлигига, яъни XIX аср турк адабий муҳитининг нотанишлигига боғлайди.

Мунаққиднинг ўзи эса улардан ижодини яхши билган адиблар ҳақида фикр айтишга журъат этади. У Абдулхай Ҳамидни яхши билади. Китобдаги бу муаллиф учун ажратилган бир юз қирқ саҳифалик материални ўқиб қониқмайди. Чунки "Тарих"дан Ҳамиднинг бутун ижодий борлигини ўзида мужассам этган, ғарб ва шарқ адабиётидан кимларни ўқиб ўрганганини кўрсатувчи Ризо Тавфиқбекка ёзган мактуби ўрин олган эмас. Вадуд Маҳмуд танқиди ва безовталигига уч берадиган биринчи ва асосий омил ана шудир.

Иккинчидан, китобга А.Ҳамиднинг энг муҳим насрий асарларидан намуналар киритилмаган.

Учинчидан эса, И.Ҳикмат бу адибнинг санъаткорлигини кузатишда фақат шакл масалаларига боғланиб қолади. "Рухий ҳаяжон таҳлиллари жуда оздир" (В.Маҳмуд). "Доҳи шоир"лигини намойиш этишда ҳам китобдаги талқинлар ноқислик қилади. Хуллас, танқидчи-адабиётшуноснинг фикрича, қўлланмадаги бундай камчиликлар кўрсатилиб тузатилса, нур устига нур бўлади.

Мақола фақат танқидий мулоҳазалардангина иборат эмас. Унда "Тарих"га ҳолис назар ташланиб, мақталган ўринлар ҳам бор.

"Устод Акрам ҳақида эса Исмоил Ҳикмат жиддан муваффақ бўлгондир. У Акрамнинг бутун ҳаётини, санъатини яхши таҳлил этадир, ва жонли ўлароқ кўрсата оладир. Ҳатто шу қадарки, Акрам ҳақида ёзмиш жумлаларнинг ўзиндан-да Акрам иси келиб турадир. Акрам ҳақида ёзилмиш шу қадар нарсани биз ҳалигача кўрмадик".¹

Ўша қўлланма "ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бутун инжаликларини очиб" берилишини талаб қилувчи марксчиларнинг истагини ҳам қондира олади. Унда бир асрлик адабий муҳит мунтазам ва муайян усул билан қулли ҳолатда тушунтирилганки, туркларда бундай тизим ўшангача юзага келган эмас. Умуман,

¹ Маҳмуд В. Турк адабиёти тарихи. И.Ҳикмат, Боку 1925 й. - "Маориф ва ўқитувчи", 1925, № 9-10.

китобга нисбатан асоссиз танкидий мулоҳазаларга ўрин йўқ. "Бўш сўз туяга юк" дир.

Хуллас, бу тақриз-мақола ҳам В.Маҳмуднинг сўз билан амал бирлигини, эътиборли фактларга таяниб фикрни кучли илмий асосда ифодалаб беришини ҳамда билим доирасининг анча кенг камровли эканини намойиш этувчи манбалардан биридир. Шунингдек, бу муҳим манбага таяниб, 20-йиллар адабий танқидчилиги адабий мерос масалаларида фақат ўзбек классик адабиёти доираси билангина кифояланиб қолмади, балки билимдон зиёлилар туркийлар меросига, озарбайжон ва турк адабиёти тарихига ҳам дадил мурожаат қилишди, ҳолисона, одилтона илмий фикрларини билдиришди, дейиш мумкин.

Вауд Маҳмуднинг "Навоийгача турк адабиёти" номли мақоласи адабий мерос ихлосмандининг миллий тарихимиз бағрига янада чуқурроқ кириб борганлигидан далолат беради. Мақола назарий масалалар, турк ёзувчининг тарихи, қадимги ёзма ёдгорликларнинг услуби, Навоийгача бўлган қимматли асарлар, эл адабиёти (фольклор, халқ оғзаки ижоди)нинг ўзига хос хусусиятлари каби масалаларни қамраб олади.

Туркий халқларнинг ёзма адабиёти жуда қадимийдир. Чунки уларнинг ёзув маданияти милоддан илгариги замонларга бориб тақалади. Бу халқ исломий эътиқодга киришдан илгари, араб алифбосини қабул қилишдан аввал ўзларининг махсус ёзувига эга бўлган. Бу ёзув бир неча шаклий босқичларни бошидан кечирган бўлиб, уларнинг муқимлашган кўриниши тил тарихи илмида Ўрхун-Енисей, руник, уйғур ёзувлари номлари билан машҳурдир.

Хитой маданиятининг жуда қадимийлигини назарда тутган В.Маҳмуд туркийлар махсус алифбосига эга бўлмаган пайтларда хитой ёзуvidан фойдаланган бўлса керак, деб ҳисоблайди.¹ Кул-Тагин ёзма ёдгорликларининг бир тарафи ўрхунча, иккинчи томони хитойча битилгани шу мулоҳазани асослар экан. Шу билан бирга муаллиф ўз мақоласида турк-руник ёзувининг майдонга келишига тибет, маоний, сурия алифбосининг таъсир этганлигини тахмин қилади.

Туркийлар алифбосининг келиб чиқиши тарихи ва таъсирланув омиллари хусусидаги бу илмий муаммо ғарб ва шарқ, шунингдек, ўзбек олимларининг эътиборини шу кунга қадар ўзига тортиб келади. Бу масалада турлича талқинлар, баҳс ва мунозара, инкор ва тасдиқ, турлича тахмин ва таклифлар мавжуд. Масалан машҳур тилшунос Е.Д.Поливанов 1929 йилда

¹ Маҳмуд В. Навоийгача турк адабиёти. - "Маориф ва ўқитувчи", - 1926, № 1.

ёзиб чиққан бир мақоласида турк-руник ёзувида оромий, сўғд ва паҳлавий ёзувлари таъсири борлигини айтади, Насимхон Раҳмон томонидан ёзилган "Турк ҳоқонлиги" номли рисолада туркий алифбо оромий ёзувининг ижодий ривожлантирилиши, унга греклардан айрим элементлар кўшилиши натижасида юзага келганлигини маълум қилади. В.Маҳмуднинг фикри ҳам шулар қаторига кирадиган бир илмий қарашдир. У ёзув тарихига тўхталар экан, уни махсус, мукамал тадқиқ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Балки умумий мулоҳазаларини баён қилиб, ёзма адабиёт масалаларига келади. Ўрхун ёзувининг тили ва услубига диққат қилади. Муаллифнинг пайқашича, маданий ёзма ёдгорликлар матни оддий сўзлар мажмуасидан иборат эмас, баъзи жойларда "мукаффо иборалар, мавзун фард ва қитъалар" учрайди. Бу фактлар унинг ишланган адабий тилда ёзилганига гувоҳлик беради. "Туркийлар шомон динида бўлган чоғларида "Хуос танифат" унвонли ибодатхоналарида ўқилатурғон тавба дуолари бўлгон".² Мазкур фикрлар воситасида муаллиф ишланган адабий тилнинг қадимийлигига яна бир бор урғу беради. Умуман олганда, ёзма ёдгорликлар бадиий адабиётнинг қадимийлигини кўрсатади. Санъат ҳам тил каби қадимийдир.

20-йиллар адабий мерос юзасидан фикр билдирган айрим олимлар Навоийгача бўлган турк адабиётининг намунаси сифатида, "турк тили асрининг энг эски даврида" битилган асарлар сифатида "Қутадғу билиг" (462 ҳижрий), "Юсуф ва Зулайҳо" (630), Рабғузийнинг "Қисасул анбиё" синигина (710 ҳижрий) санайдилар. Қолбуки, ўша даврга тегишли бўлган "Китоби Куркут", "Ҳийбатул ҳақойиқ", "Девону луғатит турк" каби ажойиб асарлар бор. Булардан бошқа (754) Хоразмий отли бир шоир томонидан чигатойча ўлароқ Сарой шаҳрида ёзилган "Муҳаббатнома" ва 800 да ёзилган - уйғурча асли у ёнда бўлгон "Тузуқоти Темур", 836 да ёзилган "Меърожнома" ва 863 да ёзилган "Бахтиёрнома" турк эски адабиёти асарларига кирадиган васиқалардандир".³

Мақоланинг "Эл адабиёти" деб номланган иккинчи қисмида муаллиф халқ оғзаки ижоди хусусида фикр юритади. Оғзаки ижодни халқимизнинг қимматли мероси сифатида ўрганиш бошланаётган 20-йилларда, мазкур илмий йўналиш бўйича Ғози

¹ Раҳмон Н. Турк ҳоқонлиги. Т., - 1993, 35-36 бетлар.

² Маҳмуд В. Навоийгача турк адабиёти. - "Маориф ва ўқитувчи", - 1926, № 1. В.Маҳмуд бу мақоласини ёзишда "Татар адабиёти тарихи", "Миллий татаббулар мажмуаси", "Эллик мутасаввуфлар" каби қимматли манбалардан фойдаланган.

³ Маҳмуд В. Навоийгача турк адабиёти.- "Маориф ва ўқитувчи", - 1926, № 1.

Олим сингари зиёлилар изланишлар олиб бораётган бир жараёнда Вадуд Маҳмуд томонидан илмий муомала доирасига олиб кирилган тасниф ва назарий қарашлар жуда ҳам қимматли эди. В.Маҳмуднинг халқ оғзаки ижодига тааллуқли бўлган назарий қарашлари А.Фитратнинг ҳам диққатини ўзига жалб этгани маълум. У "Адабиёт қоидалари" китобининг "Эл адабиёти" бўлимида тубандаги жумлаларни ёзади: "Ёзма адабиёти, эл адабиёти деб адабиётни иккига ажратадирлар. Бу ажратиш тўғрисида ёш адабиётшуносларимиздан В.Маҳмуднинг шу аҳамиятли фикрини тасдиқлайлик: Локин ёзма ва эл адабиёти орасини айирмоқ ва бунларни жамъ ва монё таъриф қилмоқ қийиндир. Ҳатто мумкин эмасдир. Ёзма адабиётнинг бир хусусияти ёзмалиги, иккинчиси, асар эгасининг маълум бўлишидир.

Эл адабиётининг хусусиятида шу сифатларнинг бўлмаслиги ва оғиздан-оғизга кўчиб юришидир.

Энди таҳлил қилайлик: Биринчи: бир вақтлар ёзма ўлароқ тасбит этилган (майдонга келган) бир адабий асар йўқолди дейлик ва сўнгра унинг парчалари оғиздан-оғизга кўчиб юради ва алар эгасининг оти ҳам унутилади, дейлик.

Иккинчи: оғиздан-оғизга кўчиб асрларча юрган дoston, мақоллар ёзилиб бир мажмуа ҳолига келтирилди дейлик. (Қандайки, бу кун ҳар ерда қилинадир).

Бу икковини қандай қилиб ажратиш керак ва қайсисини қайсисига киргизиш керак ?"

В.Маҳмуд "эл адабиётининг эгаси маълум бир киши эмас, унинг эгаси халқдир" деган фикрни ҳам мана шундай чурутадир:

"Ҳеч бир дoston, мақол, топишмоқ, ашула йўқки йигирма киши ўйлаб туқуғон ёки басталағон (боғлағон) бўлсин.

Ҳар бир дoston, мақол, топишмоқ, ашула асосан бир киши томонидан чиқариладир-да, сўнгра умумийлашиб кетадир.

Туркистоннинг сўнг шоирларидан Муқимий, Фурқат, Ҳазиний парчаларида шундайлари борки, агар аллақайси қоронғу тоқчаларда чуруб, қарориб кетган баёзлардан кўриб эгаларини билган бўлмасак, уларни эл адабиётидан ҳеч вақт ажрата олмас эдик..."

В.Маҳмуд фикри жуда тўғри. Бу икки турли адабиёт орасидаги фарқни ёзмок, ёзилгонликда ёки эгасининг белгили, белгисиз бўлғонида кўрмок ёнглишдир. Шундай бўлса ҳам, бизнинг санъаткор адабиётимизга қаршу ўзининг самимийлиги, соддалиги билан ўз борлигини сақлаб келган бир адабиётнинг борлиги маълумдир. Бироқ бунинг айирмаси ёзма бўлмаслигида ё эгасининг маълум эмаслигида эмас, ўзини руҳидадир".¹ Фитратдек

¹ Фитрат. Адабиёт қоидалари. Тошкент-Самарқанд. - 1926.

юксак мавқели олимнинг "Навоийгача турк адабиёти"дан кўчирмалар олиб тасдиқ этиши В.Маҳмудга нисбатан ҳурмат ҳамда бўлажак олим фасоҳатини қадрлашнинг белгиси ҳам эди. Ҳа икки олим фикрича, эл адабиёти, яъни фольклор ўзидаги руҳият, соддалик ва самимият билан ажралиб туради. Исломиятдан олдин ёзилган "Ўғизнома" ана шундай асарлар жумласига киради. "Бунлардан бошқа эл адабиётига оид яна бир қанча ёзилгон ва ёзилмагон асарлар майдондадир", деб яқунлайди мақоласини В.Маҳмуд.

Вадуд Маҳмуд ўз мақоласида адабиётни "ёзма" ва "эл адабиёти" шаклидаги терминлар билан назарий классификация қилиб, ўз фикр-мулоҳазасини баён этади. Айнан термин масаласида Ш.Сулаймон ҳам "Ўзбек адабиётининг ҳозирги ҳолини руслар қандай кечирган?" номли мақоласида "оғзаки адабиёт" ва "таҳририй адабиёт" атамаларини қўллайди.¹ Ш.Сулаймоннинг "таҳририй адабиёт" термини оммалашмаганидек, В.Маҳмуд ишлатган "эл адабиёти" атамаси ҳам кейинчалик ёзилган назарий китоблардан ўрин олмади.

Мунаққиднинг "Навоийгача турк адабиёти" мақоласидаги айрим мулоҳазалар кейинги даврларда В.Маҳмуд Фитрат ва Элбекларга ўхшаб "Октябрдан олдин яратилган оғзаки адабиётнинг (ёзма адабиёт каби) синфий характерга эга эканини, уни халқ манфаатлари нуқтаи назаридан танқидий ўрганиш лозимлигини тушунмади",² деган таъна-дашномларга сабабчи ҳам бўлди. Асл ҳақиқат, В.Маҳмуднинг бундай таъналардан, "синфийлик", "танқидий ўрганиш" сингари ўткинчи сиёсий талаблардан ҳоли эканини кўрсатади. 20-йиллари арабий имлода нашр этилган газета ва журнал саҳифаларидаги манбалар унинг адабий мерос ва халқ оғзаки ижодига ниҳоятда ҳолис, илмий муносабатда бўлганлигини кўрсатади.

Вадудлар авлоди сув ичган булоқлар тоза эди. Уларнинг авлоди оёқ босган маънавий замин пойдевори асрлар қаърига чуқур илдириб отган эди. Шу боиски, улар зўравон келгиндиларнинг таҳқирловчи назарлари ва давр сиёсатининг беқарор ўйинларига имкони борича хушёр қарашга ҳаракат қилдилар. Уларни руҳий-маънавий қарахтликдан ҳалос этгувчи, ҳар вақт ўзига, ўзлигига назар ташлашга мажбур қилгувчи энг муҳим омиллардан бири тарих эди, тарих саҳифаларига бебаҳо асарлар кўринишида муҳрланиб қолган, истиқболни ҳар доим кузатиб тургувчи авлод-аждодаларнинг синовчан нигоҳи эди.

¹ Сулаймон Ш. Ўзбек адабиёти ҳозирги ҳолини руслар қандай кечирган? - "Қизил байроқ", - 1922, 5-7 май.

² Юнусов М. Барҳаёт анъаналар. Т., 190 - бет.

В.Махмуд ўз маслакдошлари сафида бу масъулиятни ҳамиша ҳис этиб турди. Шунинг учун унинг асарларидан, хоҳ у адабий танқидий мақола бўлсин, хоҳ у ижтимоий-сиёсий ёки маданий-маърифий мақола бўлсин ўша масъуллик туйғусининг ифодаси бўлиб, тарихга чексиз ҳурмат-эҳтиром нафаси келади. У бир мақоласида даврининг маънавий кемтиклари хусусида тўхталиб, ҳалигача Туркистоннинг тарихини ўрганишга жиддий киришилмаганини айтади, афсус чекади. Ақалли Бухоро тарихини ёритган Бартольд ёки Вамбери ёхуд Садриддин Айний асари бўлса ҳам, босиб чиқариш лозимлигини таклиф этади, улар Туркистоннинг мукаммал тарихи бўла олмаса-да, материал сифатида, айрим тарихий воқеалар ва шахслар тўғрисида маълумот сифатида аҳамияти борлигини таъкидлайди. Миллат тарихида ёрқин из қолдирган шахслар тўғрисида: "Ҳозирги вақтимизда фахр қилатурғон кишиларимиз йўқ экан, бир оз тарихимиздагиси билан мақтанайлик. Бу мақтаниш бўш бир нарса бўлиб қолмас. Ўшал буюк кишиларни етиштирган ўлка ҳозир ҳам бор, ўшал истейдод ҳозир ҳам яширин хазина каби ўлкамизнинг бурчакларида турибдир. Биз бошларимизни бир оз қарасак юзидаги зангларни, доғларни силасак яна ҳаёт майдонига чиқамиз. Мана шу "баъса баъдал мавт"га (қайта тирилишга - Б.К.) эришмак учун бир оз ҳаракат керакдир. Шу ҳаракатни буюк кишиларимиздан оламиз. Ва шу йўлга ишониб кирамиз. Бу йўлда ишлаш учун ҳар шаҳарда турлик комиссиялар тузилиши керакдир. Булар биргалашиб, бир хатти ҳаракат билан ишга киришишлари керакдир. Муваффақият ташаббусга боғлиқдир"¹, деган жумлаларни ёзади.

Асримиз бошида илм-фаннинг жуда кўп соҳалари янгидан қайта тирилишга, мавжудлари парваришга муҳтож эди. Табиий фанлар бўйича дунё илм-фан миқёсидаги янгиликлар, кашфиётлар маърифатталаб оммага етказилиши лозим эди. Ижтимоий фанлар, айниқса, тил, тарих ва адабиётшунослик ўз тадқиқотчиларини кутиб турар эди. Бу соҳалар ривожини учун ўзига хос илмий муомала тили ҳам зарур эди. Йиллар ўтган сари илмий услуб шакллана борди. Бу ишда чигатойчилар, яъни "Чигатой гурунги" теварагига бирлашган жонқуяр зиёлиларнинг туркийча сўзларни муомаллага киритиш учун елиб-югуришлари самарасиз қолмади. Натижалар Фитрат каби олимларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Бошқа баъзи бир рус илмий тилидан яхши хабари бор ижодкорлар ўз мақолаларида ўша истилоҳларни мумкин қадар ўзбекчага ўгириб, аслини қавс ичига олиб ишлатишди.

¹ Махмуд В. Маорифимиз, нашриётимиз. - "Зарафшон". - 1924, 14 октябрь.

В.Маҳмуд илмий қарашларини баён этар экан, адабий-илмий жараёнда содир бўлаётган услубий янгиликлардан, нуфузли зиёлиларнинг ибратли ишларидан намуна олди, уларга эргашди. Мақолаларида рус тилида қўлланувчи оригинальность, лирический, припев, тон, меланхолик, однообразие, символ, индивидуализм, классификация терминларини қавс ичига олиб; уларнинг муқобили бўлмиш асолат, рубобий, таржеъ, оҳанг, савдойи, айният, тимсол, фардиятчилик, тасниф каби атамаларни қўллайди. Мабодо ҳозирги кунги илмий услуб луғатига назар ташланса, булардан тимсол, оҳанг, рубобий, тасниф каби сўзлар асл муқобиллари билан барабар синоним бўлиб, илмий муомалада юргани аён бўлади.

Адабий меросга тегишли мақолаларида манзумаи фикрия (фикрни назмга солиш), ирфони коинот (коинот илми), тарзи баён (баён қилиш тарзи), ғайри муқаррир (бетакрор), ҳаёти адабия (адабий ҳаёт), рубъи маскун (ер юзи), ризои худо (худонинг розилиги) сингари арабча-форсча изофалар ҳамда муосир (асрдош), саҳв (хато,янглиш), эъжоз(қисқа), ҳаср қилмоқ (бағишламоқ) каби сўзларнинг учраши Вадуд Маҳмуд илмий индивидуал услубига хос хусусиятдир.

Гарчи В.Маҳмуд илмий мақолаларининг тили эскича китобларни ўқиб, янги замонга мослашаётган XX аср бошларидаги авлод ва илмий ҳаёт учун табиий бўлса-да, форс ва араб тилларидан анча-мунча узоқлашиб қолган бугунги авлод учун эриш туюлиши, тили оғирлик қилиши, фикр мужмал ва мавҳум ифодалангандек таассурот қолдириши, баъзан матнда жумлаларнинг жиндай чўзилиши, синонимталаб ўринларда бир хил сўз ёки ибораларнинг такрорланиб келиши фикрни сийқалаштиргандек ҳолатни, стилистик ғализликни юзага келтириши мумкин. Бироқ тилдаги бундай жузъий камчиликларга илмий услуб шаклланаётган даврдаги қийинчиликлар сифатида қараш тўғрироқ бўлади. Негаки В.Маҳмуд ўзи тил ва ифода масаласига жиддий эътибор қаратиб, шоир ва ёзувчилар асарлари тилидаги қусурларни танқид қила туриб, улардан фикрнинг равон баёнини талаб эта туриб ўз мақолалари устида ишламаслиги мумкин эмас эди. Шунга биноан адабий меросга тааллуқли мақолаларидан фарқли ўлароқ адабий жараёнга оид ҳамда илмий истилоҳларга эҳтиёжи бўлмаган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мақолаларининг тили силлик, уларни кўп ҳам тутлиқмасдан равон ўқиш мумкин.

* * *

Вадуд Маҳмуд адабий меросга, тарихга бўлган муносабатини ижтимоий, маърифий мақолаларида ҳам баён этади. Масалан "Маориф ишларимиз" номли мақоласида 20-йилларда юзага келган "Нашри маориф" уюшмасининг хайрли ишларига, уюшма аъзоларининг маданий меросни юзага чиқариш йўлидаги инти-

лишлари ва миллий тафаккурни шакллантириш учун қилаётган ҳаракатларига хайрихоҳлик билдиради, уларни қўллаб қувватлайди.

Маълумки, мазкур уюшма 1923 йили январь ойида ҳукуматнинг расмий идоралари ишидан қониқмаган Мунаввар Қори, Шокиржон Раҳимий, Саидносир Миржалол ўғли, Шоҳид Эҳсон афанди сингари таниқли зиёлилар ташаббуси билан тузилган эди. Уюшманинг ўз устави, мақсад ва вазифалари бўлиб, у тегишли маҳкамалардан тасдиқдан ҳам ўтказилади.

Уюшманинг мақсади шундай:

1. Ўзбек халқининг адабий тилини, бу тилнинг атамалари, имло ва бошқа тўғриларига оид масалаларини ишлаб чиқмоқ;
2. Миллий санъатни ўрганмоқ ва ўргатмоқ;
3. Ўзбек-турк тарихини, урф-одатларини ўрганиш;
4. Мактабдаги таълим-тарбияга оид масалаларни йўлга қўймоқ;
5. Илм аҳллари ва санъат ходимларига ёрдам бермоқ;
6. Туркистон, Русия ва бошқа чет элларнинг юқори, қўйи мактабларида ўқувчиларни кўпайтирмоқ, бунинг учун тегишли чоралар кўрмоқ;
7. Халқимиз орасида ҳукм сураётган беҳуда хурофот ва таассублар билан курашмоқ.

Қисқаси, ўзбек халқининг маданий ва илмий ёқлардан юксалишига ҳар бир йўл билан хизмат қилмоқдир".²

Бундай олижаноб ниятларни амалга ошириш учун уюшма аъзолари маъруза, мунозара, илмий саёҳатлар уюштириш, кўргазмалар очиш, илм ва санъат асарлари учун конкурс (пойга) эълон қилиш каби тадбирларни мўлжаллайди. Адабий мерос масаласида эса қадимий китоблар, қўлёзмалар, эскиликка ва умуман санъатга оид нарсаларни тўплаш ҳамда тарқатишни режалаштиради.

Албатта, бундай холис маданий, илмий ишларни қилишда эндигина оёққа турган уюшма учун маблағ лозим эди. Бунинг устига улар ёрдам кутган жамоа муассасалари, ҳукумат маҳкамаларининг ўзи ёрдамга муҳтож эди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, "Нашри маориф"нинг ниятлари қанчалик улуғ бўлмасин, у бирданига халқ томонидан, айниқса, зиёлилар жамоаси тарафидан тезда қўллаб қувватланавермади. Бунинг серғалва 20-йиллар адабий-илмий жараёни билан боғлиқ объектив сабаблари бор. Биринчидан, уюшма ўз зиммасига олган тадбирларни

¹ Маҳмуд В. Маориф ишларимиз. - "Туркистон". - 1923, 25 март.

² Раҳимий Ш. "Нашри маориф" нима? - "Туркистон". - 1923, 13 февраль.

кўзлаб ҳаракат қилаётган, аини пайтга келиб фаолияти бир оз сўсайган "Кўмак" уюшмасининг обрўси ҳали тўла тушиб кетмаган эди. Шунинг учун янги уюшмага эътироз тарзида баъзи зиёдилар тарафидан соф илмий масалалар билан шуғулланувчи "Чигатой гурунги"ни қайта тиклаш ва "Кўмак" уюшмасининг фаолияти билан бирлаштириш таклифи ҳам айтилди. Иккинчидан, "Нашри маориф" амалга оширмақчи бўлган ишларни ҳукумат идоралари ҳам режалаштирган бўлиб, унинг ижросида бир оз лоқайдлик ва сусткашлик ҳукм сураб эди. Уюшманинг фаолияти юзасидан турли-туман фикрлар, баҳс-мунозаралар юзага келди. Уюшма шундай жараён гирдобида бор-йўғи олти ой - 1923 йилнинг июлигача умр кўрди. Ўз олдига қўйган мақсадларнинг маълум қисминигина амалга оширди: етти минг жилд китобдан иборат бўлган "Исҳоқия" кутубхонасини Тошкентга кўчириб келишга бош-қош бўлди; талабаларга ёрдам пуллари жўнатди, имло масалаларида айрим тadbирлар ўтказди. Энг муҳим "Нашри маориф"нинг Наманган бўлими фаолларининг ижтиҳоди туфайли адабий меросга оид энг ноёб асарлардан бири қўлга киритилди. Юсуф Хос Ҳожибнинг машхур "Кутадғу билиг" асари топилиди. Абдурауф Фитрат "Кутадғу билиг"нинг Наманган нусхаси билан танишиб махсус мақола ёзади, "Нашри маориф"дан миннатдор бўлади.¹

А.А.Потебня ва айниқса А.Н.Веселовскийнинг умумжаҳон маданияти тарихи билан чамбарчас боғлиқликда майдонга келган фундаментал илмий tadқиқотларини назарда тутган Н.М.Бахтин "Адабиётшунослик энг аввало маданият тарихи билан мустаҳкам алоқа ўрнатиши керак",² деган сатрларни ёзади. Бу фикр бевосита адабиётшунос олимнинг тафаккур тарзи кенг кўламли бўлишига ҳам тааллуқлидир.

Вадуд Маҳмуд адабий-илмий муаммолар, ижтимоий-сиёсий воқеалар, маориф ишлари, ҳарф ва имло масалалари, ўзбек тили муаммолари, хуллас, қандай мавзуда қалам тебратмасин, дунёқарашининг кенглиги, теран фикрлаши, адабий меросга ҳурмат-эҳтироми, жаҳон маданияти тарихидан хабардорлиги яққол сезилиб туради. Мунаққиднинг "Туркиёт қурултойи" мақоласида ҳам шу хусусиятларни кузатиш мумкин.

Ер юзидаги миллатлар моддий неъматлар ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилиши, умуман, цивилизациян йўналиши жиҳатидан катта фарқ қилмайди. Аммо маънавий маданиятда ҳар бир миллат ўзига махсус руҳий дунёси

¹ Қаранг: Каримов Н. "Кутадғу билиг"нинг топилиши. - "Фан ва турмуш", - 1993, № 2.

² Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. - М., 1979, 329-бет.

борлиги учун бириси бошқасидан тафовутланади. Шунга кўра жаҳон маданияти тарихида олмон, италян, француз, араб, чин меъморчилиги сингари тушунчалар мавжуд. Мусика соҳасида ҳам шунга менгзаш ҳолат. Айнан бир географик муҳитда яшовчи икки миллатнинг мусика асбоблари ҳам, куй-оҳанглари ҳам фаркланади, яъни икки хил. Ҳар бир миллат маданияти, санъатидаги ўзига хослик қадим-қадим замонларга бориб боғланади. Уларнинг асрдан асрга, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиши ўша қавм табиатидаги хусусиятларга ҳам тааллуқлидир. Мабодо, миллат руҳан, табиатан ожиз бўлса, бошқа миллатлардан тез таъсирланади, бошқа миллатнинг маданий оламига сингиб кетади, аслиятини йўқотади. В.Маҳмуднинг тахминича, ҳинд ва хитойларни кучли миллатлар қаторига қўшиш мумкин. Негаки улар сиёсий ва маданий тарафдан қанчалик қарам бўлмасин, ўзларига хос урф-одатлари, санъатлари ва динини йўқотмаганлар. Русларда бу хусусият нисбатан заифдир. Маънавий оламда миллат ўз аслиятини сақлаш эҳтиёжи "ғарбиёт", "русиёт", "шарқиёт" сингари тушунчаларни юзага чиқарган. Шуларга ўхшаш В.Маҳмуднинг ёзишича, "туркиёт, туркулужи, турколагия" тушунчалари "туркни танимоқ илми" маъносини англатади. Кўчирма: "Туркиёт илми ғарбда ва бизда бошқа-бошқа эҳтиёжлар орқали туғилди. Ғарб миллатлари илмга хизмат учун, балки биздан истифода этмак (фойдаланмоқ) ва бизни яхшироқ-осонроқ идора этмак учун, иш бошладилар.

Биз эсақ ўзимизнинг кимлигимизни билмак ва бошқалар орасида мавқеимизни билмак учун киришдик; бизнинг бу ишимиз икки жиҳатлидир: бир ёқдан билимга хизматдир, иккинчи ёқдан ўзимизни билмакдир.

Ҳар илми илгари суриш учун мутахассисларнинг бир-бировлари билан муносабатда бўлишлари, хабарлашиб туришлари кўб ёрдам берадир, бу кунги туркшунослар бир-бировларининг ишлари билан танишмоқ ва келгуси ишларининг планларини чизмак истаганларидан биринчи ўлароқ бир туркиёт қурултойи чақиришга қарор бергандир".¹

Ғарчи мустабид тузум даҳоларининг фармонларига кўра 1924 йилда маънавий-тарихий илдизи муштарак бўлган миллатлар орасига "хитой девори" қўйилиб, миллий жумҳуриятлар ташкил этилган бўлса-да, Советлар Иттифоқи гўё туркийларнинг ўзлигини таниши учун имконият яратиб ҳомийлик қилди. Адашмасак, 1926 йили бўлган Боку қурултойи моҳият эътибори билан туркийларнинг келажақда ажралишлари учун қўйилган дастлабки қадам эди. Яқин тарихимиздан маълумки, лотиннинг

¹ Маҳмуд В. Туркиёт қурултойи. - "Маориф ва ўқитувчи", 1925, №11.

осонлиги ва замонавийлиги, араб алифбосининг қийинлиги ва туркий тиллар табиати учун яроқсизлиги, қолаверса, лотин алофида бирлашиш баҳонаси рус алифбосига ўтиш учун пиллапоя бўлган эди.

В.Маҳмуднинг ёзишича, бўлажак Боку қурултойида ўнлаб масалалар кўрилиши керак. Турк дунёси олимлари ва туркиёт билан шуғулланадиган мутахассислар бу қурултойда тил ва адабиёт тарихи, дин ва маданият тарихи билан боғлиқ масалалар юзасидан маърузалар қилиши керак.

1926 йилги бу қурултойга Ўзбекистондан Элбек, Исмоил Садрий, Ашурали Зоҳирий, Раҳим Иномов, Шокиржон Раҳимий, Назир Тўрақулов сингари таниқли зиёлилар вакил бўлиб боради.

Шокиржон Раҳимийнинг анжумандан кейинги ҳисобот маърузасида айтилишича, қурултойда Мажористон, Олмония, Туркия мамлакатларидан олимлар қатнашган, жумладан, акад.Бартольд, проф.Монтал, акад.Олдинбург, проф.Купирилизода Муҳаммад Фуод, Самайлович, Малов, Б.Чубанзода каби туркологлар қизиқарли маърузалари билан бир неча марталаб минбарга кўтарилган.¹ Мўлжалга мувофиқ лотинга ўтишнинг тамал тоши ана шу анжуманда қўйилади. "Шу ерда машҳур турк олими Фуод Купирилизоданинг қурултойда сўзга чиқиб, бу ҳаракат (лотинга ўтиш ҳаракати назарда тутилади - Б.К.)ни қаттиқ танқид қилганини ҳам эсга олиб ўтиш ўринлидир. Меҳмон қурултойдан кейин Чубанзода билан суҳбат қилиб унга шундай савол беради:

- Бакирбек, бу йўл таҳликали эканлигини тасаввур қиласизми?

- Фуод афанди, агар бирдан кирил ҳарфига ўтадиган бўлсак, жабр тортишимизни билганимиз учун ҳам шундай йўл тутишга мажбурмиз, - дейди унга жавобан Чубанзода. Куприлизода Туркияга қайтгандан сўнг ўзи ҳам Отатуркнинг лотинга ўтиш ҳақидаги фармонига мойиллик билдиришга мажбур бўлади".²

Боку қурултойидан кейин бу ҳаракат тобора оммавийлаша борди. Лойиҳалар эълон қилинди, миллий жумҳуриятларнинг ҳар қайсилари ўзларида лотинчага ўтиш масаласини муҳокама этди, анжуманлар уюштирди. 1928 йили Самарқандда иккинчи Туркиёт қурултойи чақирилди. Махсус расмий қарорлар чиқариш, вақтни белгилаб, шарт қўйиш даври ҳам яқинлашиб қол-

¹ Раҳимий Ш. Туркиёт қурултойининг яқунлари. "Қизил Ўзбекистон", 1926, 14 май.

² Нугоев С. Туркий тиллар бирлашмоғи керак. - "Замон Ўзбекистон", 1993, 16-31 июль.

ди. 1929 йили туркий жумхуриятларнинг кўписи лотинчага ўтдилар, жумладан Ўзбекистон ҳам. Хуллас, ғарб олимларининг "чукур" назарий асослашлари ва В. Лениннинг "Лотинлаштириш - бу Шарқ учун революциядир" деган шиори туркий жумхуриятларнинг батамом лотин алифбосини қабул қилишлари билан якун топди. Юқорида айтганимиздек, бу рус алифбосига ўтиш учун кўникма, оралиқ боскич бўлди.

* * *

Дастлабки Туркиёт қурултойи режаларини матбуотда эълон этган Вадуд Маҳмуд кейинги жараёнларга иштирок қилгани йўқ. Чунки унинг ҳаёт йўлида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Таржимаи ҳолига оид айрим фактларни такрор эслатиб ўтамиз. 1927 йили кузида Ўзбекистон қизил маданиятчилари қурултойи залидан "бир хас сингари итқитилган"дан кейин (Боту таъбири) матбуот саҳифаларида умуман кўринмай қолди. 1929 йили таниқли олимлар, зиёлилар, руҳонийлар қатори бошига ёғилган тухмат бало-офатлари туфайли Ўзбекистондан бадарға қилинди. 1934 йили сургундан қайтгач, Тошкент шаҳрининг Дорхон маҳалласида то қайта ҳибсга олингунча - 1937 йилга қадар ёзувчи Мирзакалон Исмоилийларга қўшни бўлиб яшади. Қамок-сургун муддатини Архангельскда ўтказиб, 1956 йили умуман саломат қайтиб келади. Афтидан В.Маҳмуднинг М.Исмоилий билан 30-йилларда бошланган салом-алиғи, хат-хабари ва ижодий мулоқотлари бир умр давом этган кўринади. М.Исмоилий "Фарғона тонг отгунча" романини ёзиш жараёнида тайёр бобларни нозик сўз санъати билимдони В.Маҳмудга юбориб маслаҳатлар олиб туради.

Далил сифатида тарихий бир хат: "Ассалому алайкум, хурматли Вадуд ака! Сизнинг 3-август тарихли мактубингизни олиб ниҳоятда қувондим. Шунчалик илтифот қилганингиз учун миннатдорман. Сиз мактубингизда санаб ўтган камчиликларни Тошкентдаги бир араб тили ва ислом дини олими ҳам айтган эди. Сизнинг мактубингиз у кишининг мулоҳазаларини тасдиқлаб тушди. Китоб шаклида чиқадиган роман қўлёзмаси нашриётга, яъни босмаҳонага тушиб кетди, шунинг учун зарур тузатишларни биринчи корректурада киргизишга тўғри келади. Биринчи корректура сентябрсиз чиқмас деб ўйлайман. Унгача яна бошқа мулоҳазаларингиз билан ҳам оғалик қиласиз деб ишонаман. Вадуд ака, Сизга эриш туюлган форсча, арабча сўзларни албатта тузатаман, бу жиҳатдан кўнглингиз тўқ бўлсин. Оятларнинг тўғри ёзилишига, анбиёни саҳоба билан алмаштириш зарурлигига, икки гувоҳни тўрттага чиқариш, Ғулломжонни олим ва фозилликдан тушириш кераклигига алоҳида эътибор бераман. Аммо 49-бетдаги шеър сатрларидан биридаги

12 ҳижони қандай қилиб 11 га туширишга ҳайронман. Сиз-ку танилган шоирсиз, балки ўша фикрни 11 ҳижо билан ифода этишга ёрдам қиларсиз? Менинг бу муломалам салом бериб ўтаётган бир бечоранинг аравасига сўрамасдан чиқиб олган сурбет кишининг одобига ўхшаса ҳам, ҳар ҳолда яна шунга журъат қилдим.

Бу ерда "ҳамшўр" деган сўзга тушунмаганингизни айтибсиз. Наҳотки? "Ҳамдард" қабилидаги сўзлардан бири-ку. Балки ноўрин ишлатилгандир-ку, Сизга англашилмай қолгандир.

Вадуд ака, журналда босилаётган қисмларни номерма-номер ўқиб борсангиз-да, иложингиз ва фурсатингиз бўлса, фикр ва мулоҳазаларингиз билан мени хабардор қилиб турсангиз. Улгурганимизча тузатиб юборардик, бу эса романнинг ҳам маданий, ҳам адабий палласига тош босар эди. Бу бир илтимос. Иккинчи илтимос шуки, агар роман Сизнинг дидингизга ёққан бўлса, уни тожикчага таржима қилиш заҳматини ўз устингизга олсангиз, негаки таржима қилиш маҳалида ундаги камчиликларни тузатиб юборишда катта ёрдамингиз тегар эди. Зеро романда баҳс этилган шахсий ва ижтимоий бахтсизликлар тожик меҳнатқашларининг ҳам бошида бор.

Салом ва эҳтиром билан Мирзангиз.
9.8.58" ¹

Узундан-узун кўчирма қилиб келтирилган бу қимматли мактубни махсус изоҳлашга, В.Маҳмуднинг шахсияти, бадий-эстетик диди, обрў-эътибори ва олимлик салоҳиятига тааллуқли нуқталарни қайта-қайта таъкидлашга эҳтиёж бўлмаса керак. Айтиш мумкинки, унинг табиатидаги бу фазилатларнинг илдизи, эмирилмас ички бутунликнинг негизи тошга ўйилган нақшдек қалбига муҳрланган устозлари ўғитига, оғмачилик, субтсизлик, чақимчилик ва сотқинлик авж олган 20-30 йилларнинг синовларига бориб тақалиши табиийдир. Мактуб айнан ана шу жиҳати билан марказий мавзуга боғланади, уни янада ойдинлаштиради ва тўлдирди.

Хуллас, Вадуд Маҳмуд ўзидаги адабиётга нозик кўз қараши-ни, бадий асар гўзаллигини ҳис этиш қобилиятини йигирма йиллаб шимолий кутбда қамоқ ва сургун азобларини бошидан кечириб қайтганда ҳам йўқотмаган эди. Юз минглаб сиёсий маҳбуслар, минглаб ўлим офати билан олишгаётган ожиз тақдир-дошлари ичидан фақат ички руҳий олами мустаҳкам кишигина ўз шахсиятини, собит инсоний қиёфасини сақлаб омон чиқа олиши мумкин эди. (Бу фашистларнинг мудҳиш концлагерлари-да ҳам тажрибадан ўтган воқелиқдир).

¹ Хат Ўз ФА муҳбир аъзоси, физика-математика фанлари доктори профессор Ш.Воҳидовнинг шахсий архивидан олинди.

20-йилларнинг суронли, мураккаб мухитида руҳияти тобланган, эътиқоди шаклланган Вадуд Маҳмуд шундай инсонлардан бири эди. У камокдан қайтиб келгач, то умрининг охирига қадар Тожикистон Республикаси Фахрлар академиясининг Рудакий номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб хизмат қилади. "Фарҳанги забони тожики"ни тузишда қатнашади, Бедил шеърляти билан шуғулланади, онда-сонда шеърлар битади, узоқ ўтмишдаги жўшқин дамларини эслаб хотиралар ёзади. 1976 йили эса ҳаётдан кўз юмади.

Мазкур бобдан юзага келган хулосалар шулардан иборатки, Вадуд Маҳмуднинг классик адабиётимизга, умуман, маданий меросимизга ғайриилмий нуқтаи назардан бирёқлама қараганлиги хусусидаги фикрлар ўз асосига эга эмас.

В.Маҳмуд ўзбек навоийшунослигини бошлаб берган, шу улуг "гениал шоир" ҳаёти ва ижодига, ўзига хос дунёқарашига ва яшаган мухитига оид энг муҳим фикр ва фактларни биринчилардан бўлиб оммага тақдим этган адабиётшунослардандир.

У ўзбек классик адабиётининг энг нурли чўққиси бўлмиш Алишер Навоий сиймосига мурожаат қилибгина қолмади, балки айнан шунга ўхшаш санъаткорликнинг юксак нуқтасида турувчи озарбайжон халқи, умуман, туркий халқларнинг ажойиб фарзанди Муҳаммад Фузулий ижодиётига, ҳаётининг саҳифаларига, озарбайжон ва ўзбек адабиёти орасидаги анъаналарнинг таъсири ва акстаъсири масалалари ҳазинасига ҳам илк бор қалит солди. Фузулий ижодининг фалсафий асосини дунёвийлик билан бирга исломий тасаввуф ташкил этишини алоҳида таъкидлади.

Вадуд Маҳмуд дунёқарашини, билим даражасини кенг ижодкорлардандир. У ҳар бир замонавий ва тарихий воқеа-ҳодисага миллатнинг маданий савиясини, ўзига хос миллий тафаккур тарзини ва урф-одатларини нуқтаи назардан муносабат билдиради. Ўша маданий, маърифий, адабий ва тарихий воқеликларни баҳолашда айрим кимсаларга ўхшаб фикрий ожизлик ёки миллий маҳдудлик чегараларида қолиб кетгани йўқ. Балки умуминсоний қадриятлар даражасини ҳамда жаҳон маданий савиясини мезон қилиб олди. Кўнгилни кенг тутди, фикрни эркин қўйди.

Хуллас, Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллардаги адабий-танқидий, маданий-маърифий мақолалари, жамият ҳаётидаги амалий фаолияти тадқиқ этилганда, даврнинг манфур сиёсати жабр-зулмига рўбарў келган, қатъиятли, муқтадир ва билимдон инсон сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Халқ, эл-юрт манфаатларига, адабий мерос ва халқ озаки ижодига қарши боришлик туйғуси унга муғлақо бегона эканлиги маълум бўлади.

Вадуд Маҳмуднинг асарлари унинг шахсиятини оқлаш, илмий иқтидорини намойиш этиш ёки 20-йиллар адабий танқидчилиги тарихидаги муносиб ўрнини кўрсатиш учунгина эмас, балки ўша давр адабий-илмий мухитини, миллий тафаккурининг муайян бир босқичини, иймон-эътиқодли бир инсоннинг дунёқарашини моҳиятини очиб бериш учун ҳам ниҳоятда қимматлидир.

ХУЛОСА

XX аср тонгида Туркистон маданий муҳитида газета, журнал ва янги типдаги мактаблар сон-саногии ва нуфузи кундан кунга органлиги, вақтли матбуотнинг такомиллашуви натижасида бадий асарлар, адабий-танқидий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мақолалар халқ оммаси орасига кенг тарқалгани маълум.

Шулар қаторида нафис санъатнинг, бадий адабиётнинг асл моҳиятини ифодаловчи "Адабиётимиз ва шоирларимиз" (Н.Даврон), "Театр надур?" (М.Бехбудий), "Адабиёт надур?" (А.Чўлпон), "Шеър ва шоирлик" (А.Фитрат), "Саноеъ нафиса" (А.Авлоний), "Гўзал санъат дунёсида" (А.Саъдий) каби адабий-назарий мақолалар юзага келди. Умуман олганда, профессионал адабий танқид ҳам вақтли матбуот заминида, вақтли матбуотнинг ривожланиши, кучая бориши жараёнида шаклланди. Бироқ бу фикр-мулоҳазалар адабий танқиднинг қадимийлигини, ўтмиш адабиётимизда хилма-хил шаклларда - тазкира, хат, суҳбат ва бадий асарнинг ўзида мужассам топганлигини инкор этмайди.¹

20-йилларда адабиётшунослик ва адабий танқид замонавий кўринишдаги изланиш ва шаклланиш жараёнини бошидан кечирар эди. Шунга кўра бу даврда бир қатор илмий-назарий йўналишлар ибтидосининг мавжуд бўлиши табиийдир. Жумладан:

- рус формал мактаби намояндаларига эргашиш;
- қадимги шарқ фалсафаси, хусусан, тасаввуф ва исломни назарий асос қилиб олиш;
- татар, турк ва бошқа миллатларнинг илғор фикрли мунаққидларидан ибратланиш;
- жаҳон адабиётшунослиги тажрибаларига суянишга уриниш ва ҳ.к.

20-йиллар адабий жараёнининг нисбатан эркин ижодий муҳитида фаолият кўрсатган В.Маҳмуд асарларида жаҳон адабиёти тажрибаларига, тасаввуф ва ислом фалсафасига таяниш, турк мунаққидларига эргашув факторлари кўзга ташланади.

Ҳар қайси адабиётшунос ўз дидига маъқул йўналишни танлаб мақолалар ёзаётган жараёнда уларнинг асарларидаги принципал ўзига хос хусусиятларнинг намоён бўлиши ҳам табиийдир. Вадуд Маҳмуд мақолаларидаги ўзига хослик эса қуйидагилардан иборатдир:

- фикрни фактлар асосида илмий далиллаш;

¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи (X-XIX асрлар). Тошкент, 1993. Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихи. ҚД. Тошкент, 1993.

- бадий асарни кўпроқ эстетик нуқтаи назардан таҳлил қилишга мойиллик, унинг бадияти, шакли, тили ва услубини текширишга уриниш;

- ижодкорга ҳолис ва тўғри илмий баҳо бериш;

- бадий асарга баҳо беришда конкрет шарт-шароит ва муҳитни эътиборга олиш;

- сўзга масъуллик ва илмийлик;

- бадий асар нафосатини чуқур ҳис қилиш ва матнни яхши тушуниб таҳлил этиш;

- ўтмиш меросимизга нисбатан чуқур ҳурмат туйғуси;

- бой адабий меросимиз билан фахрланиш ва уларни халқнинг маънавий мулкига айлантириш йўлида тинмай изланиш;

- адабий баҳс-мунозараларда илмий ҳолислик ва инсоний одилликни кадрлаш ва ҳ.к.

Такрор айтамлики, Вадуд Маҳмуд 20-йиллардаёқ мумтоз адабиётни талқин этишда энг тўғри йўналишни бошлаган, уни тасаввуф ва ислом фалсафаси асосида ўрганиш лозимлигини кўтариб чиққан мунаққидлардан бири эди. Аммо давр сиёсатининг тазйиқлари туфайли бу тамойиллар илмий муомала доирасидан четга сурилди, танқид қилинди. Ҳозирги кунимизда эса бу назарий тамойилга мумтоз адабиётни тадқиқ этишдаги энг долзарб ва тўғри илмий йўналиш сифатида қаралмоқда. Миллий тафаккур тарихидаги ўша нурли нуқталар, 20-йиллар адабий танқидчилигидаги ўлмас, умрбоқий тамойиллар замонимиз билан меросимиз орасидаги умуминсоний илмий қадриятлар узвийлигини таъмин этади.

Вадуд Маҳмуд адабий меросга тааллуқли мақолаларида илмий терминлар масаласида бир оз қийинчиликка дуч келди, бир оз услубий ғализликларга йўл қўйди. Аммо илмий тил ва услуб билан боғлиқ бундай камчиликлар ўша давр адабий-илмий жараёнидаги аҳвол билан изоҳланиши ҳам аниқдир.

20-йиллар адабий танқидчилигини мафкуравий андозаларга солиб баҳолаш, илм аҳлини халқпарвар ва миллатчига, асарларини фойдали ва фойдасизга ажратиб баҳолаш тўғри бўлмайди. Бу масалада муҳитни, асар матнини, ижодкорнинг маънавий-руҳий ҳолатини тушуниш лозим.

Тарихий давр ва адабий-илмий муҳитни тушуниб ҳис этиш ўрнига, уни жўнлаштириш илмий ҳақиқатнинг юзага чиқишига монетьлик қилади. Зеро, ҳақиқатнинг қайсидир қиррасини намойиш этган ҳар қандай фикр яшашга ҳақлидир. Унга қанчалик мотам либоси кийдирилиб, устига чексиз миқдорда мағзава ағдарилмасин, барибир ўз қимматини йўқотмайди. Бунга Бехбудий, Абдулла Қодирий, Фитрат ва Чўлпонларнинг ижодий меро-

си, амалий фаолияти гувоҳлик бериб турганидек, Вадуд Маҳмуднинг ҳам бу улуғ сиймолар хусусидаги, асарлари ҳақидаги қимматли мулоҳазалари энг яхши далилдир.

В.Маҳмуд қадимги қўлёзма, тошбосма асарлардан мисқоллаб йиққан фактлари билан Алишер Навоий ва Фузулий Бағдодий ҳаёти ва ижодини мухтасар ёритиб берди. Шу боис биз ҳақли равишда Вадуд Маҳмудни 20-йилларда биринчилардан бўлиб ўзбек навоийшунослиги ва фузулийшунослигини бошлаб берган адабиётшунослардан биридир, дея оламиз. Мунаққиднинг бу улуғ сиймоларга нисбатан тутган позицияси, "вадудона" талқинлари қисман бўлса-да, Ф.Куприлизода, А.Хусайнзода, Е.Э.Бертельс сингари олимларнинг ишларига ҳамоҳангдир.

Адабиёт ва санъат соҳасида ҳам, адабиётшунослик ва адабий танқидчиликда ҳам ижодкорнинг, олимнинг эркин фикри маъмурий буйруқбозликка асосланган мустабид тузум қарорлари, талаб ва кўрсатмалари билан чеклаб қўйилса, санъат ва ҳаёт, олим ва илм ўртасида узилиш пайдо бўлади. Шу маънода ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқиди тарихидаги XX аср бошидан то 20-йилларнинг охирларигача бўлган даврни нисбатан фикрий эркинликка, ижод эркинлигига эга бўлган давр сифатида махсус ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ўша даврдаги бадиий, илмий асарлар, жумладан, Вадуд Маҳмуд асарлари ҳам миллий тафаккур тарзининг муайян босқичи хусусиятларини ўзида жамлагандир.

Хуллас, мавжуд далиллар Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллар адабий танқидчилигида ўзига хос ўрин тутишини тасдиқлайди. Улар мунаққиднинг ижодий фаолияти ҳақида ана шундай ижобий, ибратли ва муҳим илмий хулосалар чиқаришга имкон беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

I

1. Алиев А. Фитрат. - Т., Фан, 1991. - 51 б.
2. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: Искусство, 1965. - 529 с.
3. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. - М.: Искусство, 1979. - 424 с.
4. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. - Т., Ўзбекистон, 1993. - 191 б.
5. Дўстқораев Б. Ўзбек совет танқидчилиги тарихи: Ўқув кўлланма. - Т., ТошДУ, 1989. - 88 б.
6. Ёкубов Х. Сайланма: 2 томлик. - Т., Ф.Фулом, 1983. -Т.I. -368 б.
7. Мавдудий. Ислом асослари. - Т., Чўлпон, 1991. - 122 б.
8. Мажидий Р. Истеъод ва бурч. - Т., Ф.Фулом, 1974.- 330 б.
9. Макнивели Н. Государь. - М.: Планета, 1990. - 84 с.
10. Мережковский Д. Акрополь. - М.: Кн. палата, 1991.- 352 с.
11. Миллий уйғониш: Мақолалар тўп. /Масъ. Мухар. И.Кўч-кортоев, Б.Қосимов. - Т., Университет, 1993. - 127 б.
12. Навоий А. Махбубул кулуб. - Т., Ф.Фулом, 1983. - 110 б.
13. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Ғоявийлик. Метод. Қахрамон. - Т., Фан, 1979. - 286 б.
14. Олимжон Х. Танланган асарлар: 5 томлик.- Т., Ф.Фулом, 1972. - Т.5. - 93-140 б.
15. Раҳмон Н. Турк ҳоконлиги. - Т., Абдулла Қодирий, 1991. - 144 б.
16. Солиҳов Т. 30 - йиллар ўзбек совет адабий танқидчилиги социализм учун курашда: филол.фанлари номзоди... дис. - Т., ТошДУ, - 1973. - 176 б.
17. Творческое наследие И.А.Добролюбова. - М.: Изд. МГУ, 1988. - 198 с.
18. Троцкий Л. Литература и революция. - М.: Политиздат, 1991. - 400 с.
19. Турдиев Ш., Қориев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги библиографияси. - Т., Фан, 1967. - 217 б.
20. Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихи: Филол.фанлари номзоди... автореф. дис.-Т., 1993, 157 б.
21. Фидойилар: Тўп./Масъ.мух. Н.Каримов.- Т., Фан, 1990.- 73 б.
22. Фитрат А. Адабиёт қондалари.-С-Т., Ўзбекистон, 1926.-180 б.
23. Шарафиддинов О. Чўлпон.- Т., Чўлпон, 1991. - 112 б.
24. Эшонова З. Чўлпон шеърятининг ғоявий-бадий хусусиятлари: Филол.фанлари номзоди... дис.- Т., 1991. - 173 б.
25. Юнусов М. Барҳаёт мерос саҳифалари. - Т., Фан, 1986.- 128 б.

26. Ўзбек совет адабиёти тарихи: Унив. ва пед.институтларнинг фил. факульт. учун дарслик./ Масъул муҳаррир А.Шарипов. - Т., Ўқитувчи, 1990. - 464 б.
27. Ўзбек совет адабий танқиди тарихи: 2 томлик./ И.Султонов тахрири остида.- Т., Фан, 1987. - Т.I. - 348 б.
28. Қосимов Б. Излай-излай топангим. - Т., Ф.Фуллом, 1983.- 272 б.
29. Қўшжонов М. Қодирий - эркинлик қурбони.- Т., Фан, 1992.- 96 б.
30. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. - Т., ЎзССР ФА нашр., 1959. - 196 б.
31. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят.- Т., Ф.Фуллом, 1991.- 184 б.
32. Ҳусайн С. Танланган асарлар.- Т., Ф.Фуллом, 1974. -198 б.

II

1. Абди Шохид Эҳсон. Биз ва маориф // Ҳақиқат. - 1922.- №1-2. - Б. 11-17.
2. Айн. Ўзбек шоири Чўлпон //Қизил Ўзбекистон.- 1927.- 14 фев.
3. Аҳмедов С. Мунаввар Қори // Шарқ юлдузи. - 1992.- №5. - Б. 105-158.
4. Башир З. Ўзбек шоири Чўлпон шеърлари // Туркистон.- 1924. - 4 май.
5. Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чигатойчилик // Қизил Ўзбекистон. - 1929. - 13 май.
6. Боту. Қизил маданиятчилар ғалабаси // Қизил Ўзбекистон. - 1927. - 11 окт.
7. Брюсов З. Свобода слова // Литературная газета. - 1990. - 22 август.
8. Валидий З. Туркистоннинг туганмас дарди. // Ўзб.адаб. ва санъ. - 1992. - 19 июнь.
9. Болтабоев Ҳ. Хорижда фитратшунослик // Ўзб. адаб. ва санъ. - 1992. - 27 март.
10. Гумилёв Л.Н. Никакой мистики // Юность. - 1990. - № 2. - С.27-31.
11. Жулқунбой. Олти йиллик базм // Муштум.- 1924.- № 4.- Б.2-3.
12. Зоҳирий А. Навоийнинг юбилейи ва таржимаи ҳолига янги бир саҳифа // Маориф ва ўқитувчи. - 1927.- №1-2.- Б.27-31.
13. Каримов Н. "Қутадғу билиг"нинг топиляши // Фан ва турмуш. - 1993. - № 2. - Б.47-51.
14. Короленко В. Луначарскийга ёзилган хатлар // Шарқ юлдузи. - 1989. - № 6. - Б.147-158.
15. Куприлизода Ф. Турк адабиёти тарихи. Исмоил Ҳикмат. 4-жилд. 1925-1925 Боку // Маориф ва маданият. -1926. - №2-3. - Б.23-24.
16. Латиф Ю. Пролетар адабиёти // Ёш ленинчи. - 1928. - 6 апр.
17. Леонтьев К. Анализ, стиль, веяние // Вопросы литературы. - 1988. - № 12. - С.47-54.

18. Мақсудов Ю. Улуғлар даврасида // Шарқ юлдузи. - 1990. - № 4. - Б. 129-135.
19. Мақсудов Ю. Вадуд Махмуд ва Чўлпон // Ўзб. адаб. ва санъ. 1993. - 10 сент.
20. Мўйин Х. Муфти Маҳмудхўжа ҳазратларининг қандай шаҳид бўлганлиги ва онинг томонидан ёзилган васиятнома // Инкилоб. - 1922. - № 2. - Б. 37-39.
21. Нўғоев С. Туркий тиллар бирлашмоғи керак // Замон Ўзбекистон. - 1993. - 16-31 июль.
22. Озиёлик. Оғизда эмас амалда бўлсин // Қизил байроқ. - 1922. - 11 август.
23. Пестовский Б.О. Ўзбек театри тарихи. // Инкилоб. - 1922. №6. - Б.17-23.
24. Раҳимий Ш. "Нашри маориф" нима? // Туркистон. - 1923. 13 фев.
25. Раҳимий Ш. Туркиёт курултойининг якунлари // Қизил Ўзбекистон. - 1926. - 14 май.
26. Саъдий А. Ўзбек ёш шоирлари // Туркистон. - 1923. - 10 дек.
27. Саъдий А. Ўзбек ёш шоирлари // Зарафшон. - 1924. - 27 фев.
28. Саъдий А. Адабий-тарихий саводсизликка қарши // Зарафшон. - 1924. - 19 май.
29. Турсункул. Сиддикий тўғрисида мулоҳазаларим // Маориф ва ўқитувчи. - 1928. - № 3. - Б. 39-42.
30. Фитрат. Ёпишмаган гажжаклар // Қизил Ўзбекистон. - 1929.15 - 16 май.
31. Чўлпон. Ризо Тавфикбек // Фарғона. - 1924.- 10 март.
32. Чўлпон. Кутурғон мустамлакачилар // Фарғона.- 1924.- 8 авг.
33. Қосимов Б. Шоир хотирасини излаб // Шарқ юлдузи. - 1989. - № 10. Б.158-164.
34. Ҳаким Н. Ўзбек адабиётида танқид ва адабий муҳокамалар // Туркистон. - 1924. - 25 июнь.
35. Ҳусайнзода А. Фузулий ва тасаввуф // Маориф ва маданият. - 1926. - № 1. - Б.29-37.

И Л О В А

ВАДУД МАҲМУДНИНГ ИЛМИЙ, БАДИИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК АСАРЛАРИ РЎЙҲАТИ

1. Маҳмудхўжа Бехбудий // Меҳнаткашлар товуши. - 1920. - 8 июль.
2. Ай, дохий // Меҳнаткашлар товуши. - 1920. - 8 июль.
3. Маҳмудхўжа // Меҳнаткашлар товуши.- 1920. - 8 июль.
4. Марҳум Шоқир Мухторий // Меҳнаткашлар товуши. -1921.-12 фев.

5. Болалар халқнинг келажаги // Меҳнат.товуши.- 1921.-15 фев.
 6. Мактабларда аҳвол // Меҳнаткашлар товуши.- 1921.- 15 фев.
 7. Болалар тарбияси // Меҳнаткашлар товуши. - 1921.- 21 фев.
 8. Хотунларимиз // Меҳнаткашлар товуши. - 1921. - 8 март.
 9. Маориф ишлари // Меҳнаткашлар товуши.- 1921. - 9 май.
 10. Чин севиш // Қизил байроқ.- 1921. - 22 сент.
 11. Маорифимиз // Камбағаллар товуши. - 1922. - 29 июнь.
 12. Мажбурий ўқиш // Зарафшон.- 1922. - 4 ноя.
 13. Мактабга ёрдам ҳафтаси // Зарафшон. - 1922. - 2 дек.
 14. Эшитгувчиларга // Зарафшон. - 1922. - 10 дек.
 15. Асари атиқамиз // Зарафшон. - 1923. - 20 янв.
 16. Билим юртимизда // Зарафшон. - 1923. - 1 февр.
 17. Ҳиммат керак // Зарафшон. - 1923. - 1 март.
 18. Маориф ишларимиз // Туркистон. - 1923. - 25 март.
 19. Яхши эмас // Зарафшон. - 1923. - 12 апр.
 20. Ҳинд ихтилолчилари // Туркистон. - 1923. - 17 окт.
 21. Чўлпоннинг "Булоқлар"и // Туркистон. - 1923. - 10 дек.
 22. Сайёралар масканими ? // Зарафшон. - 1923. - 13 дек.
 23. Маориф ишлари тўғрисида мулоҳазаларим //Инкилоб. - 1923. -
- № 9.
24. Адабий танқидга бир назар // Туркистон. - 1924. - 22 янв.
 25. Адабий танқидга бир назар // Зарафшон. - 1924.- 10 апр.
 26. Турк шоири Ажзий // Инкилоб. - 1924. - № 11-12.
 27. А.Саъдийнинг саводи // Зарафшон. - 1924. - 11 июнь.
 28. Илмий-адабий вазифалар қаршисида // Зарафшон. - 1924. - 21
- июнь.
29. Мустамлакачилик ўз йўлида // Зарафшон. - 1924. - 3 сент.
 30. Янги давр, янги йўл // Зарафшон. - 1924. - 17 дек.
 31. (Р.М. учун) // Зарафшон. - 1925. - 18 февр.
 32. Хотунлар шубҳаси масаласи // Зарафшон. - 1925. - 24 окт.
 33. Навоий учун // Ер юзи. - 1925. - №3.
 34. Алишер Навоий // Маориф ва ўқитувчи. - 1925. - №3.
 35. Фузулий Боғдодий // Маориф ва ўқитувчи. - 1925. - №4.
 36. Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз // Маориф ва ўқитувчи. - 1925. - №4, 5-6, 7-8.
 37. Тил ва ҳарф масаласи // Маориф ва ўқитувчи. - 1925. - №5-6.
 38. Талпиниш // Маориф ва ўқитувчи. - 1925. - №7-8.
 39. Қаллаи кулоҳ? // Маориф ва ўқитувчи. - 1925. - №9-10.
 40. Қиш сезгилари // Маориф ва ўқитувчи. - 1925. - №9-10.
 41. Турк адабиёти тарихи. И.Ҳикмат, Боку - 1925 // Маориф ва ўқитувчи. - 1925. - №9-10.
 42. Луғат ва атамалар // Маориф ва ўқитувчи. - 1925. - №9-10.
 43. Қиш // Маориф ва ўқитувчи. - 1925. - №11-12.
 44. Туркиёт Қурулғойи // Маориф ва ўқитувчи. - 1925. - №11-12.
 45. Навоийгача турк адабиёти // Маориф ва ўқитувчи. - 1926. -
- №1.
46. Муаллим Шакурӣ // Садои Шарк. - 1992. - №8.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Мунаққид ва адабий жараён.....	6
II боб. Адабий мерос ва миллий тафаккур.....	60
Хулоса.....	97
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	100
Илова. Вадуд Маҳмуднинг илмий, бадий ва публицистик асарлари рўйхати.....	102

Баҳодир Карим

**ЖАДИД МУНАҚҚИДИ
ВАДУД МАҲМУД**

Муҳаррир *О.Абдуллаева*

Теришга берилди 20.09.99. Босишга рухсат этилди 1.12.99. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 5,4. Нашриёт ҳисоб табоғи 6,0. Адади 1000 нусха. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма №54.

“Университет” нашриёти. Тошкент - 700095, Талабалар шаҳарчаси, ТошДУ маъмурий биноси.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг Янгийўл ижара пудратигади китоб фабрикасида босилди. Янгийўл, Самарканд кўчаси, 44. 1999 й.